Ushbu maqolada issiqlik tarqalish tenglamasi uchun Koshi masalasini integral almashtirishlar yordamida yechish o‘rganilgan. Dastlab masalada Fur‘e almashtirishi qo‘llanilib alohida integral tenglama olindi va teskari Fur‘e almashtirish qo‘llanilib qo‘yilgan masalaga ekvivalent bo‘lgan integral tenglama olingan. Ushbu yechimning mavjudligi va yagonaligi haqidagi teorema isbotlangan.

Kalit so‘zlar: Issiqlik, tenglama, Koshi masalasi, Fur‘e almashtirish, yechim, teskari integral, bo‘laklab integrallash, absolyut.

В данной статье рассматривается решение задач Коши для уравнения рассеяния тепла с использованием интегральных постановок. Первоначально, с помощью преобразования Фурье в задаче было получено отдельное интегральное уравнение, а также эквивалентное задачи

интегральное уравнение, для которой применялась обратное преобразование Фурье. Доказана теорема существования и единственного решения этой задачи.

Ключевые слова: теплопроводность, уравнение, задача Коши, преобразование Фурье, решение, обратный интеграл, частное интегрирование, абсолют.

This article discusses the solution of Cauchy problems for the heat dissipation equation using integral formulations. Initially, using the Fourier transform in the problem, a separate integral equation was obtained, as well as an integral equation equivalent to the problem, for which the inverse Fourier transform was applied. The theorem of existence and the unique solution of this problem is proved in the article.

Keywords: Heat, equation, Cauchy problem, Fourier substitution, solution, inverse integral, partial integration, absolute.

$u(x,t)$ funksiyani $\{x \in \mathbb{R}, t > 0\}$ sohada quyidagi Koshi masalasini aniqlash masalasini qaraymiz.

$$u_t = a^2 u_{xx} + f(x, t) \quad x \in \mathbb{R}, t > 0 \quad (1)$$

$$u(x, 0) = \varphi(x) \quad x \in \mathbb{R} \quad (2)$$

Bunda $\varphi(x)$ -boshlang'ich holatdagi temperatura, $f(x, t)$ – ichki issiqlik manbai bo'lib bunda manbaning zichligini ifodalaydi. Keyinchalik faraz qilamizki $x \rightarrow \infty$ da $u(x,t) \rightarrow 0$ $u_x(x,t) \rightarrow 0$ bo'lib $u(x,t)$ funksiya $x \in (-\infty; +\infty)$ da absolyut integrallanuvchi bo'lsin, ya'ni $t \geq 0$ da,

$$\int_{-\infty}^{+\infty} |u(x, t)| \leq \psi$$

bunda ψ -chekli son.

Teorema. Faraz qilaylik, $\varphi(x) \in C^2(\mathbb{R})$, $f(x, t) \in C(\mathbb{R}_t)$, $a \in \mathbb{R}$ bo'lsin. U holda (1), (2) Koshi masalasining $C^{1,2}(\overline{\mathbb{R}_t})$ sinfga tegishli yagona $u(x,t)$ yechimi mavjud.

Isbot. (1)-(2) masalani yechimini topish uchun Fur'ening integral almashtirishidan foydalanamiz. Fur'ening integral almashtirishi quyidagicha

$$\hat{u}(\lambda, t) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{+\infty} u(x, t) e^{-i\lambda x} dx \quad (3)$$

bo'lsin. Teskari Fur'e almashtirishi,

$$u(x, t) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{+\infty} \hat{u}(\lambda, t) e^{i\lambda x} dx \quad (4)$$

ko'rinishidagi formuladan iborat.

(1) - (2) Koshi masalasi uchun Fur'e almashtirishini qo'llaymiz. Buning uchun (1) tenglamani $\frac{e^{-i\lambda x}}{\sqrt{2\pi}}$ ga ko'paytirib $(-\infty; +\infty)$ oraliqda integrallaymiz. (1) tenglama hadlari uchun integrallarni hisoblaymiz.

$$\int_{-\infty}^{+\infty} u_t(x, t) \frac{e^{-i\lambda x}}{\sqrt{2\pi}} dx = \left(\int_{-\infty}^{+\infty} u(x, t) e^{-i\lambda x} dx \right)_t = \frac{\partial}{\partial t} \hat{u}(\lambda, t) = \hat{u}_t(\lambda, t);$$

$a^2 u_{xx}$ had uchun Fur'e almashtirish integralini qo'llaymiz.

$$\int_{-\infty}^{+\infty} a^2 u_{xx} \frac{e^{-i\lambda x}}{\sqrt{2\pi}} dx = \frac{a^2}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{+\infty} u_{xx}(x, t) e^{-i\lambda x} dx$$

Bu integralni 2 marta bo'laklab integrallaymiz.

$$\frac{a^2}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{+\infty} u_{xx} e^{-i\lambda x} dx = \left| \begin{array}{l} v = e^{-i\lambda x}, \quad dv = -i\lambda e^{-i\lambda x} dx \\ dw = u_{xx} dx, \quad w = u_x \end{array} \right| =$$

$$= \frac{a^2}{\sqrt{2\pi}} \left[u_x(x, t) e^{-i\lambda x} \Big|_{-\infty}^{+\infty} + i\lambda \int_{-\infty}^{+\infty} u_x(x, t) e^{-i\lambda x} dx \right]$$

Bu ifodaning o'ng tomondagi birinchi hadida $e^{-i\lambda x}$ barcha $x \in (-\infty; +\infty)$ da chegaralangan; ikkinchi hadi agar $x \rightarrow \pm\infty$ da $u_x(x, t) \rightarrow 0$. shuning uchun yuqoridagi ifodani quyidagicha yozamiz.

$$\begin{aligned} \frac{i\lambda a^2}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{+\infty} u_x(x, t) e^{-i\lambda x} dx &= \left| \begin{array}{l} v = e^{-i\lambda x}, \quad dv = -i\lambda e^{-i\lambda x} dx \\ dw = u_x dx, \quad w = u \end{array} \right| = \\ &= \frac{i\lambda a^2}{\sqrt{2\pi}} \left[u(x, t) e^{-i\lambda x} \Big|_{-\infty}^{+\infty} + i\lambda \int_{-\infty}^{+\infty} u(x, t) e^{-i\lambda x} dx \right] = \\ &= \frac{-\lambda^2 a^2}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{+\infty} u(x, t) e^{-i\lambda x} dx = -\lambda^2 a^2 \hat{u}(\lambda, t). \end{aligned}$$

Bunda $[u(x, t) e^{-i\lambda x}]_{-\infty}^{+\infty} = 0$ bo'ladi, chunki $e^{-i\lambda x}$ funksiya $x \in (-\infty; +\infty)$ da chegaralangan, ya'ni $|e^{-i\lambda x}| = |\cos \lambda x - i \sin \lambda x| \leq 1$, $u(x, t)$ funksiya $x \rightarrow \infty$ da $u(x, t) \rightarrow 0$ bo'ladi. (1) tenglamaning o'ng tomondagi $f(x, t)$ ozod hadi uchun:

$$\int_{-\infty}^{+\infty} f(x, t) \frac{e^{-i\lambda x}}{\sqrt{2\pi}} dx = \hat{f}(\lambda, t)$$

ko'rinishdagi funksiyaga o'tadi. Shunday qilib, (1) tenglama uchun Fur'e almashtirishini qo'llasak, (1) tenglama $u(x, t)$ funksiyaning Fur'e almashtirishiga nisbatan quyidagi ko'rinishga o'tadi.

$$\hat{u}_t(\lambda, t) + \lambda^2 a^2 \hat{u}(\lambda, t) = \hat{f}(\lambda, t). \quad (5)$$

(2) boshlang'ich shartning Fur'e almashtirishi,

$$\hat{u}_t(\lambda, t) \Big|_{t=0} = \hat{\varphi}(\lambda) \quad (6)$$

ifodaga o'tadi, bunda:

$$\hat{\varphi}(\lambda) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{+\infty} \varphi(x) e^{-i\lambda x} dx.$$

(5) va (6) Koshi masalasini yechamiz. Buning uchun Lagranj usuli o'zgarmanli variatsiyalash usulidan foydalanamiz. $\hat{u}_t(\lambda, t) + \lambda^2 a^2 \hat{u}(\lambda, t) = 0$, bir jinsli tenglamani yechamiz.

$$\hat{u}(\lambda, t) = e^{-\lambda^2 a^2 t} C(x, t) \quad (7)$$

ko'rinishda bir jinsli tenglamaning yechimini olamiz. (7) dan t bo'yicha differensial olib (5) tenglamaga qo'yamiz va $C(x, t)$ ni topamiz:

$$C_t(x, t) = \hat{f}(\lambda, t) e^{\lambda^2 a^2 t}.$$

Bundan, $C(x, t)$ ni topsak:

$$C(x, t) = \int_0^t \hat{f}(\lambda, \tau) e^{\lambda^2 a^2 \tau} d\tau + C.$$

$C(x, t)$ ni (7) ga qo'yib (5) tenglamaning umumiy yechimini topamiz.

$$\hat{u}(\lambda, t) = e^{-\lambda^2 a^2 t} \left[\int_0^t \hat{f}(\lambda, \tau) e^{\lambda^2 a^2 \tau} d\tau + C \right] \quad (8)$$

(6) shartni qanoatlantiruvchi xususiy yechimi esa

$$\hat{u}(\lambda, t) \Big|_{t=0} = \left\{ e^{-\lambda^2 a^2 t} \left[\int_0^t \hat{f}(\lambda, \tau) e^{\lambda^2 a^2 \tau} d\tau + C \right] \right\} \Big|_{t=0} = \hat{\varphi}(\lambda),$$

bunda: $C = \hat{\varphi}(\lambda)$. Demak, (5) va (6) Koshi masalasining yechimi:

$$\hat{u}(\lambda, t) = \hat{\varphi}(\lambda) e^{-\lambda^2 a^2 t} + \int_0^t \hat{f}(\lambda, \tau) e^{-\lambda^2 a^2 (t-\tau)} d\tau \quad (9)$$

Biz Fur'e almashtirishdagi masalaning yechimini topdik. Dastlabki masalaning yechimini topish uchun teskari Fur'e almashtirishini qo'llaymiz. (9) tenglikga teskari Fur'e almashtirishini qo'llab, dastlabki (1) va (2) Koshi masalasi yechimini topamiz. Buning uchun teskari Fur'e almashtirishiga nisbatan quyidagi hisoblashlarni bajaramiz.

$$u(x, t) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{+\infty} \hat{u}(\lambda, t) e^{i\lambda x} d\lambda = \int_{-\infty}^{+\infty} \left\{ \hat{\varphi}(\lambda) e^{-\lambda^2 a^2 t} + \int_0^t \hat{f}(\lambda, \tau) e^{-\lambda^2 a^2 (t-\tau)} d\tau \right\} \frac{e^{i\lambda x} d\lambda}{\sqrt{2\pi}} = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{+\infty} \hat{\varphi}(\lambda) e^{-\lambda^2 a^2 t} e^{i\lambda x} d\lambda + \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{+\infty} \int_0^t \hat{f}(\lambda, \tau) e^{-\lambda^2 a^2 (t-\tau)} e^{i\lambda x} d\tau d\lambda. \quad (10)$$

(10) ifodaning o'ng tomonidagi integrallarni

$$\hat{\varphi}(\lambda) = \int_{-\infty}^{+\infty} \varphi(x) \frac{e^{-i\lambda x}}{\sqrt{2\pi}} dx, \quad \hat{f}(\lambda, \tau) = \int_{-\infty}^{+\infty} f(x, \tau) \frac{e^{-i\lambda x}}{\sqrt{2\pi}} dx$$

Fur'e almashtirishlarini qo'yib, bu integrallarini alohida-alohida hisoblab, so'ng qo'shamiz.

$$\begin{aligned} & \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{+\infty} \hat{\varphi}(\lambda) e^{-\lambda^2 a^2 t} e^{i\lambda x} d\lambda = \\ & = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{+\infty} \left\{ \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{+\infty} \varphi(\xi) e^{-i\lambda \xi} d\xi \right\} e^{-\lambda^2 a^2 t} e^{i\lambda x} d\lambda \\ & = \frac{1}{2\pi} \int_{-\infty}^{+\infty} \varphi(\xi) \int_{-\infty}^{+\infty} e^{i\lambda(x-\xi)} e^{-\lambda^2 a^2 t} d\lambda. \end{aligned}$$

Xuddi shunday, ikkinchi integralni ham hisoblaymiz.

$$\begin{aligned} & \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{+\infty} \int_0^t \hat{f}(\lambda, \tau) e^{-\lambda^2 a^2 (t-\tau)} e^{i\lambda x} d\tau d\lambda = \\ & = \frac{1}{2\pi} \int_0^t \int_{-\infty}^{+\infty} f(\xi, \tau) \int_{-\infty}^{+\infty} e^{i\lambda(x-\xi)} e^{-\lambda^2 a^2 (t-\tau)} d\lambda d\xi d\tau \end{aligned}$$

Bularni (10) ifodaga qo'yib,

$$u(x, t) = \frac{1}{2\pi} \int_{-\infty}^{+\infty} \varphi(\xi) \int_{-\infty}^{+\infty} e^{i\lambda(x-\xi)} e^{-\lambda^2 a^2 t} d\lambda + \frac{1}{2\pi} \int_0^t \int_{-\infty}^{+\infty} f(\xi, \tau) \int_{-\infty}^{+\infty} e^{i\lambda(x-\xi)} e^{-\lambda^2 a^2 (t-\tau)} d\lambda d\xi d\tau \quad (11)$$

(11) formulada integrallarning ikkalasida ham quyidagi integrallar qatnashib turibdi.

$$\begin{aligned} & \int_{-\infty}^{+\infty} e^{i\lambda(x-\xi)} e^{-\lambda^2 a^2 t} d\lambda = 2 \int_0^{+\infty} e^{-\lambda^2 a^2 t} \cos \lambda(x-\xi) d\lambda \\ & \int_{-\infty}^{+\infty} e^{i\lambda(x-\xi)} e^{-\lambda^2 a^2 (t-\tau)} d\lambda = 2 \int_0^{+\infty} e^{-\lambda^2 a^2 (t-\tau)} \cos \lambda(x-\xi) d\lambda \quad (12) \end{aligned}$$

(12) dagi integrallarni hisoblash bilan shug'ullanamiz. Avvalo,

$$\int_{-\infty}^{+\infty} e^{i\lambda(x-\xi)} e^{-\lambda^2 a^2 t} d\lambda = 2 \int_0^{+\infty} e^{-\lambda^2 a^2 t} \cos \lambda(x-\xi) d\lambda$$

ifodani hisoblaymiz. Yuqoridagi integralda yangi o'zgaruvchi kiritamiz.

$\mu = x - \xi, \delta^2 = a^2 t$, u holda:

$$\int_0^{+\infty} e^{-\lambda^2 a^2 t} \cos \lambda(x-\xi) d\lambda = \int_0^{+\infty} e^{-\lambda^2 \delta^2} \cos \lambda \mu d\lambda = I(\mu) \quad (13)$$

(13) integralni μ parametr bo'yicha differensiallaymiz.

$I'(\mu) = -\int_0^{+\infty} e^{-\lambda^2 \delta^2} \lambda \sin \lambda \mu d\lambda$ parameter bo'yicha differensiallash qoidasiga ko'ra olingan integral $\forall \mu \in R$ uchun tekis yaqinlashuvchi bo'ladi. Bu integralni bo'laklab integrallaymiz.

$$I'(\mu) = \int_0^{+\infty} e^{-\lambda^2 \delta^2} \lambda \sin \lambda \mu d\lambda$$

$$= \left| \begin{array}{l} v = \sin \lambda \mu, \quad dv = \mu \cos \lambda \mu d\lambda \\ dw = e^{-\lambda^2 \delta^2} \lambda, \quad w = -\frac{1}{2\delta^2} e^{-\lambda^2 \delta^2} \end{array} \right| = -\frac{1}{2\delta^2} e^{-\lambda^2 \delta^2} \sin \lambda \mu \Big|_0^{+\infty}$$

$$+\frac{\mu}{2\delta^2} \int_0^{+\infty} e^{-\lambda^2 \delta^2} \cos \lambda \mu d\lambda = \frac{\mu}{2\delta^2} \int_0^{+\infty} e^{-\lambda^2 \delta^2} \cos \lambda \mu d\lambda = \frac{\mu}{2\delta^2} I(\mu)$$

Differensial tenglamaning umumiy yechimi $I(\mu) = C e^{-\frac{\mu^2}{4\delta^2}}$.

Bunda: C-o'zgarimas.

$\int_0^{+\infty} e^{-\lambda^2 \delta^2} \cos \lambda \mu d\lambda = I(\mu)$ integralning $\mu = 0$ dagi qiymatidan aniqlaymiz.

$$I(0) = \int_0^{+\infty} e^{-\lambda^2 \delta^2} d\lambda = \left| \begin{array}{l} \delta \lambda = z \quad z = 0 \\ d\lambda = \frac{dz}{\delta} \quad z = +\infty \end{array} \right| =$$

$$= \int_0^{+\infty} \frac{e^{-z^2}}{\delta} dz = \frac{1}{\delta} \int_0^{+\infty} e^{-z^2} dz =$$

$$= \left| \begin{array}{l} z^2 = t \quad z \rightarrow \infty \Rightarrow t \rightarrow \infty \\ z = \sqrt{t} \quad z = 0 \Rightarrow t = 0 \end{array} \right| = \frac{1}{\delta} \int_0^{+\infty} e^{-t} \frac{dt}{2\sqrt{t}} =$$

$$= \frac{1}{2\delta} \int_0^{+\infty} t^{-\frac{1}{2}} e^{-t} dt = \frac{1}{2\delta} \int_0^{+\infty} t^{\frac{1}{2}-1} e^{-t} dt = \frac{1}{2\delta} \Gamma\left(\frac{1}{2}\right) =$$

$$= \left| \Gamma(p)\Gamma(1-p) = \frac{\pi}{\sin \pi p}; p = \frac{1}{2} \left(\Gamma\left(\frac{1}{2}\right)\right)^2 = \frac{\pi}{\sin \frac{\pi}{2}}, \Gamma\left(\frac{1}{2}\right) = \sqrt{\pi} \right| = \frac{\sqrt{\pi}}{2\delta}$$

Demak, $I(0) = \frac{\sqrt{\pi}}{2\delta}$. Ikkinchi tomondan esa $I(0)=C$. Bunda: $C = \frac{\sqrt{\pi}}{2\delta}$,

$$I(\mu) = \int_0^{+\infty} e^{-\lambda^2 \delta^2} \cos \lambda \mu d\lambda = \frac{\sqrt{\pi}}{2\delta} e^{-\frac{\mu^2}{4\delta^2}}$$

Oxirgi integralning oldingi o'zgaruvchilariga nisbatan yozsak quyidagiga ega bo'lamiz:

$$\int_0^{+\infty} e^{-\lambda^2 \delta^2} \cos \lambda \mu d\lambda = \int_0^{+\infty} e^{-\lambda^2 a^2 t} \cos \lambda (x - \xi) d\lambda = \frac{\sqrt{\pi}}{2a\sqrt{t}} e^{-\frac{(x-\xi)^2}{4a^2 t}}$$

$$\int_0^{+\infty} e^{-\lambda^2 a^2 (t-\tau)} \cos \lambda (x - \xi) d\lambda = \frac{\sqrt{\pi}}{2a\sqrt{t-\tau}} e^{-\frac{(x-\xi)^2}{4a^2 (t-\tau)}}$$

Bularga nisbatan (1), (2) Koshi masalasi yechimi,

$$u(x,t) = \frac{1}{2a\sqrt{\pi t}} \int_{-\infty}^{+\infty} \varphi(\xi) e^{-\frac{(x-\xi)^2}{4a^2 t}} d\xi +$$

$$+ \frac{1}{2a\sqrt{\pi}} \int_0^t \frac{d\tau}{\sqrt{t-\tau}} \int_{-\infty}^{+\infty} f(\xi, \tau) e^{-\frac{(x-\xi)^2}{4a^2 (t-\tau)}} d\xi \quad (14)$$

Bir jinsli issiqlik o'tkazuvchanlik tenglamasining fundamental yechimi Grin funksiyasiga

$G(x, \xi, t) = \frac{1}{2a\sqrt{\pi t}} e^{-\frac{(x-\xi)^2}{4a^2 t}}$ asosan (14) formulani quyidagicha yozamiz.

$$u(x,t) = \int_{-\infty}^{+\infty} \varphi(\xi) G(x, \xi, t) d\xi + \int_0^t \int_{-\infty}^{+\infty} f(\xi, \tau) G(x, \xi, t - \tau) d\xi d\tau \quad (15)$$

Endi (1) va (2) Koshi masalasining yechimi yagonaligini ko'rsatamiz. Buning uchun teskarisini faraz qilaylik, ya'ni (1)-(2) Koshi masalasini 2 ta aynan teng bo'lmagan $u^1(x, t)$ va $u^2(x, t)$ yechimlarga ega bo'lsin. $u^1(x, t)$ va $u^2(x, t)$ lar (1) tenglama va (2) Koshi shartini qanoatlantiradi.

$$u_t^1 = a^2 u_{xx}^1 + f(x, t), \quad u^1|_{t=0} = \varphi(x),$$

$$u_t^2 = a^2 u_{xx}^2 + f(x, t), \quad u^2|_{t=0} = \varphi(x),$$

$u^1(x, t)$ va $u^2(x, t)$ funksiyalarning ayirmasining farqini $Z(x, t) = u^1(x, t) - u^2(x, t)$ bilan belgilaymiz. Natijada $Z(x, t)$ funksiya,

$$z_t = a^2 z_{xx} \quad z(x, 0) = 0 \quad (17)$$

Koshi masalasini qanoatlantiradi. (17) masala $Z(x, t) \equiv 0$ trivial yechimga ega. Bundan $u^1(x, t) - u^2(x, t) = 0 \Rightarrow u^1(x, t) = u^2(x, t)$ kelib chiqadi. Qilingan faraz noto'g'ri ekanligidan Koshi masalasi yagona yechimga egaligini ko'rishimiz mumkin.

Adabiyotlar

- [1]. Курант Р., Гильберт Д. // Методы математической физики. Т. I–II. – М.: Гостехиздат, 1957.
- [2]. Тихонов А.Н., Самарский А.А. // Уравнения математической физики. – М.: Наука, 1972.
- [3]. Соболев С.Л. // Уравнения математической физики. – М.: Наука, 1966.
- [4]. Крылов Н. В. // Лекции по эллиптическим и параболическим уравнениям в пространствах Гельдера. Новосибирск: Научная книга, 1998, 178 с
- [5]. Л.К. Мартинсон, Ю.И. Малов. // Дифференциальные уравнения математической физики. – Москва: МГТУ имени Н.Э. Баумана, 2002. – 368 с.

ТОБЛАНГАН ПЎЛАТЛАРНИ ЮҚОРИ ТЕЗЛИКДА ФРЕЗАЛАШДА
ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АСБОБСОЗЛИК МАТЕРИАЛЛАРИШ.Н. Файзиматов¹, Ю.Ю. Хусанов¹, Б.И. Абдуллаев²

¹Фарғона политехника институти, ²Андижон машинасозлик институти
fayzimatov @ mail.ru, tel:+99(890) 302 16 84 , yunusali1987@mail.ru tel:+998994820387
bahodirabdullayev2017@ mail.ru, tel:+99(890) 204 77 53
(Қабул қилинди 24.12.2021 й.)

Ушбу мақолада тобланган пўлатларни юқори тезликда фрезалашда қўлланиладиган асбобсозлик материаллари ҳақида ёзилган

Калим сўзлар: тобланган пўлат, кесиш тезлиги, унумдолик, фрезалаш, технологик тизим, тезкесар пўлат, қотишма, структура, ейлиш, иссиқлик, штамп, сирт қатлам, операция, конструкция, сифат, жихоз, қотишма, торец, омил, материал, қаттиқлик.

В статье описан инструмент, применяемый при высокоскоростном фрезеровании рафинированных сталей.

Ключевые слова: рафинированная сталь, скорость резания, производительность, фрезерование, технологическая система, быстрорежущая сталь, сплав, структура, гибка, нагрев, штамповка, поверхностный слой, эксплуатация, конструкция, качество, оборудование, сплав, торцы, коэффициент, материал, твердость.

This article describes the tools used in high-speed milling of refined steels.

Keywords: refined steel, cutting speed, productivity, milling, technological system, high-speed steel, alloy, structure, bending, heat, stamping, surface layer, operation, construction, quality, equipment, alloy, torets, factor, material, hardness.


Замонавий ишлаб чиқаришда штамплар ва прессформаларни қўлланиши кун сайин ўсиб бормоқда. Улар саноат ва маиший маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кенг миқёсда қўлланилмоқда. Муҳим омиллардан бири маҳсулотни тайёрлашга қўйишнинг тезкорлигидир. Бундан штамплар ва прессформаларни тайёрлашда иккита омиллар келиб чиқади, буларга: штамплар ишчи сиртларининг сифатлари юқори бўлиши ва тайёрлаш жараёнини максимумдан минимумгача қисқартиришдир. Муаммонинг технологик томонини юқори тезликда тиғли ишлов беришни қўллаш билан бартараф этиш мумкин. Юқори тезликда фрезалашнинг энг асосий афзалликларидан бири кесиш билан ишлов беришда пайдо бўладиган иссиқлик ажралишини бошқаришдир. Бу, биринчидан - кесувчи асбобни ейилишига олиб келади, иккинчидан - детал сирт қатлами сифатига салбий таъсир кўрсатади. Асосий принципи бўйича ушбу технология оддий фрезалашдан умуман фарқ қилмайди. Унда ҳам бир нечта тиғларга эга бўлган айланувчи кесувчи асбоб (фреза) билан заготовкадан материал қатлами кесиб олинади. Аммо, юқори тезликда фрезалашда кесиш тезлиги ва суриш қийматлари оддий фрезалашга нисбатан 5-10 маротаба юқоридир. Тобланган пўлат каби бундай материалга улар одатда 120 до 360 м/мин. ни ташкил этади. Агар унумдорлиги бир мунча юқори бўлган кесувчи асбобни сотиб олинса ва унинг ёрдамида ишлов бериш тезлигини 20% га оширилса битта деталнинг нархи 15% га камаяди деб ҳисобланади [1].

Адабиётлар таҳлили юқори тезликда фрезалашда детал сирт қатлами сифатини таъминлашни такомиллаштириш долзарб масала эканлигини кўрсатди. Бунда юқори тезликда ишлов бериш унумдорлигини таъминлаш зарурдир.


Кесиш жараёнини технологик тизимнинг барча ташкил этувчиларининг хоссаларини тарқалиши шароитида кесувчи асбоб ва ишлов берилувчи материалнинг ўзаро таъсирланишини мураккаб физик-кимёвий меҳанизм деб қараш мумкин. Кириш параметрларини аниқловчи, бошқарилувчи ва пайдо бўлувчиларга бўлиш мумкин”. Аниқловчи параметрларга – ишлов берилувчи материал, механик ишлов бериш усули, сирт қатлами аниқлигига ва сифатига қўйилган талаблар кирди.

Юқори тезликда ишлов беришни мавжуд кесувчи асбобларнинг турғунлигини етарли эмаслиги ва технологияни мавжуд эмаслиги оммавий тарзда жорий этишга тўсқинлик қилмоқда. Аммо, ҳозирги пайтларда юқори турғунликка эга бўлган кўпчилик материаллар пайдо бўлган. Тобланган пўлатларга юқори тезликда ишлов бериш учун «Sandvik Coromant» компанияси томонидан CoroMill 300 русумли фрезалар серияли тарзда ишлаб чиқарилмоқда.

Юқори тезликда ишлов беришни мавжуд кесувчи асбобларнинг турғунлигини етарли эмаслиги ва технологияни мавжуд эмаслиги оммавий тарзда жорий этишга тўсқинлик қилмоқда. Аммо, ҳозирги пайтларда юқори турғунликка эга бўлган кўпчилик материаллар пайдо бўлган. Тобланган пўлатларга юқори тезликда ишлов бериш учун «Sandvik Coromant» компанияси томонидан CoroMill 300 русумли фрезалар серияли тарзда ишлаб чиқарилмоқда (1-расм). Улар радиал ва ўқ бўйлама йўналишда кесиш чуқурлигини 1 мм. гача таъминлаган ҳолда ярим тоза операцияларни юқори тезликда ишлов бериш, бажаришга имкон беради. Sandvik Coromant вакилларининг фикрига кўра бу кичик кесиш тезлиги ва кесувчи асбобнинг конструкцияси таъминлайдиган кичик миқдордаги иссиқлик ажралиши ҳисобига эришилади [2].



1-расм. Тобланган пўлатларга юқори тезликда ишлов бериш учун кесувчи асбоб.



2-расм. Тобланган пўлатларга ишлов беришда қўлланиладиган қотишма структураси.

Тобланган штамп пўлатларини юқори тезликда торецли фрезалаш учун анъанавий фрезалашда қўлланиладиган бир мунча фарқланадиган асбобсозлик материаллари қўлланилади. Масалан, HSS маркали тез кесар пўлат қўлланилмайди.

Қаттиқ қотишмаларни қўллаш бўйича учта фикр мавжуд. Баъзи бирлар қаттиқ қотишмалар етарли миқдорда ейилишга чидамликка эга эмас, нархининг арзонлиги сабабли қўллаш мумкин деб ҳисоблайдилар [3], бошқалар эса юқори тезликда фрезалаш учун уларни энг мақбул материал деб ҳисоблайдилар. Қаттиқ қотишмалар ўзининг таркиби ва хоссалари бўйича 3 та асосий (P,M,K) ва учта қўшимча (N,S,H) гуруҳларга бўлинган.

Қаттиқ қотишмаларнинг маркаларида ейилиш ва эгилишга қаршилиги тўғрисида рақам ҳам иштирок этган. 50...65 HRC қаттиқликка эга тобланган пўлатларга ишлов бериш учун H гуруҳидаги қаттиқ қотишма тўғри келади.

Mitsubishi фирмаси томонидан торецли фрезалаш учун кўп профили чархланмайдиган пластинкалар билан жиҳозланган фрезалар ишлаб чиқарилади. 36-45 HRC қаттиқликка эга бўлган тобланган пўлатларга ишлов беришда қўлланилган F730 маркали қаттиқ қотишмадан тайёрланган пластинка учун кесиш суришининг 0,2 мм/тиш қийматида тезлиги 160 м/мин.гача бўйлиш мумкин [3].

DUET фирмасининг юқори тезликда ишлов бериш учун JC5003 маркали қаттиқ қотишмаси 300 м/мин. Тезликда ишни бажариш имконини беради [4].

Унинг хоссалари TiAlN қопламаси асосида таъминланади (2-расм).

Керметлар асосан олдиндан жилвирланган сиртларга ишлов беришда қўлланилади. Уларнинг афзалликлари – юқори тезликда ишлаш имконияти, кесувчи қирраларнинг ўткирлиги ва қаттиқ қотишмаларга нисбатан турғунлигининг юқорилиги, камчиликлари эса ўта мўртлигидир [5].

Тобланган пўлатларни фрезалашда керамикани яқин пайтларгача қўлланилмаган. Аммо, жанубий корейнинг бир фирмаси керамикадан ички ёнув двигателни яратиш жараёнида тобланган пўлатларга юқори тезликда ишлов бериш учун керамик кесувчи пластиналарни қўллаш усулини топишди. Бундай пластиналар етарлича мўртликка эга. Уларни емирилишини бартарф этиш учун ҳимоя фаскаси мавжуд бўлиб, ишлов берилган детал сиртида қоникарли қисувчи қолдик кучланишларни таъминлайди. Керамикадан тайёрланган ВОК-60 ва В-3 маркали квадрат пластиналарнинг турғунлиги Т8К7 маркали қаттиқ қотишмадан тайёрланган фрезанинг турғунлигидан 10-14 мартаба юқоридир [6].

Борнинг куб нитриди (КНБ) тобланган пўлатларга ишлов бериш учун жуда мос келади. Бунда олинадиган сирт тозалигини бўйича жилвирланган сирт билан солиштириш мумкин. Бундай турдаги асбобсозлик материаллари афзалликлари ва бундай кесувчи асбоблар билан ишлов берилганидан сўнг детал сирт қатламининг хоссларини таҳлил қилган жуда кўп нашрлар мавжуд [7].

Борнинг куб нитриди ейилишга чидамлилиги юқори бўлиб, нархи етарлича қимматдир. 01 ва 10 маркали композит поликристаллари билан жиҳозланган торецли фрезалар тобланган штамп пўлатларига тоза ишлов бериш учун жуда самарали бўлиб, 500 м/мин кесиш тезлигида ишлов берилади. Шу билан бирга кўпчилик тадқиқотчилар юқори тезликда тишга термоциклиликни негатив таъсири бартараф бўлади, заготовккага кириш ва чиқиш вақтида механик зарблар енгиллашади деб ҳисоблайдилар [7].

Олмосларни тобланган пўлатларга ишлов беришда, ундаги углероднинг темирдаги кимёвий бирикмаси сабабли тез ейилгани учун жуда кам ҳолатларда қўлланилади.

Адабиётлар таҳлили шун кўрсатдики, бугунги кундаги металлларга ишлов беришнинг юқори самарали усули, юқори тезликда тиғли ишлов бериш бўлиб, унумдорлиги, иқтисодий самарадорлиги ва ишлов берилган детал сирт қатламининг сифатини таъминлаш бўйича энг мақбул услуб ҳисобланади.

Юқори тезликда тиғли ишлов бериш анаънавий ишлов беришга нисбатан кесишнинг куйидаги хусусиятлари билан характерланади:

- 1) кесишнинг тезлиги $V_{кр}$ нинг баъзи қийматларига эришилганида кесиш ҳарорати пасая боради ва қиринди ҳосил қилиш жараёни буткул ўзгаради;
- 2) анаънавий механик ишлов беришга нисбатан кесиш кучи бир мунча пастлиги;
- 3) технологик тизимининг юқори частотали тебранишларининг мавжудлиги;
- 4) пластик деформация мавжудлиги сабабли синиқ қиринди элементар қириндини кўринишига ўтиши;
- 5) кесиб ишлов беришда пайдо бўладиган иссиқлик ажралишини камайиши, биринчидан, кесувчи асбоб ейилади, иккинчидан, детал сирт қатламининг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Қўлланиш соҳаси - авиация ва космос саноати учун ўта муҳим деталларни ишлаб чиқариш, машина, прибор ва автомобилсозликларда штамплар ва прессформаларни ишлаб чиқишда ва ҳ.к. қўлланилади.

Механик ишлов беришни бошқаришда мураккаб мақбуллаштириш масаласини ечишга тўғри келади. Кесиш жараёнини бошқариш учун ишлов бериш зонасида кечаётган жараённинг моҳиятини тушуниб етиш керак.

“Кесиш жараёнини технологик тизимнинг барча ташкил этувчиларининг хоссларини тарқалиши шароитида кесувчи асбоб ва ишлов берилувчи материалнинг ўзаро таъсирланишини мураккаб физик-кимёвий меҳанзм деб қараш мумкин. Кириш параметрларини аниқловчи, бошқарилувчи ва пайдо бўлувчиларга бўлиш мумкин” [8].


Аниқловчи параметрларга – ишлов берилувчи материал, механик ишлов бериш усули, сирт қатлами аниқлигига ва сифатига қўйилган талаблар киради.

Бошқарилувчи параметрларга – ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқишда ёки иш вақтида танлаш мумкин бўлган параметрлар, яъни дастгоҳ модели, кесувчи асбоб, ишлов бериш режимлари ва ҳ.к.лар киради.

Пайдо бўлувчи параметрлар – ишлов бериш вақтида пайдо бўлади ва кесиш жараёнига таъсир кўрсатади, буларга қўйимнинг нотекислиги, заготовка алоҳида қисмларининг механик хоссаларининг бир текисда эмаслиги каби параметрлар киради.

Кесиш зонасида кечадиган жараёнларни куч, кесиш тезлиги ва ҳарорат каби функционал параметрлар ёрдамида баён этиш мумкин. Уларнинг ёрдамида сирт қатламининг хоссалари, унумдорлик, иқтисодий кўрсаткичлар каби чиқиш параметрлар қийматларини топиш мумкин бўлади.

В.К. Старков кўрилган параметрларни ўзаро таъсир тизими моделини таклиф этган, бунда кесиш жараёни чиқиш параметрларини аниқловчи, бошқарилувчи ва таъсир этувчи параметрларнинг функционал алоқаси орқали прогнозлаш мумкин бўлади. Бунда кесиш жараёнининг физик механизмини очишда муаллиф уларнинг ўзаро алоқасини шакллантириш деб ҳисоблайди. Ушбу ишда ўтказилган тадқиқотларга асосан сирт қатламининг талаб этилган сифатини ва максимал унумдорликни таъминлайдиган кесиш жараёнини бошқаришнинг навбатдаги модели таклиф этилади (3-расм).



Ишлов беришни бошқариш ишончилиги бошқарилувчи параметрларга боғлиқдир.

Бошқаришда кесишнинг қанча кўп параметрлари танланса, бошқариш ҳам шунча аниқ ва ишончли бўлади.

Адабиётлар таҳлили юқори тезликда фрезалашда детал сирт қатлами сифатини

таъминлашни такомиллаштириш долзарб масала эканлигини кўрсатди. Бунда юқори тезликда ишлов бериш унумдорлигини таъминлаш зарурдир.

Қўйилган мақсадга эришиш учун куйидаги масалаларни ҳал қилиш талаб этилади:

1. Детал сирт қатламида

3-расм. Кесиш жараёнини бошқаришнинг структура модели.

технологик қолдиқ кучланишларни ҳосил бўлиш моделини ишлаб чиқиш.

2. Тобланган пўлатларга юқори тезликда тоза ишлов берилгандан сўнг қолдиқ кучланиш, ғадир-будирлик, микроқаттиқлик, структура-фазали таркиб ва сирт қатлами хоссаларининг нотекислигини тажрибавий тадқиқ қилиш услубини ишлаб чиқиш; тажрибавий тадқиқотлар ўтказиш; ғадир-будирлик ва микроқаттиқликнинг эмпирик моделларини олиш.

3. Юқори тезликда фрезалаш жараёнининг кесиш режимига боғлиқ ҳолда детал сиртидаги ҳароратни ҳисоблаш имконини берадиган тажрибавий-аналитик иссиқлик-физик моделини ишлаб чиқиш. Ушбу модель технологик қолдиқ кучланишларни қиймати ва чуқурлигини аниқлаш учун зарурдир. Ишлов беришнинг олинувчи аниқлиги кесиш режимларига қийматларини эмперик боғлиқлигини ҳисоблаш; мақбуллаштиришда технологик чекловларни киритиш учун кесувчи асбобнинг турғунлигини ўрганиш.

4. Юқори тезликда ишлов беришнинг асосланган технологик чекловлар асосида мақбул режимларини аниқлаш математик моделини ишлаб чиқиш. Юқори унумдорликни таъминлайдиган ва детал сирт қатлами қолдиқ кучланишлари, ғадир-будирлиги, микроқаттиқлигининг берилган қийматлари ва структура-фазали таркибни таъминлайдиган юқори тезликда ишлов беришнинг мақбул режимларини аниқлаш.

Хулоса

1. Детал сирт қатламида технологик қолдиқ кучланишларни ҳосил бўлиш моделини ишлаб чиқиш.

2. Тобланган пўлатларга юқори тезликда тоза ишлов берилгандан сўнг қолдиқ кучланиш, ғадир-будирлик, микроқаттиқлик, структура-фазали таркиб ва сирт қатлами хоссаларининг нотекислигини тажрибавий тадқиқ қилиш услубини ишлаб чиқилди

3. Тажрибавий тадқиқотлар ўтказиш, ғадир-будирлик ва микроқаттиқликнинг эмпирик моделларини олинди.

Adabiyotlar

- [1]. Стомберг Ф. Вопрос на 15 миллиардов долларов / Ф. Стомберг //Metalworking World, 2004. №1. с. 10.
- [2]. Новые инструменты от Sandvik Coromant. Дополнение к основным каталогам. СоGoPак 2005.1, www.coromant.sandvik.com.ru.
- [3]. Mitsubishi carbide. [www.mmc-moscow\(a\)lescom.ru](http://www.mmc-moscow(a)lescom.ru).
- [4]. www.dijet.com.ru.
- [5]. Johnson D. Cutting tools and their materials in high speed machining / D.Johnson, <http://www.mmsonline.com/articles/hsmgp/case1.html>.
- [6]. Форстен И.С. Режущие инструменты, оснащенные сверхтвердыми и керамическими материалами, и их применение / И.С.Форстена. М.:Машиностроение, 1987. С. 320.
- [7]. Schindler H.-J. Surface Integrity of die Material in High Speed HardMachining / Hans-Jakob Schindler and Peter Bertschinger // Swiss Federal Laboratories for Materials Testing and Research Dübendorf E-mail:hansjakob.schindler@empa.ch.
- [8]. Старков В.К. Управление стабильностью и качеством вавтоматизированном производстве / В.К. Старков. М.: 1989, С. 296.

УДК 622.276.43

К ВОПРОСУ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БУРОВЫХ ТРЕХШАРОШЕЧНЫХ ДОЛОТ

Б.П. Пазиллов¹, М.Ю. Матякубов², С.О. Эшанкулова² А.Б. Матякубов¹

¹Ташкентский государственный технический университет, Ташкент, Узбекистан

²АО “Институт геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений”

pazilov7788@yandex.com

(Получена 24.12.2021 г.)

Field data of operations of various diameters, types, manufacturers, tricone bits, in various areas (fields), intervals close in depth, by various drilling crews have been studied in the article.

Keywords: operational characteristics, rock hardness, manufacturer (country of manufacture), durability of supports and bit structure, use of tricone bit, efficiency of drilling mode, efficiency of tricone bit.

Изучены промысловые данные работ различных диаметров, типов, производителей, трехшарошечных долот, на различных площадях (месторождениях), близких по глубине интервалах, различными буровыми бригадами.

Ключевые слова: эксплуатационная характеристика, крепость горных пород, завод изготовитель (страна изготовителя), долговечность опор и вооружения долота, использование и эффективность трехшарошечного долота, эффективность режима бурения.

Турли хил бургилаш гуруҳлари томонидан ҳар хил диаметрдаги, турдаги, ишлаб чиқарувчилар уч шарошкали бургиловчи ускунасида, турли конларда (майдонларда), чуқурликдаги интервалгача бўлган маълумотлар ўрганилди.

Калит сўзлар: Уч шарошкали бургиловчи ускунадан фойдаланиш ва самараси, ишлаш характеристикаси, тоғ жинси қаттиқлиги, ишлаб чиқариш заводи (ишлаб чиқарувчи мамлакат), таянч чидамлилиги ва ускунанинг жиҳозланиши, бургилашнинг самарали режими.

Многолетняя промысловая практика строительства нефтяных и газовых скважин показывает, что продолжительность сооружения её во многом зависит от эксплуатационной способности применяемых буровых долот, в частности их механической скорости бурения и проходки на долото.

Уменьшение продолжительности строительства скважин, повлечет за собой экономию буровых долот, бурового раствора, химических реагентов, дизельного топлива (если привод дизельный), электрической энергии и др.

Поэтому, буровики при строительстве нефтяных и газовых скважин, стремятся получить на каждое отработанное долото высокую механическую скорость бурения и проходки на долото.

Однако, на практике достижение желаемого зависит от многих факторов:

1. Прежде всего от самого долота, его эксплуатационной характеристики и завода изготовителя (страна изготовителя).
2. Долговечности опор и вооружения долота.
3. Использование типов долот, по интервалам соответствующих крепости горных пород.
4. Обеспечение в зависимости от залегающих пород, эффективного режима бурения (нагрузка на долото, число оборотов долота, производительность буровых насосов, скорость выхода струи бурового раствора из гидромониторных насадок долота) [1].

Для обеспечения эффективного режима бурения, многое зависит от геолого-технического условия разреза скважины и техническое состояние оборудования буровой установки, так как:

а) В процессе бурения мягких горных пород и подачи на долото высокой нагрузки, долото внедряется в породу, наматывает сальник из плотных пластичных глин и заклинивается вооружение долота.

В результате сильно снижается механическая скорость бурения, что приходится, производит подъём и замену долота.

б) При высоких оборотах ротора или забойного двигателя начинается биение долота, увеличение диаметра ствола скважины. При высоких оборотах вертлюга начинается биение струн талевого каната.

Высокие обороты долота вызывают обвалы, осыпи, каверны в интервалах залегания неустойчивых горных пород.

в) Производительность буровых насосов подаваемой на забой скважины должна иметь такую величину, при котором обеспечивается полная очистка забоя скважины от обломков выбуренной горной породы, при отсутствии катастрофического поглощения бурового раствора, осыпей и обвалов стенок скважины.

г) Скорость выхода бурового раствора из гидромониторных насадок долота, должно создавать гидромониторный эффект при отсутствии отрицательного влияния на стенки ствола скважины [2].

Однако в повседневной практике бурения не всегда получается так, как это необходимо:

а) Регулировать поступление с завода диаметры, типа буровых долот в то время, когда эти диаметры и типы необходимы для бурения соответствующих горных пород затруднены.

б) Завод поставляет буровому предприятию диаметры и типы буровых долот исходя из наличия их. Поэтому во многих случаях ощущается дефицит типов долот соответствующих крепости разбуриваемых горных пород.

в) Буровики спускают в скважину иногда те долота, не соответствующие к крепости горных пород или с низкими эксплуатационными качествами, а также долота, побывавшие в скважине, но имеющие остаточные ресурсы, из-за отсутствия других долот.

2. В условиях Республики Узбекистан бурение в основном ведется роторным способом при оборотах ротора 80-90 об/мин. Увеличение оборота ротора более 90 об/мин приводит к вибрации струн талевого каната и буровой вышки.

3. Высокая производительность буровых насосов играет большую роль в увеличении механической скорости бурения.

Однако, величину производительности буровых насосов приходится ограничивать при бурении неустойчивых горных пород, в интервалах залегания поглощающих отложений и продуктивного газового пласта.

Следовательно, производительность буровых насосов увеличить не всегда возможно, так как существуют интервалы, которых необходимо проходить бурением на специальном ограниченном режиме.

Кроме того, производительность буровых насосов зависит от технического состояния самих насосов.

4. Скорость выхода бурового раствора из гидромониторных насадок долота и создание гидромониторного эффекта связаны с производительностью буровых насосов и диаметром насадок долота [3].

Помимо всего этого, высокая механическая скорость бурения и проходка на долото во многом зависит от самого бурильщика, т.е. от создания им рационального режима бурения в зависимости от геолого-технических условий скважины, умения в каждом интервале залегания горных пород подбирать долото с высокими техническими данными и режим отработки буровых долот.

В таблице 1. приведены промысловые данные работы различных диаметров, типов, производителей, трехшарошечных долот, на различных площадях (месторождениях), близких по глубине интервалах, различными буровыми бригадами [4].

Из таблицы 1 видно, что на скважине № 122 Н месторождения Самантепа в интервале 1990-2437 м бурение произведено долотом 215,9 мм SKH-217.

- Долото № 27600 в интервале 1990-2129 м за одно долбление пробурило 139 м при средней механической скорости 3,31 м/час;

- Долото № 07722 в интервале 2129-2137 м за одно долбление пробурило всего 8 м при средней механической скорости 1,14 м/час.

- Долото № 27642 в интервале 2137-2437 м за четыре долбления пробурило 300 м при средней механической скорости 1,79 м/час;

На скважине № 3 месторождения Гарбий Сабо в интервале 2102-2277 м бурение произведено долотом 295,3 мм SKH-137.

- долото № 35162 в интервале 2102-2129 м за одно долбление пробурило 27 м при средней механической скорости 0,71 м/час.

- долото № 35173 в интервале 2129-2277 м за одно долбление пробурило 148 м при средней механической скорости 1,30 м/час.

На скважине № 1 площади Янги Йулдош в интервале 2217-2571 м бурение произведено долотом 269,9 AUL-217.

- долото № 0100212 в интервале 2217-2313 м за одно долбление пробурило 96 метров при средней механической скорости 0,8 м/час;

В таблице 1. Показатели работы трехшарошечных долот по различным площадям (месторождения).

Размер долота, мм	Тип и код долота	Номер долота	Интервал бурения, м		Проходка, м	Кол-во долот, шт	Кол-во долот, долей	Время механического бурения, час	Механическая скорость бурения, м/час	Время СПО и наращивания, час	Резовая скорость, м/час	Параметры режима бурения		Производительность - Тонна/сут Насоса, l/сек
			от	до								Нагрузка на долото, t	Обороты ротора, об/мин	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
Скважина № 122 Н месторождения Самантепа														
215,9	SKH-217	27600	1990	2129	139	1	1	42	3,31	25	2,07	-	-	27
215,9	SKH-217	07722	2129	2137	8	1	1	7	1,14	14	0,38	-	-	27
215,9	SKH-217	27642	2137	2437	300	1	4	168	1,79	126	1,02	-	-	28
Скважина № 1 площади Янги Йулдош														
269,9	AUL-217	0100212	2217	2313	96	1	1	120	0,80	24	0,67	10	80	31
269,9	AUL-217	0220112	2313	2337	24	1	1	53	0,45	21	0,32	10	75	31
269,9	AUL-217	0250212	2337	2571	234	1	1	136	1,72	29	1,42	5	70	30
Скважина № 3 месторождения Гарбий Сабо														
295,3	SKH-137	35162	2102	2129	27	1	1	38	0,71	19	0,47	-	-	32
295,3	SKH-137	35173	2129	2277	148	1	1	114	1,30	23	1,08	-	-	30
Скважина № 4 месторождения Гарбий Сабо														
295,3	AUM-137	0300511	1505	1686	181	1	2	81	2,23	23	1,74	-	-	28
295,3	AUM-137	0470911	1686	1738	52	1	1	80	0,65	17	0,54	-	-	32
295,3	AUM-137	0310511	1738	1867	129	1	1	80	1,61	16	1,34	-	-	31
Скважина № 1 площади Сохинд														
190,5	SKH-127	07754	2164	2310	146	1	1	186	0,78	-	-	8	65	21
190,5	SKH-127	07733	2310	2338	28	1	1	48	0,58	-	-	8	65	22
190,5	SKH-127	07764	2338	2430	92	1	1	118	0,78	-	-	8	65	22

Примечание: Данные использованы по фактическим промышленным материалам, по составленным балансам календарного времени строительства скважин.

- долото № 0220112 в интервале 2313-2337 м за одно долбление пробурило 24 метра при средней механической скорости 0,45 м/час;

- долото № 0250212 в интервале 2337-2571 м за одно долбление пробурило 234 метра при средней механической скорости 1,72 м/час;

На скважине № 4 месторождения Гарбий Сабо в интервале 1505-1867 м бурение произведено долотом 295,3 АУМ-137.

- долото № 0300511 в интервале 1505-1686 м за два долбления пробурило 181 метров при средней механической скорости 2,23 м/час;

- долото № 0470911 в интервале 1686-1738 м за одно долбление пробурило 52 метра при средней механической скорости 0,65 м/час;

- долото № 0310511 в интервале 1738-1867 м за одно долбление пробурило 129 метра при средней механической скорости 1,61 м/час.

На скважине № 1 площади Сохил в интервале 2164-2430 м бурение произведено долотом 190,5 мм SKH-127.

- долото № 07754 в интервале 2164-2310 м за одно долбление пробурило 146 метра при средней механической скорости 0,78 м/час;

- долото № 07733 в интервале 2310-2338 м за одно долбление пробурило 28 метра при средней механической скорости 0,58 м/час.

- долото № 07764 в интервале 2338-2430 м за одно долбление пробурило 92 метра при средней механической скорости 0,78 м/час.

Изучение работы отработанных долот: 190,5 мм SKH-127 в интервале 2164-2430 м, 215,9 мм SKH-217 в интервале 1990-2437 м, 269,9 АУЛ-217 в интервале 2217-2571 м, а также 295,3 мм SKH-137 и 295,3 АУМ-137 отработанных в интервалах 2102-2277 м и 1505-1867 м: площади Сохил, на месторождении Самантепа, площади Янги Йулдош, месторождении Гарбий Сабо показало;

1. Что применяются долота разного типа в частности 295,3 мм SKH-137 и 295,3 АУМ-137. Не определен и не приобретен рациональный тип долот для каждого интервала бурения, что высказывается на механической скорости бурения и проходки на долото.

2. Прослеживается низкая проходка и механическая скорость бурения в отдельных интервалах, когда в соседних интервалах эти значения имеют высокую величину.

3. По нашему мнению однотипные долота, показывают низкую проходку в соседних интервалах;

Одной из причин может являться заклинивание забоя скважины, вторая причина может быть забой скважины очень плохо очищается от шлама, третья из причин бурильщик не умеет создавать рациональный режим бурения [5].

На основании выше приведенных, для повышения механической скорости бурения и проходки на долото, с целью снижения продолжительности строительства нефтяных и газовых скважин необходимо:

1. Для бурения использовать только долота различных отложений с высокими эксплуатационными характеристиками, тип которых соответствует к крепости горных пород.

2. Режим отработки буровых трехшарошечных долот должен подбираться исходя из геологического-условия залегающих горных пород (твердость, пластичность, сыпучесть, набухание и др.) с полным очищением забоя скважины от выбуренной породы.

3. Бурильщиков, не имеющих опыта по созданию рационального режима отработки буровых долот, рекомендуется обучать с привлечением соответствующих специалистов с опытом работы.

Список литературы

- [1]. Инструкция по эксплуатации шарошечных долот при бурении нефтяных и газовых скважин. РО 37-0148052-525-86. ВНИИБТ. М., 1986.
- [2]. Комплексная методика классификации горных пород геологического разреза, разделение его на характерные пачки пород и выбора рациональных типов и конструкций шарошечных долот для эффективного разбуривания нефтяных и газовых скважин. М., 1983.

- [3]. Нестерова Т.Н. Отечественный буровой супервайзинг – опыт и проблемы//Бурение и нефть. Вып. 09. 2009. С. 60-62.
- [4]. Матякубов М.Ю. Отчет // Проведение экспертно-аналитической оценки состояния буровых работ в ДП Касанская НГРЭ / 2012г –158с.
- [5]. РН 39.0-082:2012. Инструкция по составлению полугодового и годового отчетов о бурении и строительстве поисковых и эксплуатационных скважин на нефть и газ. Ташкент, НХК «Узбекнефтегаз».

КЎМИР КУКУНИДАН СИФАТЛИ БРИКЕТЛАРИ ОЛИШДА ҚУРИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАДБИҚ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

А.А. Хакимов

Фагона политехника институти, a.xakimov@ferpi.uz
(Қабул қилинди 24.12.2021 й.)

Кўмир кукунидан брикетлар олиш жараёнида унинг таркибидаги намликни максимал даражада йўқотиш усуллари тахлил қилинган. Бу орқали истемол учун чиқарилаётган брикетларни ёқиш жараёнида ажралиб чиқаётган захарли газлар миқдорини камайтиришга қаратилган.

Таянч сўзлар: кўмир таркиб, Брикет, чўкинди, Антрацит, намлик, концентрация, олтингурут, экспортбоп, қуритиш барабани, ҳарорат, ис газ.

В процессе получения брикетов из угольной пыли проанализированы способы максимальной потери влаги в ее составе. Это направлено на уменьшение количества токсичных газов, выделяемых при сжигании брикетов для потребления.

Ключевые слова: содержание угля, брикеты, осадок, антрацит, влажность, концентрация, сера, экспортный, сушильный барабан, температура, это газ.

The methods of maximum moisture loss in its composition have been analyzed in the process of obtaining briquettes from coal dust. This is aimed at reducing the amount of toxic gases emitted when burning briquettes for consumption

Keywords: coal content, briquettes, sediment, anthracite, moisture, concentration, sulfur, export, drying drum, temperature, this is gas.

Кириш:

Ўзбекистон Республикасида 3 та йирик кўмир конлари мавжуд бўлиб, булардан асосий кўмир таъминоти бўйича Ангрэн кўмир кони етакчи ҳисобланади. Бунинг улуши қаттиқ ёқилғилар билан таъминлаш бўйича 85 % ни ташкил этади. Бу ёқилғилар ташқи муҳит таъсири натижасида турли хил ҳароратларда ва намликларда қазиб олинади. Кўмир - асосан углерод ва бошқа бир қатор кимёвий элементлардан ташкил топган ўсимликнинг вақтлар ўтиши билан ҳосил бўлган чўкинди жинси ҳисобланади [1,2].

Кўмирнинг таркиби унинг қанча йиллар сақланганлигига боғлиқ ҳолатда унинг ёниш даражаси белгиланади. Кўмирнинг синфланиши бўйича қўнғир кўмир энг ёш кўмир ҳисобланади, кейинги ўринда тош кўмир ва ниҳоят энг қадимги кўмир антрацит ҳисобланади. Ер остида кўмир маҳсулоти қанча кўп сақланишига қараб унинг таркибидаги углерод концентрацияси, учувчан таркибий қисмлар ва таркибидаги намликнинг пасайиши кузатилади. Ушбу кўрсаткичлар қўнғир кўмирларда намлиги 20-40% ни ва учувчан таркибий қисмлар 30% дан ортиқни ташкил этади. Антрацит кўмирларда иккала кўрсаткичлар ҳам 5-7% ни ташкил қилади. Бугунги кунда истемолчилар томонидан ишлатиб келинаётган кўмирнинг намлик кўрсаткичи 25% ни ташкил этади. Ушбу намлик остида ёқиладиган кўмир бўлақлари таркибидан кўп миқдорда захарли газлар ажралиб чиқиши кузатилади [3,4].

Изданишлар методикаси:

Истемолчилар томонидан фойдаланиб келинаётган кўмир маҳсулотлари ҳеч қандай ишлов берилмаган ҳолатларда ёқилади. Кўмирнинг асосий таркибий қисмлардан ташқари, кўмир таркибида ҳар хил ёнмайдиغان кул ҳосил қилувчи қўшимчалар мавжуд. Ушбу ҳолат атроф-муҳитни ифлосланишига ва кўмирнинг тўлиқ ёнишига қаршилик қилади. Бундан

ташқари, кўмир таркибида тошнинг мавжудлиги кўмирнинг ўзига хос ёниш ҳароратини пасайтиради. Кўмирнинг синфланиши ва қазиб олишда унинг таркибидаги минерал моддалар миқдори хилма-хил бўлади. Кўмирларнинг ер қарида сақланганлик вақт оралиғига қараб кул миқдори 6 дан 30% гача бўлади. Истемолчилар томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган кўнғир кўмирнинг максимал кул миқдори 10% дан ошмаслиги талаб этилади [5,6].

1-жадвал

Ангрен кўнғир кўмирининг физик-кимёвий хусусиятлари

Хом ашё номи	Намлик, %	Кул миқдори, %	Органик моддалар, %
Ангрен кўнғир кўмири	25	13,7	61,3
Кўмир брикетлари	7,9	8,5	83,6

Кўмирнинг яна бир зарарли таркибий қисмларидан бири бу, олтингургуртдир. Олтингургуртни ёкиш жараёнида унинг таркибидан оксидлар ажралиб чиқиб, улар атмосферада олтингургурт кислотасига айланади. У атроф муҳитни захарлайди, ифлослантиради ҳамда истемолчилар томонидан фойдаланиб келинаётган печларни емирувчи кислотали конденсат ҳосил қилади. Экологик талабларга мувофиқ кўмир таркибидаги олтингургурт миқдори одатда 0,1-1% оралиғида руҳсат этилади [7,8].

Кўнғир кўмир бошқа турдаги тош кўмир ва антрацитларга нисбатан мустахкамлиги анча паст бўлади. Ҳозирда истемолчилар томонидан фойдаланиб келинаётган кўмирнинг 80-90% кўнғир кўмирни ташкил этади. Ушбу кўмирни қазил, транспортировка қилиш ва фойдаланиш ишларида мустахкамликнинг пастлиги ҳисобига парчаланиш осон кечади. Парчаланган майда бўлакли кўмир доналари истемолчиларга ноқулайликлар келтириб чиқаради. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида ҳозирги кунда турли кўринишдаги брикетлаш усулларидан фойдаланиб келинмоқда. Республикамизда асосан брикетлаш жараёнида кўнғир кўмирнинг кукунидан фойдаланилади. Ангрен кўмир конларида бундай кўринишдаги кўмир кукунини 50-60% ни ташкил этади. Ушбу ҳолатларда учровчи кўмир доналарига қайта ишлов бериш қулай ҳисобланади [9].

Брикетлашдан олдин майда кўмир бўлақлари таркибидаги намликни чиқариб юбориш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бунда брикет олиш жараёнига ажратиб олинган майда кўмир бўлақларини дастлаб майдалагичда 5 мм дан кичик бўлгунга қадар майдалаб олинади. Брикет таркибдаги намликни қуритишга нисбатан кукун ҳолатида бўлган кўмир таркибидаги намликни йўқотиш қулай бўлади. Брикетлашдан олдин кўмир кукунини қуритилмаса, бу намлик брикетлаш жараёнида бириктирувчи намлиги билан қўшилиб, қоришма таркибидаги намликни ортиб кетишига ва қуритиш жараёнидан кейин ҳам қолдиқ намликнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Ушбу усул орқали олинган брикет тўлиқ ёнмай кул миқдорини ортиб кетишига ва ёниш жараёнида захарли газлар ҳосил бўлишига олиб келади. Ишлаб чиқарилаётган брикетнинг сифат кўрсаткичи ва экспортбоплигини тўлиқ тامينламайди. Мавжуд муаммоларни аниқлаш мақсадида тизимли таҳлил усулидан фойдаланиб тадқиқотлар ўтказилди [10,11].

Тадқиқот натижалари:

Ўрганилган муаммони йўқотишнинг мақбул ечими кўмир кукунини қуритишга мос печни танлаш ва унинг конструкцияси такомиллаштиришдир. Ҳозирда ушбу йўналишда кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, барабанли қуритиш аппаратининг конструкцияси истиқболли вариант сифатида кўрсатилмоқда [12].

Бундай қурилмалар атмосфера босими билан узлуксиз равишда турли сочилувчан материалларни қуритиш учун ишлатилади. Барабанли қуритгич цилиндрсимон барабандан иборат бўлиб, горизонтга нисбатан кичик оғиш бурчаги $3\div 6^\circ$ да жойлаштирилган бўлади (1–


расм). Барабан бандажлари ва роликлар ёрдамида ушлаб турилиб, электромотор ва редуктор ёрдамида айлантирилади. Қурилма узунлигининг диаметрига нисбати $L/D=5-6$. Барабаннинг айланишлар сони $5\div 6 \text{ мин}^{-1}$. Нам материал таъминлагич орқали винтли қабул қилувчи насадкага берилади, бу эрда материал аралаштириш таъсирида бир оз қуриydi. Сўнгра материал барабаннинг ички қисмига ўтади. Барабаннинг материал билан тўлиш даражаси 25 % дан ортмайди. Барабаннинг бутун узунлиги бўйича насадкалар жойлаштирилади. Насадкалар барабаннинг кесими бўйича материални бир ме'ёрда тарқатиш ва аралаштиришни таъминлайди. Бундай шароитда материал билан қуриувчи агентнинг ўзаро таъсири самарали бўлади [13].

Барабан ичида материалнинг ўта қизиб кетишини олдини олиш учун материал ва қуриувчи агент (тутунли газлар ёки қиздирилган ҳаво) бир - бирига нисбатан тўғри йўналишда бўлади, чунки бундай шароитда юқори температурали иссиқ газлар катта намликка эга бўлган материал билан контактлашади. Майда сочилувчан материаллар учун ҳавонинг барабан ичидаги тезлиги $0,5-1,0 \text{ м/с}$, катта бўлакли материаллар учун $3,5-4,5 \text{ м/с}$ дан ортмаслиги керак. Ишлатилган газлар атмосферага чиқарилишидан олдин майда чанглардан тсиклонда тозаланади. Қуритилган материал барабандан ташқарига туширувчи қурилма орқали чиқарилади [14].

Қуритилган материал доналарининг ўлчамлари ва хоссаларига кўра қурилмаларда ҳар хил насадкалардан фойдаланилади (2-расм). Катта бўлакли ва қовушқоқ хусусиятга эга материалларни қуриштиш учун қуриувчи-парракли насадкалар, ёмон сочилувчан ва катта зичликка эга бўлган катта бўлакли материалларни қуриштиш учун эса секторли насадкалар ишлатилади. Кичик бўлакли, тез сочилувчан материалларни қуриштишда тарқатувчи насадкалар кенг ишлатилади. Майда қилиб эзилган кукунсимон материалларни берк ячейкали довонсимон насадкалари бўлган барабанларда қуриштиш мақсадга мувофиқдир. Айрим шароитларда мураккаб насадкалардан фойдаланилади [15].

Барабанли қуригичларда материалларнинг яхши аралашшига эришилади, натижада каттиқ ва газ фазалари оралиғида узлуксиз контакт юз беради. Бундай қуригичларда барабаннинг диаметри $1200 \div 2800 \text{ мм}$ бўлади. Бу турдаги қуригичлардан кўп миқдордаги маҳсулотларни қуриштиш учун фойдаланилади. Иссиқлик элиткич сифатида ҳаво ёки тутун газларидан фойдаланилади [16].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, барабанли қуриштиш аппаратининг конструкцияси ўрганиб чиқилди ва натижалар олинди.




1-расм. Қуриштиш барабани констуктив схемаси. 1- цилиндрик корпус, 2,3- таянч, 4-электромотор, 5,6- бандаж, 7-тож ғилдирак, 8-марказлагич; L_1 – барабан корпуси узунлиги; L_2 – барабан учидан бандажгача бўлган масофа; L_3 – бандажлар орасидаги масофа; L_3 – бандаждан тож илдиракгача бўлган масофа; H – барабан марказидан электромотор рамасигача бўлган масофа; H_1 – барабан марказидан таянчгача бўлган масофа.

Маълумки, ис гази (СО) рангсиз, хидсиз, корхона шароитида энг кўп учрайдиган захарли бирикма бўлиб, кўмир ва ёқилғиларнинг тўлиқ ёнмаслиги натижасида ҳосил бўлади.


Тутун таркибида 3%, ишланган газда 13%, портловчи газлар таркибида эса 50-60% гача ис гази бўлади. Ис гази инсон организмга нафас аъзолари орқали таъсир этади.

Қуйида олинган тахлилий натижалар асосида намликнинг ортиши ҳисобига захарли

газларни ортиб бориш графиги курилган



2-расм. Намликнинг ортиши ҳисобига захарли газларни ортиб бориши.



3-расм. Брикет ва кўмир намлигини ҳароратга боғлиқлиги. 1-кўмир брикети, 2-кўмир.

Ушбу графикдан кўриниб турибдики, брикет таркибидаги намлик ортиши билан унинг ёнувчанлиги пасайиб, захарли газларнинг ортиши кузатилади.

Бу жараёни бартараф этиш мақсадида биз томонимиздан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишимизда қуритиш барабанидан фойдаландик. Қуритиш барабанини 70-90°C ҳароратга келтирилиб, унга кўмир кукуни узатилди. Қуритиш камерасида кўмир кукуни таркибидаги намликни чиқариб юборишга ва бу орқали олинган брикет ёниш пайтида ундан ажралиб чиқаётган захарли газларни максимал даражада пасайтиришга эришилди [17].

Биз томонимиздан тавсия этилаётган қуритиш барабани саноатнинг кўп тармоқларида маҳсулотларни қуритиш мақсадида кенг қўлланилади. Қурилманинг асосий ишчи қисми барабан ҳисобланиб, минутига 0,5÷20 мартагача айланади.

Тажриба жараёнида муфел печи (муфелний печ СНОЛ “ЧОЛ” 8,2/1100. Температура 50 дан 1100°C) ёрдамида кўмир кукуни таркибига турли хил ҳароратларни бериб, натижалар олинди. Олинган натижа кўрсаткичларилари шуни кўрсатдики, ҳароратнинг меъёр даражасида ортиб боориши олинаётган брикетнинг сифат даражасига ижобий таъсир кўрсатди. Лекин кўмир кукунига 90°C дан ортиқ ҳарорат берилганда унинг таркибида ўзгаришлар содир бўлаётганлиги, яқуний ҳолатларда кукуннинг ёниш жараёни кузатилди [17].

3-расмда брикет ва кўмир намлигини ҳароратга боғлиқлик графиги курилган.

2-жадвал

Тахлил учун олинган ёқилғи брикетларининг техник характеристикаси

Хом ашё номи	Сиқиндаги механик куч, мпа	Намлик, %	Кул таркиби, %	Учувчи моддалар, %	Олтингурут микдори, %	Ёнишдаги иссиқлиги	
						Пастки МДж/кг	Юқори МД ж/кг
Кўмир брикетлари	12,0	7,9	8,5	6,3	0,43	27,75	33,44

Ушбу графикдан кўриниб турибдики, қуритиш камерасидаги ҳароратнинг босқичма-босқич ўзгартириш ҳисобига кўмир ва кўмир кукунининг таркибидаги намлигини пасайишига эришилди. Ҳароратнинг 90⁰С дан ортиши кўмир ва кўмир кукунини қайта дислокацияланишига ҳамда ёнишига олиб келди. Шунинг учун максимал ҳарорат 90⁰С деб чегараланди. Ушбу намликни йўқотишда ишлаб чиқариш технологик линиясида қуритиш барабани тавсия қилинади [16].

Хулоса:

Экологияни захарли газлардан ҳимоялаш ва инсон саломатлигини сақлаш мақсадида брикет ишлаб чиқариш корхоналарида хом ашё сифатида фойдаланиб келинаётган кўмир кукунини қуритиш ишини амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Қуритиш жараёнидаги максимал ҳарорат 90⁰С ни ташкил этиш лозим. Акс ҳолда кўмир кукуни қайта дислокацияланиб, унда ёниш жараёни кузатилиши мумкин. Қуритишдан сўнг олинган натижаларга кўра брикет таркибидаги олтингугурт миқдори руҳсат этилган 1% дан, 0,43% гача камайишга эришилди.

Адабиётлар:

- [1]. Ҳақимов А. А., Салиханова Д. С., Каримов И. Т. Кўмир кукунидан брикетлар тайёрлашнинг долзарблиги //Фарғона политехника институти илмий техника журналы.-2019.-№. – 2019. – Т. 23. – №. 2. – С. 226-229.
- [2]. Ҳақимов А. А., Салиханова Д. С., Каримов И. Т. Кўмир кукунини брикетловчи қурилма //Фарғона политехника институти илмий техника журналы.-2018.-№ спец. – 2018. – Т. 2. – С. 169-171.
- [3]. Ҳақимов А. А. и др. Связующее для угольного брикета и влияние его на дисперсный состав //Universum: химия и биология. – 2020. – №. 6 (72). – С. 81-84.
- [4]. Ҳақимов А. А., Вохидова Н. Х. Использование местных отходов в производстве угольных брикетов //Универсум: химия и биология. – 2020. – №. 4 (70).
- [5]. Axmedovich X. A., Saidakbarovna S. D. Research the strength limit of briquette production //ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH. – 2021. – Т. 10. – №. 5. – С. 275-283.
- [6]. Ҳақимов А. ТЕХНОЛОГИЯ БРИКЕТИРОВАННОГО УГЛЯ //Материали конференций МЦНД. – 2020. – С. 76-78.
- [7]. Ҳақимов А. А., Вохидова Н. Х., Нажимов Қ. Кўмир брикети ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини яратиш //Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети. – С. 264.
- [8]. Khakimov A. A., Salikhanova D. S., Vokhidova N. K. Calculation and design of a screw press for a fuel briquette //Scientific-technical journal. – 2020. – Т. 24. – №. 3. – С. 65-68.
- [9]. Ҳақимов А. А. и др. Определение показателей качества угольного брикета //Universum: химия и биология. – 2021. – №. 5-2 (83). – С. 40-44.
- [10]. Вохидова Н.Х. Ҳақимов А.А., Салиханова Д.С., Ахунбаев А.А. Анализ связующих из местного сырья для брикетирования угольной мелочи // Научно-технический журнал ФерПИ. – 2019. - Scientific-technical journal (STJ FerPI, ФарПИ ИТЖ, НТЖ ФерПИ, 2019, Т.23, спец. №3). – С. 69-74.

КЎМИР КУКУНИНИ ОРГАНИК БОҒЛОВЧИЛАР ЁРДАМИДА БИРИКЕТЛАШ УСУЛИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

Н.Х. Вохидова

Фарғона политехника институти, n.voxidova@ferpi.uz

E-mail: voxidova.nasiba92@gmail.com

(Қабул қилинди 3.03.2022 й.)

Мақоланинг илмий янгилиги кўмир брикети ишлаб чиқариш учун маҳаллий саноат чиқиндисидан бириктирувчи сифатида фойдаланилган. Бириктирувчини кимёвий таркиби ўрганилиб, кўмир кукунини донаторлик таркибига боғлиқлиги таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: қазиб олиш, боғловчи, барда, механик куч, қоришма, хусусияти, сифат кўрсаткичлар, донаторлик, мустаҳкамлик.

Научной новизной статьи является использование местных промышленных отходов в качестве связующего для производства угольных брикетов. Изучен химический состав связующего и

проанализирована зависимость порошка от содержания гранул.

Ключевые слова: добыча, связывание, барда, механическая прочность, перемешивание, свойства, качественные показатели, зернистый, прочность.

The scientific novelty of the article is the use of local industrial waste as a binder for the production of coal briquettes. The chemical composition of the binder was studied, the dependence of the powder on the granules' content was analyzed.

Keywords: extraction, binding, vinasse, mechanical strength, mixing, properties, quality indicators, granular, strength.

Кўмир қазиб олиш ва қайта ишлаш саноатини ривожланиш учун ишлаб чиқариш корхоналарига зарур бўлган янги технологияларни яратиш ҳамда мавжуд технологияларни такомиллаштириш орқали эришилади. Корхоналарга қўйиладиган талаблардан бири ташқи бозорларда маҳаллий корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган кўмир брикетларини рақобатбардошлигини оширишдир.

Аҳолини кўмир ёқилғилари билан таъминлашда турли хил қийинчиликлар вужудга келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Булардан бири, қазиб олинаётган кўмирнинг аксарият қисми кукун холатдалигидадир. Ҳозирги кунда брикет маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қийинлаштираётган асосий сабаблардан бири юртимизда экологик тоза, технологик жиҳатдан ривожланган ва иқтисодий жиҳатдан арзон боғловчи воситалардан оқилона фойдаланилмаётганлигидадир. Шу сабабли, йиллар давомида ёқилғи брикетларини олиш мақсадида бириктирувчи боғловчи сифатида турли хил вариантларни қидириш орқали уларнинг ассортименти кенгайтирилмоқда. Маълумки, боғловчи ёрдамида кўмир брикетларини ишлаб чиқаришнинг янги усулини яратиш, бир вақтнинг ўзида барча зарур талабларни идеал даражада қондирадиган янги турдаги боғловчи турларини танлашни ўз ичига олади. Талаб қилинадиган боғловчининг арзонлиги, агломерацияланган ёқилғининг ёнишдаги иссиқлигини ошириш қобилияти, брикетга юқори механик куч бериш қобилияти муҳим аҳамиятга эгадир.[1]

Республикамизда кўплаб озик – овқат саноатларидан бири бўлган спирт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд. Булардан, қайта ишланиб чиқинди сифатида чиқаётган маҳсулотлар, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотга нисбатан юқори кўрсаткичли ташкил этади. Биз томонимиздан бириктирувчи сифатида тавсия қилинаётган маҳаллий саноат чиқиндиси бу - бардадир. Барда - этил спирти ишлаб чиқариш саноатининг чиқиндисидир. Барда суюқлиги (суспензия) ёқимсиз, нордон ҳидли, оч жигарранг рангга эга бўлиб, таркибида 6 - 7 % қаттиқ модда мавжуддир. Спирт ишлаб чиқариш корхоналарида 13 - 15 литр барда таркибидан 1 литр спирт олиниб, қолган қисми чиқинди ҳисобланади. Барда атроф - муҳитнинг ифлосланишига олиб келадиган чиқиндилардан бири ҳисобланиб, уларни сув ҳавзаларига ёки канализацияга ишлов бермасдан ташлаб юбориш тақиқланади.

1970 - йилларда бардаларни бетон ва цемент -қум аралашмалари учун пластификатор сифатида ишлатиш бўйича тажрибалар ўтказилган. Тажриба атроф-муҳитга спирт заводидан чиқаётган чиқиндиларни ташлаб юбориш хавфини минималлаштириш учун бетон қоринчалар таркибига қўшимча сифатида жорий этишни ўз олдига мақсад қилиб олган. Бирок, ушбу тажрибалар асосий учта сабабга кўра ривожланмади [2].

1) Мамлакатда кўп миқдордаги сульфитли пуллинг – лигносулфонат чиқиндилари мавжудлиги,

2) Бардадаги куруқ моддаларнинг жуда паст концентрацияси сабабли, 80-100 км радиусдан кейин ишлаб чиқариш (спирт заводлари) корхоналарини ташкил қилиниши,

3) ҳайвонларнинг ем-хашагини бойитиш учун ишлов беришдан самарали фойдаланиш эди.

Бардадан саноат тармоқларида кенг фойдаланишни чекловчи омиллардан бири, унинг атроф муҳитга микробиологик таъсири кучлилигидадир. Бунда микрофлоранинг ривожланиши, биологик кислота ферментациясининг бошланиши, моғор пайдо бўлиши туфайли унинг тез ёмонлашиши, ҳайвонлар учун озуқа ишлаб чиқаришда бактерияларнинг сутга кириш хавфи, ҳайвонлар иммунитетининг пасайиши ва бошқа холатлар кузатилади.

МЕХАНИКА

Ўтказилан тажрибада спирт бардасининг нордон, ўткир хидлилик хусусиятлари кўмир кукунига аралаштирилиб брикетлангандан сўнг, қуритиш жараёнида йўқолганлиги ҳамда брикетни ёниш жараёнида ҳам бундай ёқимсиз ҳидлар кузатилмади.

1 - жадвал

Спирт бардасининг кимёвий таркиби озуқа базасига қараб ўзгаради.

Спирт бардасининг кимёвий таркиби, %

Кўрсаткичлар	Қурук модда	Тўқималардаги оксил (протеин)	Оксил (белок)	Ёғ	Тола	Биологик самарали моддалар	Қул
Бугдой бардаси	11,5	2,9	1,7	0,6	0,7	5,7	0,6
Арпа бардаси	16,5	3,1	2,1	0,3	0,5	4,2	1,3

2 - жадвал

Спирт бардасининг технологик хусусиятлари

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Қийматлар
1	Намлик	%	7,9
2	Хажмий масса	кг/м ³	368
3	Майда заррачалар	%	2,2
4	Табиий қиялик бурчаги	град.	41
5	Донадорлиги, элак тешигидан ўтмай қолган фойзли миқдори		
	5	мм	2,9
	3	мм	6,2
	2	мм	9,1
	1	мм	28,0
	0,5	мм	22,7
	0,25	мм	21,2
	пастки	мм	10,5
6	Заррачалар ўртача ўлчами	мм	2,0
7	Металломагнит примитларнинг таркиби Шу жумладан 2 мм дан катта зарралар	мг/кг	595 151
8	Гидроскопик нуқта	%	58,0
9	Гидроскопиклик даражаси		Гидроскопик

Брикетлаш юқори босим остида берк идиш ичида маълум бир шаклга келтирувчи жараён ҳисобланади.

Кўмир кукунини брикетлашда асосий бириктирувчи сифатида қўшилаётган маҳаллий саноат чиқиндиларини танлашда унинг таркибий қисмларига аҳамият қаратиш лозимдир. Унинг таркибида органик боғловчиларнинг бўлиши, олинаётган брикетларнинг тўлиқ ёнишини, ундан ҳосил бўлаётган қул миқдорларини камайишига олиб келади. Брикетлашда кўмир кукуни дастлаб 80⁰С ҳарорат остида қуритилиб, конвейер орқали аралаштириш қурилмасига узатилади. [3].

Кўмир зарраларини бир - бирига боғлаш усулига қараб, боғловчиларсиз ва боғловчилар қўшилиши билан ажралиб туради. Биринчи ҳолда, зарралар пресслаш пайтида юзага келадиган молекуляр бириктирувчи кучлар таъсири остида бирлашади. Бириктирувчилар билан брикетлашда заррачалар бириктирувчи сифатида фойдаланувчи суяқлик билан ёпишиш қобилиятига боғлиқ ҳолда бирикади.

Брикетлашга тайёргарлик операцияларига кўмир кукунини майдалаш, саралаш, куриштириш ва боғловчи билан аралаштириш ишлари киради. Махсус усуллар ёрдамида брикетлашда шнекли, штамплаш, роликли, ҳалқали ва айланадиган пресслардан фойдаланилади. Преслаш жараёнида паст ва ўрта босимли (20-100 МПа), юқори босимли (100-150 МПа) ва ўта юқори босимли (200-500 МПа) брикетлаш пресслари ўзининг кўрсаткичлари билан ажралиб туради.

Таклиф қилинаётган брикет ишлаб чиқариш линиясининг технологик схемаси куйидаги расмда келтирилган

Брикет ишлаб чиқаришда қайта ишланган кўмирнинг физик-механик хусусиятлари, заррачалар ҳажмини тақсимланиши ва брикетларга бўлган сифат кўрсаткичлари билан тавсифланади.

Кўмир кукунини брикетлашда асосан шнекли пресслардан кўпроқ фойдаланилади. Шнекли прессларнинг конструкцияси соддалиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни мустаҳкамлик даражаси юқорилиги билан саноатда оммавий машиналар ҳисобланади. Шнекли прессларда кўмир кукунини брикетлаш боғловчилар билан амалга оширилади. [5]

Технологик чизик майдалаш, дозалаш, боғловчи билан аралаштириш ва преслашни ўз ичига олади. Кўмир кукунини брикетлаш антрацит қирраларини, ташиш қобилятини, сақлаш шароитларини ва калорифик қийматини оширади. Ёнувчан брикетларни олишда уларнинг донадорлик таркибига аҳамият қаратиш лозим. Брикет таркибидаги кўмир кукунининг масса улуши 80-85% ни ташкил қилиб, қолган 15 - 20% қисми боғловчи яъни спирт чиқиндиси барда ҳисобланади. Брикет таркибида ёнувчи қатлам мавжудлиги сабабли улар тез ёнувчан ҳисобланади. Бу эса ундан фойдаланишда қулайликлар яратади [6].

Кўмир кукуни доналарининг йириклиги тўғри чизикли ўлчамда куйидагича белгиланади,

узунлиги – а

эни – в

қалинлиги - с

Бу уч ўлчамни умумий ҳолатда унинг диаметри билан характерлаш мумкин.

Яъни

$$d = (a + v + c) / 3 - \text{ўртача арифметик ўлчам,}$$

$$d = 3\sqrt{avc} - \text{ўртача геометрик ўлчам,}$$

ёки $d = \sqrt{v^2 + c^2} \quad (\text{мм})$

Майдаланган бўлакнинг ўртача характерли ўлчамини аниқлаш учун сараловчи ғалвир машина ёрдамида материал бир неча фракциядаги энг катта ва энг кичик бўлакнинг ўртача ўлчами аниқланади, мм.

$$d_{\text{ўр}} = \frac{d_{\text{max}} + d_{\text{min}}}{2} \quad (1)$$

Кўмир кукунининг ўртача характерли ўлчамини аниқлаш учун куйидаги формуладан аниқланади, мм.

$$d_{\text{ўр.хар.}} = \frac{d_1 m_1 + d_2 m_2 + d_3 m_3 + \dots + d_n m_n}{100} \quad (2)$$

бу ерда $d_1, d_2, d_3, \dots, d_n$ – синфларнинг ёки фракцияларнинг ўртача ўлчами, $m_1, m_2, m_3, \dots, m_n$ – берилган синфларнинг фоизли миқдори. [11]

Тадқиқот ўтказиш учун мўлжалланган кўмир кукунини зичлиги $\rho = 880 \text{ кг/м}^3$ га тенг. Тажриба ўтказишга 10 кг наъмуна учун ажратилган материал потогини % ҳисобида аниқлаб, ҳажмдаги заррачаларнинг умумий юзасини келтириб чиқарамиз, м^3

$$X = V_n = 0,011 \quad (3)$$

Кўмир кукуни заррачаси ҳажмини аниқлашда куйидаги формуладан фойдаланилади, м^3

$$V_3 = \frac{4}{3} \pi \cdot R^3 \quad (4)$$

бу формуладан фойдаланиб, V_n хаждаги заррачалар сонини келтириб чиқариш мумкин, дон

$$n = \frac{V_n}{V_3} \quad (5)$$

Кўмир кукуни заррачасининг сирт юзасини аниқлаймиз, m^2

$$S = n \cdot 4 \cdot \pi \cdot R^2 \quad (6)$$

3 - жадвал

№	Кўмир донларининг ўртача характерли ўлчами, мм $d_{\text{ср}} = \frac{d_1 m_1 + d_2 m_2 + d_3 m_3 + \dots + d_n m_n}{100}$	Кўмир кукуни заррачаси хажми, $V_3 = m^3$	Заррачалар сони, дон	Заррача сирти юзаси, $S = m^2$	$V = 0,011 m^3$ хаждаги заррачаларнинг умумий юзаси	Кўмир кукуни зичлиги, kg/m^3	10кг намуна хажми, m^3
1	0,9	0,0000000004	22000000	0,0000025	69,94	$\rho = 880 \text{ kg/m}^3$	$X = V_n = 0,011$
2	1,1	0,0000000007	15714285	0,0000038	59,7		
3	1,4	0,0000000014	7857142	0,0000061	48,3		
4	1,6	0,0000000021	5238095	0,0000080	41,9		
5	1,8	0,0000000031	3548387	0,0000101	36,1		
6	2,0	0,0000000042	2619047	0,0000125	32,9		
7	2,3	0,0000000064	1718750	0,0000166	28,55		
8	2,5	0,0000000082	1341463	0,0000190	26,32		
9	2,7	0,0000000103	1067961	0,0000229	24,44		

Брикет ишлаб чиқариш технологиясида аксарият брикетлар паст калорифик қийматга эга бўлади, бу эса уларни саноатда қўллаш қўламини, ички эҳтиёжларга нисбатан камайтиришга олиб келади. Бунинг сабаби кўмир таркибий қисмларининг паст концентрациядалиги ёки кўмир маркасининг тўғри танланмаганлигидадир. Бундан ташқари, бириктирувчи моддаларни нисбатан катта миқдорда ишлатиш брикет технологиясининг нархини сезиларли даражада оширади. [7].

Жиҳознинг кириш қисмидаги кўмир аралашмасининг талаб қилинган фракция ўлчамлари 0-5 мм ни ташкил қилади. Кўмир аралашмасининг қовушқоқлик миқдори 5% дан 20% гача бўлиши керак. Бриқишни ошириш учун 5 мм гача бўлган фракция тавсия этилади, лекин бутун масса учун 10% дан ортиб кетмаслиги керак.

Брикетлар 3 kg/cm^2 статик юкга бардошли бўлиши, тасодифий учрайдиган қаршилиқларга чидамлик шартини қондириш лозим. Брикет зарб билан 1,5-2м баландликдан тушганда, майдаланиш даражаси 15% дан ошмаслиги керак.

Ушбу ҳолатларни инобатга олиб, кўмир кукуни хажмига боғлиқ ҳолатда бириктирувчи сифатида қўшилаётган органик боғловчи спирт бардасини оптимал миқдори аниқланди [8].

Тадқиқот натижалари:

Тажрибалар қуйидаги кетма кетликда амалга оширилди. Биринчи босқичда шнекнинг айланишлар сони $n=1$ айл/с ўзгармас этиб белгиланди. Кўмир кукунининг турли фракция миқдорлари (20-40-40%; 40-30-30%; 60-20-20% ва 80-10-10%) танланди ҳамда боғловчи сифатида сувга қўшилаётган барданинг (атала) улуши 10;15;20;25 % аралашмаси билан аралаштирилди ва брикет маҳсулотлари олинди.

Иккинчи босқичда шнекнинг айланишлар сони $n=1,5$ айл/с ўзгармас этиб белгиланди. Кўмир кукунининг турли фракция миқдорлари (20-40-40%; 40-30-30%; 60-20-20% ва 80-10-10%) танланди ҳамда боғловчи сифатида сувга қўшилаётган барданинг (атала) улуши 10;15;20;25 % аралашмаси билан аралаштирилди ва брикет маҳсулотлари олинди.

Учинчи босқичда шнекнинг айланишлар сони $n=2$ айл/с ўзгармас этиб белгиланди. Кўмир кукунининг турли фракция миқдорлари (20-40-40%; 40-30-30%; 60-20-20% ва 80-10-

10%) танланди ҳамда боғловчи сифатида сувга қўшилаётган барданинг (атала) улуши 10;15;20;25 % аралашмаси билан аралаштирилди ва брикет маҳсулотлари олинди [9,10].

Олинган брикет наъмуналарининг сиқилишдаги мустахкамлик чегарасини аниқлашда WP 300 маркали универсал курилмадан ($F=20$ кН) фойдаланилди.

Хулоса.

Ўтказилган ушбу тажрибалар хулосаси шуни кўрсатадики, брикетнинг мустахкамлик даражаси ўзгарувчан омилларга яъни кўмир кукунининг грануламетри таркибига, бириктирувчи ва унинг фоизли миқдорига, шнек валининг айланишлар сонига, шакллантирувчи мундиштук ўлчамига боғлиқдир.

Юқоридаги графиклардан кўришиб турибдики кўмир кукунини грануламетри таркибини тахлил қилинганда 0-1 мм 80%, 1-2 мм 10%, 2-5 мм 10% ҳолатдаги брикетнинг мустахкамлик даражаси мундиштук диаметри, шнек валининг айланишлар сони ўзгарганда ҳам юқори мустахкамликни ($478,83-1729,8$ Н/мм²) кўрсатмоқда. **Демак, кўмир кукунини тўйиш жараёнида 0-1 мм гача бўлган қисми 80% атрофида бўлиши тажриба йўли билан аниқланди.**

Ўтказилган тажрибада яна бир ўзгарувчи омиллардан бири мундиштукдир. Унинг диаметрларини $\varnothing 25$, $\varnothing 30$, $\varnothing 35$ мм ларда ўзгартириб натижалар олинди. Олинган натижалар тахлили шуни кўрсатадики, мундиштук диаметри кичиклашган сари ундаги босим ортиши ҳисобига брикетнинг мустахкамлик даражаси ортиб борди. Мундиштук диаметри $\varnothing 25$ мм бўлганда цилиндр ичидаги босим меъёрдан ортиб кетиши кузатилди. Бу ҳолат энергия сарфини ортиши, жиҳозни зўриқиб ишлаши, айрим қисм ва деталларни синиши кузатилди. **Демак, ўтказилган тажрибада курилма мундиштукининг диаметри $\varnothing 30$ мм оптимал деб қабул қилинди.**

Ўзгарувчан қадамли шнекнинг айланишлар сони 3 хил ҳолатда синовдан ўтказилди. Бунда айланишлар сони ортиб борган сари, цилиндр ичидаги босим ҳам мутаносиб равишда ортиб бориши кузатилди. **Ушбу ҳолатларни эътиборга олиб, шнек валининг айланишлар сони $n=1,5$ айл/с қабул қилинди. Бунда брикетнинг сиқилишдаги мустахкамлик чегараси 930 Н/мм² тенг.**

Адабиётлар:

- [1]. Хақимов А. А., Салиханова Д. С., Каримов И. Т. Кўмир кукунидан брикетлар тайёрлашнинг долзарблиги //Фарғона политехника институти илмий техника журнали.-2019.-№. – 2019. – Т. 23. – №. 2. – С. 226-229.
- [2]. Хақимов А. А., Салиханова Д. С., Каримов И. Т. Кўмир кукунини брикетловчи курилма //Фарғона политехника институти илмий техника журнали.-2018.-№ спец. – 2018. – Т. 2. – С. 169-171.
- [3]. Хақимов А. А. и др. Связующее для угольного брикета и влияние его на дисперсный состав //Universum: химия и биология. – 2020. – №. 6 (72). – С. 81-84.
- [4]. Хақимов А. А., Вохидова Н. Х. Использование местных отходов в производстве угольных брикетов //Универсум: химия и биология. – 2020. – №. 4 (70).
- [5]. Axmedovich X. A., Saidakbarovna S. D. Research the strength limit of briquette production //ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH. – 2021. – Т. 10. – №. 5. – С. 275-283.
- [6]. Хақимов А. ТЕХНОЛОГИЯ БРИКЕТИРОВАННОГО УГЛЯ //Материали конференций МЦНД. – 2020. – С. 76-78.
- [7]. Хақимов А. А., Вохидова Н. Х., Нажимов Қ. Кўмир брикети ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини яратиш //Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети. – С. 264.
- [8]. Khakimov A. A., Salikhanova D. S., Vokhidova N. K. Calculation and design of a screw press for a fuel briquette //Scientific-technical journal. – 2020. – Т. 24. – №. 3. – С. 65-68.
- [9]. Хақимов А. А. и др. Определение показателей качества угольного брикета //Universum: химия и биология. – 2021. – №. 5-2 (83). – С. 40-44.
- [10]. Вохидова Н.Х. Хақимов А.А., Салиханова Д.С., Ахунбаев А.А. Анализ связующих из местного сырья для брикетирования угольной мелочи // Научно-технический журнал ФерПИ. – 2019. - Scientific-technical journal (STJ FerPI, ФарПИ ИТЖ, НТЖ ФерПИ, 2019, Т.23, спец. №3). – С. 69-74.

CHANG NAMUNALARINING DISPERS TARKIBI TAHLILI

G.I. Madaminova, A.S. Isomidinov, I.T. Karimov

*Farg'ona politexnika instituti, g.madaminova@ferpi.uz, gmadaminova_87@mail.ru
(Qabul qilindi 29.12.2021 y.)*

Maqolada kimyo va qurilish materiallari ishlab chiqarish korxonalaridan atmosferaga tashlanayotgan havo va gazlar tarkibidagi changlarning dispersion tarkiblari va foizli ulushlarini aniqlash bo'yicha laboratoriya tahlili o'tkazilgan va tanlangan korxonalarda mavjud changlarning median o'lchamlari aniqlangan.

Tayanch so'zlar: *changli gaz, ho'l usul, suyuqlik, siklon, gidrosiklon, skrubber, dispersiya, foizli ulush.*

В статье представлен лабораторный анализ для определения дисперсного состава и процентное содержание пыли в воздухе и газов, выбрасываемых в атмосферу предприятиями, производящими химические и строительные материалы, а также определены медианные размеры пыли, присутствующей на выбранных предприятиях.

Ключевые слова: *запыленный газ, мокрый способ, жидкость, циклон, гидроциклон, скруббер, дисперсия, процентное содержание.*

The article presents a laboratory analysis to determine the disperse composition and the percentage of dust in the air and gases emitted into the atmosphere by enterprises producing chemical and building materials, and also determines the median sizes of dust present at individual enterprises.

Key words: *dusty gas, wet process, liquid, cyclone, hydrocyclone, scrubber, dispersion, percentage.*

Kirish:

Sanoat korxonalaridan atmosferaga chiqarilayotgan havo va gaz tarkibidagi chang zarrachalarining tarkibi polidispers, ya'ni har xil o'lchamdagi zarrachalarni o'z ichiga oladi. Monodimer changlari, ya'ni bir xil o'lchamdagi zarrachalarni o'z ichiga oladigan tarkib deyarli topilmaydi. Shunday qilib, polidispersli aerozollar va changlarni tahlil qilish uchun o'lchamlarining taqsimlanishi yoki zarrachalarning umumiy ulushi, alohida o'lchamdagi zarrachalarning nisbati, zarrachalarning o'rtacha kattaligi (median o'lchami) to'g'risida ma'lumotga ega bo'lish zarur. Chunki chang tozalovchi qurilmalarni tozalash samaradorligi bu ko'rsatkichlarga bog'liq holda aniqlanadi. Chang dispersiyasi bir qator fraksiyalar yoki fraksion tarkib, ya'ni chang tarkibidagi zarrachalar o'lchamlarining yuqori va quyi chegaralar sifatida qabul qilingan qiymatlarni ma'lum bir oralig'ida bo'lgan umumiy chang massasining ulushi bilan belgilanadi.

Tadqiqot ob'ekti:

Ho'l usulda chang tozalovchi barabanli qurilmaning tozalash samaradorligini belgilashda va maqbul qiymatlarni aniqlashda changning dispersion tarkibini aniqlash muhim ahamiyatga ega [7,8,10,11]. Shu maqsadda respublikamizdagi yirik kimyoviy va qurilish materiallari ishlab chiqarish korxonalarining sexlaridagi chang namunalari dispersion tarkibi bo'yicha tahlil qilindi. "Farg'onaazot" AJ ning selitra va karbamid mineral o'g'itlarining va "AMMOFOS-MAXAM" AJ ammofos o'g'itining changi, «Quvasoykvars» AJ ning kvars qumi va dolomit changlari, "TURON EKO CEMENT GROUP" MChJ da, tuproq va sement changlari tahlil qilindi. Bu changlarning disperslik tarkibi va o'lchamlari bo'yicha taqsimlanishi ikki bosqichda: 1-elak yordamida va 2-mikroskopiya usulida laboratoriya tahlili o'tkazildi [1,2].

Olingan natijalar:

Birinchi bosqichda changlar LM-2E markali tuyish qurilmasining (begun) laboratoriya modelida 5 daqiqa davomida tuyildi hamda RETSCH-DIN-ISO 3310/1 markali saralovchi elak qurilmasining laboratoriya modelida 5 daqiqa davomida 7 bosqichli saralashdan o'tkazildi. Elak setkalarining o'lchami 1, 3, 5, 10, 20, 40, 60 mkm gacha tanlandi. Olingan natijalar asosida changlar foizlar hisobida fraksiyalarga ajratildi. Quyida model sifatida tanlangan chang namunalarining kimyoviy hossalari, hamda olingan laboratoriya tahlili natijalari keltirilgan.

Ammiakli selitra ma'lumki, ammoniy nitrat eritmasi 169,6°S da yuqori portlash xususiyatiga ega bo'lib, portlovchi va yonuvchan moddadir. [3] Inson salomatligiga ta'sir qilish darajasi

bo'yicha 3-xavfli sinfning o'rta darajasidagi modda sifatida tasniflangan. Ammiakli selitra ishlab chiqarishda asosiy xom-ashyo sifatida suyultirilgan ammiak (70%) va nitrat tuzi (30%) ishlatiladi. Jarayondagi rejim yuqori haroratda olib borilganligi sababli texnologik holat xavfli hisoblanadi. Ishlab chiqarish jarayonidagi selitra changi granulalovchi minorada hosil bo'ladi. Hozirda changni tozalash uchun minoraning yuqori qismiga o'rnatilgan plyonkali skrubberdan foydalaniladi.

Laboratoriya tahlillari shuni ko'rsatdiki, tuyilgan selitra changi 0<1 mkm 5%, 1÷3 mkm 9 %, 3÷5 mkm 11 %, 5÷10 mkm 25 % 10÷20 mkm 35 %, 20÷40 mkm 15% ni 40-60 mkm 6 % ni 60 mkm dan kattasi 0% ni tashkil etdi (1-jadval).

Ammiakli selitra changining gigroskopik xususiyatiga ko'ra suyuqlikda to'liq yutilishi uchun 20 % nitrat kislota eritmali suyuqlikdan foydalanish kerak bo'ladi.

Karbamid mineral o'g'iti [3]. Karbamidning asosiy xom ashyosi sifatida NH₃ (suyuq) va SO₂ (gaz) ishlatiladi. O'g'it olish 2 bosqichda 183⁰S va 13,4÷14,4 MPa bosimda egzotermik va endotermik reaksiya muhitida boradi. Karbamid inson salomatligiga ta'sir qilish darajasi bo'yicha 2-xavfli sinfning yuqori darajasidagi xavfli modda sifatida tasniflangan. O'g'itni dona ko'rinishiga keltirish uchun 9-602 markali granulalash minorasida amalga oshiriladi. Asosiy chang manbai granulalash jarayonida hosil bo'ladi. Hozirda changni tozalash uchun minoraning yuqori qismiga o'rnatilgan plyonkali skrubberdan foydalanib kelinmoqda.

Laboratoriya tahlil natijalari shuni ko'rsatdiki, tuyilgan karbamid changi 0<1 mkm 10%, 1÷3 mkm 15 %, 3÷5 mkm 20 %, 5÷10 mkm 21 % 10÷20 mkm 30 %, 20÷40 mkm 4% ni 40 mkm dan kattasi 0 % ni tashkil etdi (1-jadval).

Karbamid changining gigroskopik xususiyatiga ko'ra suyuqlik (suv) da to'liq yutiladi.

Ammofos o'g'iti [3]. O'g'it sifatida ishlatiladigan ammoniy-fosfat DST 18918-85 bo'yicha A va B markalari ishlab chiqariladi. O'g'itning kimyoviy tarkibi 20÷30% li P₂O₅. O'g'it ishlab chiqarish bir necha ketma-ket jarayonlarda amalga oshiriladi. Asosiy chang manbai granulalovchi qurilmada hamda quritish barabanida hosil bo'ladi. Hozirda changni tozalash uchun granulalovchi barabanli qurilmaga siklon va nasadkali skrubber va barabanli quritgichga siklon qurilmalari o'rnatilgan.

Tahlil natijalariga ko'ra, tuyilgan ammosfos changi 0<1 mkm 3%, 1÷3 mkm 5 %, 3÷5 mkm 13 %, 5÷10 mkm 13 % 10÷20 mkm 13 %, 20÷40 mkm 37% ni 40÷60 mkm 16% ni 60% dan kattasi 0 % ni tashkil etdi (1-jadval). Ammosfos changining gigroskopik xususiyatiga ko'ra suyuqlik (suv) da to'liq yutiladi.

Dolomit [4,5] qurilish oynasi va shisha buyumlari ishlab chiqarish jarayonida qo'shimcha mahsulot sifatida (GOST 23672-79) ishlatiladi. Mahsulotning umumiy ulushi mahsulot turiga qarab 1 tonnaga 139÷247 kg tashkil etadi. Asosiy chang manbai dolomitni maydalash va shixtaga qo'shishdan oldingi quritish jarayonida hosil bo'ladi. Hozirda changni tozalash uchun xom ashyo sexiga siklon va gidrosiklondan foydalaniladi.

Laboratoriya tahlili natijalariga asosan, tuyilgan dolomit changi 0<1 mkm 7%, 1÷3 mkm, 8 % ni, 3÷5 mkm, 13 % ni, 5÷10 mkm 26 % 10÷20 mkm 34 %, 20÷40 mkm 10% ni 40÷60 mkm 2% ni 60% dan kattasi 0 % ni tashkil etdi (1-jadval). Dolomit changining gigroskopik xususiyatiga ko'ra suyuqlik (suv) da to'liq yutiladi.

Kvars qumi [6] qurilish oynasi hamda shisha buyumlari ishlab chiqarish jarayonida asosiy mahsulot sifatida (GOST 22551-77) markalari ishlatiladi. Mahsulotning umumiy ulushi mahsulot turiga qarab 1 tonnaga 845÷882 kg tashkil etadi. Granulometrik sostavi 0,05÷0,10 mm dan oshib ketmasligi kerak. Asosiy chang manbai kvars qumini quritish, shixtalarga yuklash jarayonida hosil bo'ladi. Kvars qumi changining dispers tarkibi tahlil qilinganda, 0<1 mkm 1% ni, 1÷3 mkm, 2 % ni, 3÷5 mkm, 7 % ni, 5÷10 mkm 80 % ni, 10÷20 mkm 7 %, 20÷40 mkm 1% ni 40÷60 mkm 2% ni 60% dan kattasi 0 % ni tashkil etdi (1-jadval). Hozirda changni tozalash uchun siklon va skrubber apparatdan foydalanib kelinmoqda.

Kvars qumi changining gigroskopik xususiyatiga ko'ra suyuqlik (suv) da to'liq yutiladi.

Tuproq [6] portlandsement ishlab chiqarish jarayonida qo'shimcha mahsulot sifatida qo'llaniladi va xom-ashyo tarkibida 20-25% ni tashkil qiladi. Tuproqning umumiy ulushi portlandsement turiga qarab 1 tonnaga 200÷250 kg tashkil etadi. Asosiy chang manbai tuproqni

oxaktoshga qo‘shishdan oldin tuyish jarayonida hosil bo‘ladi. Tuproq changining dispers tarkibi tahlili shuni ko‘rsatdiki 0<1 mkm 13%, 1÷3 mkm 35 %, 3÷5 mkm 25 %, 5÷10 mkm 17 % 10÷20 mkm 8 %, 20÷60 mkm 2 % ni 60 mkm dan kattasi 0% ni tashkil etdi (1-jadval). Hozirda korxonada tuproq changini tozalash uchun gidrosiklondan foydalaniladi. Tuproq changining gigroskopik xususiyatiga ko‘ra suyuqlik (suv) da to‘liq yutiladi.

Sement ishlab chiqarish jarayoni siklonli dekorbonizator va aylanma pes kompleksida yuqori haroratda olib boriladi. Dekorbonizatorida harorat 700-750⁰ S ni aylanma pechning pishirish zonasida 1450-1500⁰ S ni tashkil etadi. Asosiy chang manbai dekorbonizatoridan chiqayotgan issiq havo bilan qo‘shilib chiqayotgan sement changi va sharli tegirmonda klinkerni tuyish jarayonida hosil bo‘ladigan changlardir. Sement changining dispers tarkibi tahlili quyidagicha 0<1 mkm 11%, 1÷3 mkm 12 %, 3÷5 mkm 14 %, 5÷10 mkm 24 % 10÷20 mkm 25 %, 20÷40 mkm 12 % ni 40÷60 mkm 8% ni 60 mkm dan dan kattasi 0% ni tashkil etdi (1-jadval).

1-jadval


Changlarning fraksion intervallari bo‘yicha o‘lchamlarining taqsimlanishi va foizli ulushi

Ammiakli selitra changi								
Chang o‘lchami, d _{ch} mkm	0<1	1-3	3-5	5-10	10-20	20-40	40-60	60<
Foizli ulushi,%	5	8	10	24	34	14	5	0
Karbomit mineral o‘g‘iti changi								
Chang o‘lchami, d _{ch} mkm	0<1	1-3	3-5	5-10	10-20	20-40	40-60	60<
Foizli ulushi,%	10	15	20	21	30	4	0	0
Ammofos mineral o‘g‘iti changi								
Chang o‘lchami, d _{ch} mkm	0<1	1-3	3-5	5-10	10-20	20-40	40-60	60<
Foizli ulushi,%	3	5	13	13	13	37	16	0
Dolomit changi								
Chang o‘lchami, d _{ch} mkm	0<1	1-3	3-5	5-10	10-20	20-40	40-60	60<
Foizli ulushi,%	7	8	13	26	34	10	2	0
Kvars qumi changi								
Chang o‘lchami, d _{ch} mkm	0<1	1-3	3-5	5-10	10-20	20-40	40-60	60<
Foizli ulushi,%	1	2	7	80	7	1	2	0
Tuproq changi								
Chang o‘lchami, d _{ch} mkm	0<1	1-3	3-5	5-10	10-20	20-60	60<	
Foizli ulushi,%	13	35	25	17	18	2	0	
Sement changi								
Chang o‘lchami, d _{ch} mkm	0<1	1-3	3-5	5-10	10-20	20-40	40-60	60<
Foizli ulushi,%	11	12	14	24	19	12	8	

Hozirda korxonada sement changini tozalash uchun gidrosiklondan foydalaniladi. Sement changining gigroskopik xususiyatiga ko‘ra suyuqlik (suv) da to‘liq yutiladi. Yuqorida keltirilgan ishlab chiqarish korxonalarida changlarni tozalash uchun foydalanilayotgan plyonkali va nasadkali skrubber, siklon va gidrosiklon qurilmalarida changlarni tozalash samaradorligi 90-96% ni tashkil qiladi [9,12].


Ikkinchi bosqichda changlarning dispers tarkibini aniqlash uchun optik mikroskopiya usulidan foydalanildi. Zarrachalarning biologik mikroskopdagi tahlili nisbiy xatoligi ±1,5%. O‘lchamlarning o‘rtacha qiymatga keltirishdagi nisbiy xatoligi ±3,4% [6].

Optik mikroskopiya usulida har bir chang namunalarning foto suratlari olindi. Chang namunalari o'Ichamlarini aniqlash uchun masshtab sifatida soch tolasidan foydalanildi hamda foizlarda fraksiyalarga ajratildi. Soch tolasining o'rtacha median o'Ichami 40 mkm.



1-rasm. Namunaga tanlangan changlarning SM001-SYANS mikroskopida 400 marta kattalashgan holatdagi ko'rinishi. a – ammiakli selitra changi; b – karbamid changi; v – ammfos changi; g- dolomit changi; d- kvars qumi changi; ye- tuproq changi; yo- sement changi.

foizlari soch tolasini o'Ichamiga taqqoslangan holda aniqlandi. Olingan foto suratlardan namunalari 1-rasm da keltirilgan. Boshqa chang namunalari ham shu usulda aniqlandi.



2-rasm. Tanlangan changlar namunalarning dispers tarkibiga bog'liq holda ulushini o'zgarish grafigi (taqqoslash grafigi). 1-ammiakli selitra changi; 2- karbamid changi; 3-ammofos changi. 4-dolomit changi; 5- kvars qumi changi; 6- tuproq changi;7- sement changi.

qarang). Bunda gorizontall chiziq bilan chang namunalari uchun chizilgan grafikning kesishgan nuqtasidan vertikal chiziq o'tkazib, d_n ni qiymatlar aniqlanadi. Keyingi hisoblash ishlari shu qiymatlar orqali bajariladi.

Olingan regressiya tenglamalarini ko'inishi quyidagicha:

$$1) y = 26,58\ln(x) - 7,9545 \quad R^2 = 0,9451 \quad (1)$$

$$2) y = 27,205\ln(x) + 3,9727 \quad R^2 = 0,963 \quad (2)$$

Suratga olish DSM-310 markali kamera va LANGDORPSESTENG ER-1603201 markali SM001-CYANS biologik mikroskopda amalga oshirildi. Suratlariga ishlov berish kompyuter dasturi asosida bajarildi. Mikroskopning kattalashtirilishi 400 barobar bo'lib, chang namunalarning o'Ichami $1 \div 100$ mkm oralig'idagi

Elakda saralash va mikroskopiya usulida aniqlangan laboratoriya tahlili natijalari HARTLI-4 kompyuter dasturi asosida qayta ishlanib, regressiya tenglamalari olindi va changlarning dispers o'Ichamlari bo'yicha taqsimlanishiga bog'liq holda, ulushining o'zgarish grafigi qurildi. (2-rasm).

Ho'l usulda chang tozalovchi qurilmalarni tozalash samaradorligini aniqlashda, changlarning o'Ichamlari intervallari bo'yicha turli o'Ichamlarda bo'lishi bizga ma'lum. Bu esa o'z navbatida changlarning o'Ichamlariga bog'liq holda suyuqlik bilan kontaktlanishidagi solishtirma yuzalarini aniqlashda qiyinchiliklar tug'iladi. Shuning uchun yakka chang o'Ichamiga nisbatan kontakt yuzalarini aniqlash orqali hisoblash maqsadga muvofiq bo'ladi. Changlarning o'Ichami esa turli shakllarda bo'lib, hisoblash ishlari shar shaklida deb qabul qilamiz va yakka olingan changning nisbiy solishtirma diametrlarini umumiy chang ulushini 50% ni tashkil qilgan gorizontall chiziq orqali aniqlaymiz (2-rasmga

3) $y = 24,245\ln(x) - 12,26$	$R^2 = 0,9049$	(3)
4) $y = 26,56\ln(x) - 4,1966$	$R^2 = 0,9434$	(4)
5) $y = 30,255\ln(x) - 11,245$	$R^2 = 0,811$	(5)
6) $y = 34,165\ln(x) - 17,374$	$R^2 = 0,9134$	(6)
7) $y = 24,449\ln(x) + 19,345$	$R^2 = 0,9635$	(7)

Xulosa:

O'tkazilgan elak hamda mikroskopiya usuli orasidagi laboratoriya tahlili natijalari orasidagi xatolik $\pm 7\%$ ni tashkil etdi. Laboratoriya tadqiqotlari natijasida chang zarrachalarining o'rtacha nisbiy o'lchami aniqlandi. Bu o'lchamlarga bog'liq holda changning xajmiy yuzaviy diametrlari va 1m^3 havo yoki gaz tarkibidagi chang ulushiga nisbatan berilayotgan suv sarfiga ko'ra, ho'l usulda chang tozalovchi barabanli qurilmaning tozalash samaradorligi aniqlanadi.

Adabiyotlar

- [1]. Isomidinov A.S. Sozdanie effektivnykh metody i ustroystva dlya ochistka gazov ot pyli ximicheskoy promyshlennosti. Diss. ...kand.texn. nauk. –Tashkent, – 2020. – 136 s.
- [2]. Isomidinov A.S., Tojiev R.J., Karimov I.T. Xo'l usulda changli gazlarni tozalovchi rotorli qurilma// FarPI ilmiy-texnika jurnali .-2018 Far-ona, 2018.- №1 –B. 195-198.
- [3]. Shamshidinov I. Noorganik moddalar va mineral o'g'itlar texnologiyasi. – Toshkent: Iqtisod-moliya, 2014. – 332 b.
- [4]. Ramankov P.G., Noskov A.A. Sbornik raschotnykh diagramm po kursu protsessov i apparatov ximicheskoy texnologii. – Moskva: Ximiya, 1977. – 456 s.
- [5]. Bretshnayder S. Svoystva jidkostey i gazov. – Leningrad: Ximiya, – 1969. – 650 s.
- [6]. Ergaev N.A. Nauchno-texnicheskie osnovy ispolzovaniya v promyshlennosti apparata dlya mokrogo pyleulavlivaniya i gazoочistki. Diss..kand.texn. nauk.–Tashkent,–2021.–116 s.
- [7]. Madaminova G.I., Tojiev R.J., Karimov I.T. Varabannoe ustroystva dlya mokroy ochistki zarylennoy gaza i vozduxa// Universum: texnicheskie nauki.– №. 5 (86). Chast 4.,M., Izd."MSNO",-2021. S.45-49.
- [8]. Isomidinov A.S., Tojiev R.J., Karimov I.T. Xo'l usulda changli gazlarni tozalovchi rotorli qurilma//FarPI ilmiy-texnika jurnali .-2018 Far-ona, 2018.- №1 –B. 195-198.
- [9]. Domuladjanov I. X., Madaminova G. I. Vrednyye veshchestva posle suxoy ochistki v siklonax i filtrax //Universum: texnicheskie nauki. – 2021. – №. 6-1 (87). – S. 5-10.
- [10]. Karimov, I., Tojiyev, R., Madaminova, G., Ibroximov, Q., & Xamdamov, O. T. (2021). Wet method dust remover dlack drum device. Barqarorlik va Yetakchi Tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali, 1(5), 57-63.
- [11]. Karimov, I., Tojiyev, R., Madaminova, G., Ibroximov, Q., & Xamdamov, O. T. (2021). Hydrodynamics of wet dush powder black drum equipment. Barqarorlik va Yetakchi Tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali, 1(5), 49-56.
- [12]. Isomidinov, A., Madaminova, G., Qodirov, D., & Ahmadaliyeva, M. (2021). Studying the Effect of Interior Scrubber Hydraulic Resistance on Cleaning Efficiency. International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology, 1(5), 87-93.

**ОПРЕДЕЛЕНИЕ ЗАКОНА РАСПРЕДЕЛЕНИЯ НЕРОВНОСТЕЙ ПОВЕРХНОСТИ
ПОЛЯ ПЕРЕД РАБОТОЙ ПРЕДПОСЕВНОГО ВЫРАВНИВАТЕЛЯ**

К.Д. Мухамадсодиқов

*Ферганский политехнический институт
(Получена 10.01.2022 г.)*

The article presents the results of experimental studies to determine the law of distribution of irregularities of the field surface before the operation of the pre-sowing leveler, methods for calculating the theoretical frequency of irregularities and testing the hypothesis based on the sample data, and as a result of the above, it makes it possible to determine the dimensions of the working bodies of the leveler in the future.

Key words: *depth and height of irregularities, before sowing, pre-sowing leveler, mathematical statistics, profiling, arithmetic mean, variance, standard deviation, normalized random variable, theoretical frequency.*

В статье приведены результаты экспериментальных исследований по определению закона распределения неровностей поверхности поля перед работой предпосевного выравнивателя, методики расчета вычисления теоретической частоты неровностей и проверки гипотезы по

данным выборки и в результате вышесказанных даёт возможность в перспективе определить размеры рабочих органов выравнивателя.

Ключевые слова: глубина и высота неровностей, перед посевом, предпосевной выравниватель, математическая статистика, профилирование, средняя арифметическая, дисперсия, среднеквадратическое отклонение, нормируемая случайная величина, теоретическая частота.

Maqolada ekishdan oldingi yer tekislagichning ishlashidan oldin dala yuzasining notekisliklarini taqsimot qonunini aniqlash bo'yicha eksperimental tadqiqotlar natijalari, notekisliklarning nazariy chastotasini hisoblash va nazariy ma'lumotlarga asoslangan gipotezani sinab ko'rish usullari keltirilgan. yuqoridagilarning natijasi, kelajakda tekislagichning ishchi organlarining o'lchamlarini aniqlash imkonini beradi.

Tayanch so'zlar: nosimmetrikliklar chuqurligi va balandligi, ekishdan oldin, ekishdan oldingi tekislagich, matematik statistika, profillash, o'rtacha arifmetik, dispersiya, standart og'ish, normallashtirilgan tasodifiy miqdor, nazariy chastota.

Размеры неровностей поверхности поля перед работой предпосевного выравнивателя являются одним из факторов, влияющих на качество его работы и носят случайный характер. Поэтому выявление их наиболее характерных параметров не может быть проведено без определения закона их распределения. По теории вероятностей, распределений любых случайных величин подчиняется определенному закону, выявление которого возможно произвести, пользуясь методами математической статистики.

Неровности в продольном направлении можно характеризовать высотой и глубиной, т.е. величиной отклонения от некоторой средней линии поля.

В целях выявления фактических величин размеров неровностей было проведено профилирование поверхности поля в период предпосевного выравнивания. Определение отклонения неровностей от средней линии определены по известной методике с помощью профильной реки.

Располагая данные профилирования в порядке возрастания значения варьирующего признака, можно получить вариационные ряды значений, соответствующим высотам и глубинам неровностей.

Если любой профиль поверхности будем рассматривать как некоторую случайную числовую функцию $f(h_n)$ некоторого случайного параметра h_n (в нашем случае такими параметрами могут служить высота и глубина неровностей), то на основании теории вероятности можно считать, что эта функция является возможно реализацией случайного процесса. Совокупность всех возможных реализаций т.е. множество функций $f(h_n)$ образует случайный процесс $X(h_n)$, математическое ожидание которого представляют неслучайную функцию $MX(h_n)$ поверхности микронеровностей полей. По смыслу $MX(h_n)$ представляют собой среднюю функцию, около которой группируется все возможные реализации данного процесса, т.е. представляет собой средний профиль поверхности.

Были выбраны интервалы l для размерной классификации высот и глубин неровностей всего 10 классов. Определены следующие характеристики эмпирического распределения:

1. Среднее арифметическое

$$\bar{X} = \frac{f}{n}, \quad (1)$$

где f - частота значений; X_i
 n – общее число наблюдаемых значений
 m – число отдельных значений.

В качестве X_i была принята середина интервала, которая определена по выражению:

$$X_i = \frac{X_i + X_{i+1}}{2} \quad (2)$$

2. Дисперсия:

$$D=[M_2 - (M_1)^2], \quad (3)$$

где M_1, M_2 – начальный момент первого и второго порядка. Они определены в виде:

$$M_1 = \frac{\sum n_i X_i}{n} \quad \text{и} \quad M_2 = \frac{\sum n_i X_i^2}{n}$$

3. Среднеквадратическое отклонение

$$\Sigma = \sqrt{D} \quad (4)$$

Все операции по подсчету определения характеристик эмпирического распределения приведены в приложениях

После проведения соответствующих вычислений получены следующие значения характеристики эмпирического распределения.

1. Для высот неровностей:

$$\bar{X}=2,65\text{см}; M_1=2,65; M_2=11,2; D=4,25; \sigma=2,06\text{см}$$

2. Для глубин неровностей:

$$\bar{X}=2,67\text{см}; M_1=2,67; M_2=11,96; D=4,8; \sigma=2,19\text{см}$$

Эти характеристики позволили приближенно оценить вероятностные характеристики функции распределения всей генеральной совокупности, а следовательно, найти закон распределения неровностей.

Для определения теоретической частоты распределения произведены следующие расчеты.

1. Определены нормируемая случайная величина X по выражениям:

$$Z_i = \frac{X_i - \bar{X}}{\sigma} \quad \text{и} \quad Z_{i+1} = \frac{X_{i+1} - \bar{X}}{\sigma} \quad (5)$$

2. Теоретические частоты распределения в интервалах определяем по функции Лапласа $\Phi(Z)$

$$P_i = \Phi_{(z+1)} - \Phi_{(z_i)} \quad (6)$$

Их значения даны в таблицах 1 и 2.

Таблица 1

Расчёт теоретической частоты высот неровностей

№	Интервал от и до	Середина интервала $X_i = \frac{X_i + X_{i+1}}{2}$	Частота в интервалах n_i	$X_i n_i$	$X_i^2 n_i$	$X_i - \bar{X}$	$X_{i+1} - \bar{X}$
1	До 1	0,5	58	29	14,5	-2,15	-1,15
2	1 2	1,5	48	72	108	-1,15	-0,15
3	2 3	2,5	42	105	265,5	-0,15	0,85
4	3 4	3,5	31	108,5	379,75	0,85	1,85
5	4 5	4,5	17	76,5	344,25	1,85	2,85
6	5 6	5,5	12	66	363	2,85	3,85
7	6 7	6,5	11	71,5	464,75	3,85	4,85
8	7 8	7,5	6	45	337,5	4,85	5,85
9	8 9	8,5	3	25,5	216,75	5,85	6,85
10	9 10	9,5	1	9,5	90,25	6,85	-

Продолжение таблицы 1

№	$Z_i = \frac{X_i - \bar{X}}{\sigma}$	$Z_{i+1} = \frac{X_{i+1} - \bar{X}}{\sigma}$	$\Phi_{(z_i)}$	$\Phi_{(z_{i+1})}$	Pi	n_i	χ^2
1	-	0,60	0,5	0,2255	0,2745	62	0,25
2	-0,60	-0,60	-0,07	-0,028	0,1976	45	0,2
3	-0,07	0,41	-0,028	0,1590	0,1870	42	0
4	0,41	0,189	0,1590	0,3135	0,15450	35	0,45
5	0,89	1,38	0,3195	0,4160	0,1025	23	1,56
6	1,38	1,86	0,4160	0,4685	0,0525	12	0
7	1,86	2,35	0,4685	0,4905	0,022	6	4,1
8	2,35	2,83	0,4905	0,4975	0,007	2	8
9	2,83	3,32	0,4975	0,4995	0,002	1	4
10	3,32	-	0,4995	0,5	0,0005	1	7

Таблица 2

Расчёт теоретической частоты глубин неровностей

№	Интервал от и до	Середина интервала $X_i = \frac{X_i + X_{i+1}}{2}$	Частота в интервалах n_i	$X_i n_i$	$X_i^2 n_i$	$X_i - \bar{X}$	$X_{i+1} - \bar{X}$
1	До 1	0,5	65	32,5	16,25	-	-1,17
2	1 2	1,5	54	81	121,5	-1,17	-0,17
3	2 3	2,5	50	125	612,5	0,17	0,83
4	3 4	3,5	36	126	441	0,83	1,83
5	4 5	4,5	28	126	567	1,83	2,83
6	5 6	5,5	19	104,5	574,45	2,83	3,83
7	6 7	6,5	15	97,5	633,4	3,83	4,83
8	7 8	7,5	2	152,2	112,5	4,83	5,83
9	8 9	8,5	1	8,5	72,25	5,83	6,83
10	9 10	9,5	1	9,5	90,25	6,83	-

Продолжение таблицы 2

№	$Z_i = \frac{X_i - \bar{X}}{\sigma}$	$Z_{i+1} = \frac{X_{i+1} - \bar{X}}{\sigma}$	$\Phi_{(z_i)}$	$\Phi_{(z_{i+1})}$	Pi	n_i	χ^2
1	-	-0,530	-0,5	-0,2020	0,298	80	2,8
2	-0,53	-0,07	-0,2020	-0,020	0,174	48	0,75
3	-0,07	0,37	0,028	0,1445	0,1726	46	0,34
4	0,27	0,83	0,1445	0,2965	0,152	40	0,4
5	0,83	1,29	0,2965	0,4015	0,105	28	0
6	1,29	1,74	0,4015	0,4590	0,0575	16	0,56
7	1,74	2,20	0,4590	0,4860	0,027	8	6,51
8	2,20	2,66	0,4860	0,4960	0,01	2	0
9	2,66	3,11	0,4960	0,4986	0,0026	1	0
10	3,11	-	0,4986	0,5	0,0014	1	0

По этим данным были построены кривые распределения генеральной совокупности и для сравнения на этих же графиках построены соответствующие полигоны эмпирического распределения (рис. 1,2).

Вопрос проверки гипотезы по данным выборки о том, что величина X подчинена принятому закону распределения и может быть решена с помощью критерия соответствия Пирсона χ^2 .

Значения этого критерия подсчитаны по формуле:

$$\chi^2 = \sum_{i=1}^l \frac{(n_i - \bar{n}_i)^2}{\bar{n}_i}, \quad (7)$$

где n_i – частота в интервале эмпирического распределения;

\bar{n}_i – то же в теоретическом распределении;

l - общее число интервалов.

Полученные значения критерия χ^2 приведены в приложениях.

Таким образом распределения глубин неровностей соответствует критерия согласия Пирсона (Приложения 1), а распределение высот неровностей не соответствует этому критерию т.к. $\chi^2_{\text{расч.}} > \chi^2_{\text{табл.}}$ а конкретно $19,56 > 16,9$. По методу профессора Романовского определена существенность расхождения эмпирического распределения от теоретического:

$$\frac{\chi^2 - K}{\sqrt{2K}} < 3 \quad (8)$$

где K - число степеней свободы.

Расхождение составило 2,8 значит расхождение между эмпирическим и теоретическими распределениями не существенно.





Рис 1. Теоретическое (1) и экспериментальное (2) распределение высот неровностей поля перед посевом.

Рис 2. Теоретическое (1) и экспериментальное (2) распределение глубин неровностей поля перед посевом.

Найденный закон распределения значения высот и глубин неровностей полей даёт возможность произвести выяснение их вероятных размеров, благодаря чему получена возможность определения основных размеров

рабочего органа выравнивателя.

В целях определения экстремальных вероятностных параметров неровностей, имеющих на поле перед работой предпосевого выравнивателя, рассмотрим графики интегральной функции высот и глубин неровностей (рис 3, 4)




Рис 3. Интегральная кривая распределения высот неровностей.




Рис 4. Интегральная кривая распределения глубин неровностей.

инобатга олинади. Бир қатор ишларда таъкидланишича, цемент тошида ёнгин ҳарорати таъсирида ҳам тузилма ҳосил қилувчи, ҳам деструктив жараёнлар ривожланиши мумкин. Конструкция ҳосил қилувчи жараёнларга қўшимча гидратация реакциялари, қаттиқ фаза ҳажмининг ортиши ва алоҳида минералларнинг структура боғларини мустаҳкамлаш киради. Деструкция-цемент тошининг ҳарорат деформациялари, портландцемент клинкерининг гидратланмаган доналари, иссиқлик оқими йўналишидаги намлик градиентлари, қиздириш вақтида тизимнинг умумий қисқариши таъсиридан ички кучланишлар ривожланишига олиб келади. Натижада, цемент тошининг ички тузилиши ёки ғовакларнинг умумий ҳажмини ва уларнинг ўртача ҳажмини камайтириш йўналишида ёки бу параметрларни ошириш йўналишида ўзгаради.

Олиб борилган изланишларда бетоннинг портлашда бузилиш механизми бўйича тадқиқот натижаларининг таҳлилий келтирилган. Бу ҳодиса юқори ҳароратли ёнгин пайтида қурилиш конструкцияларининг капилляр - ғовак материалларига, механик юкларга, қиздирилган иншоот ичидаги нам буғланиш зонасидаги ортиқча буғ босимига мураккаб таъсир натижаси эканлиги ўз илмий исботини топган. Ёнгин шароитларида элементнинг яхлитлигига портлашсимон тарзда зарар етказилишининг таҳминий умумий схемаси: а) қизиган элемент кесимидаги ҳарорат, босим, намлик миқдорининг яхлитлигига портлаш натижасидаги таъсирининг тақсимоли; б) яхлитлигига портлаш натижасидаги таъсири остида материалнинг емирилиш даражасининг тақсимланиши; в) яхлитлигига портлашнинг таъсирига оид жараёнини содир бўлиши:

Бетоннинг портловчи деструкцияси ички босимнинг ривожланиши доирасида 8 дан 17 Мпа гача, "Стандарт ёнгин " ҳароратига таъсир қилиш бошлангандан 5-10 дақиқа ичида содир бўлишини қайд этилган. Берилган босим қийматлари бетон учун таҳликалидир. Ана шу натижалар асосида бетон ва темир-бетон конструкцияларини портловчи бетон емирилиши эҳтимолига оид ҳисоблаш усули ишлаб чиқиш ва ушбу жараёндан ҳимояланиш ҳам талаб этилади. Келтирилган тавсиялар ҳар доим ҳам бетоннинг портлаш хавфи билан боғлиқ омилини камайтириш учун қўлланилмаслиги аниқланган.

Ёнгинга қарши қуйидаги чора-тадбирлар асосида, яъни сув пардаларини ўрнатиш, бетон ва темир-бетон конструкцияларини ёнгиндан сақловчи спринклер ёки дренчер қурилмалари билан таъминлаш ҳозирги даврда унчалик долзарб аҳамиятга эга эмас, чунки уларни барча юк кўтарувчи конструкциялар периметри бўйлаб ўрнатиш мумкин эмас. Агарда гипотетик тарзда юқори қаватли бинода бундай ҳимоя воситаларни ўрнатилишини тасаввур қилсак, самарали ички майдон камаяди, сув билан объектни таъминлаш керак бўлади, қурилиш тузилмаларининг юк кўтариш салоҳиятини, узлуксиз иш фаолиятини амалга оширишнинг ишончлилигини кўтариш (профилактикага оид харажатларни); бинонинг қиймати ва ундан фойдаланишнинг қиймати кўп маротаба ошиб кетиш имкониятига эга.

Хонадаги намлик даражасини пасайтириш натижасида бетоннинг портлаб бузилиш эҳтимоли жуда камдир, чунки бетоннинг намлиги ҳавонинг ташқарисидаги намлик билан боғлиқдир. Конструкциянинг қиздирилаётган юзасидаги қатламига симли тўрни ўрнатилиши бетоннинг ҳимояланиш қатламини арматурасигача ошириб кўпайтирилишини тақозо этади, бу эса иморатнинг ёки иншоотнинг умумий оғирлигини тобора ошиб боришига олиб келади. Енгил бетондан ташкил топган қатлами хар-хил бўлган иссиқликдан сақловчи штукатуркани конструкция юзасига ётқизиш шундай оқибатларга олиб келадики, юқори даражали ҳарорат ларни ёнгин пайтида юзага келиши фазаларнинг бўлиниш чегарасидан ошиб кетувчи дарз кетишларни, конструкциянинг ичига қараб тарқалишига олиб келади (штукатурка қатлами бетоннинг юзасига ётқизилади). Гарчанд штукатурка аралашмаларининг аксарияти цемент алибастр асосида ишлаб чиқилган бўлсада, талаб этилган юзадаги адгезияни таъминлаш учун арматуранинг қизиши тезлашади ва пластик шарнир вужудга келиб охир-оқибат у конструкциянинг қулашига олиб келади. Шамот тўлдирувчиси билан оловга бардошли бетонларда ундан фойдаланиши ва қиздирилаётган юзаликдаги бетонни дисперсия тарзда мустаҳкамлаш охир-оқибат темир-

бетоннинг механик таърифни ўзгаришига олиб келади. Айни пайтда, иссиқликка чидамли бетонларнинг қўлланилиши натижасида биз оловбардошлиликни таъминлаш муаммосини хал қилган бўлар эдик, аммо уларни ишлаб чиқариш нархи оддий усулга қараганда бир неча баробар қимматлашиб кетишига олиб келиниши аниқланди.

Ёнғинга бардошлиликнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради: ёнғиннинг бевосита бошланғич босқичида унинг олдини олиш; ёнғиннинг пассив режимини яратиш; ёнғиннинг хавfli омилларини камайтириш ва лойиҳа ечимларини танлашда имкониятларни кенгайтиради. Замонавий биноларда ёнғинлар сонининг ошиши ёнғин хавфсизлиги бўйича махсус чора-тадбирлар ўтказиш зарурлигини кўрсатади. Таъкидлаш лозимки, қурилиш конструкцияларини олов ва иссиқдан ҳимоя қилишнинг асосий усулларидан бири иссиқлик тўсувчи қалқонлар сифатида енгил компонентлардан фойдаланиш, конструкцияларнинг юзасига самарали индустриал усуллардан бири бўлган ёнмайдиған ёки қийин ёнадиған материалларни қўллашдир.

Адабиётлар:

- [1]. Хафизов Ф.Ш., Халилова Р.А., Акулинушкина А.А. Промышленная безопасность на взрывопожароопасных и химически опасных производственных объектах. Материалы Междунар. науч.–практ. конф. – Уфа: Изд-во УГНТУ, 2008. – С. 437–439.
- [2]. Крашенинникова М.В. Огнезащитные вспучивающиеся материалы на основе органорастворимых пленкообразователей // Лакокрасочные материалы и их применение. – 2006. – № 12. С. 14–19.
- [3]. Крашенинникова М.В. Создание вспучивающихся огнезащитных покрытий для защиты стальных строительных конструкций от воздействия пожара при проведении работ в условиях пониженных температур и повышенной влажности// III Междунар. конф. – Спб: Изд-во «Санкт-Петербургский университет ГПС МЧС России», 2007. С. 33–36.
- [4]. Современные способы и средства огнезащиты строительных конструкций // Пожаровзрывобезопасность. – 2002. – № 4. – С. 93–95.
- [5]. Кривцов Ю.В. Безопасность энергетических объектов – широкое использование огнезащитных покрытий // Пожарная безопасность. 2016. – № 2. С. 132–134.

АЙЛАНУВЧИ ЯНГИ 3D ФОРМАТЛИ ФОТОЭЛЕКТРИК ЭНЕРГЕТИК
ҚУРИЛМАНИНГ НАЗАРИЙ ВА ТЕХНИК АСОСЛАРИ

Р. Алиев, Н.А. Мирзаалимов, А.А. Мирзаалимов

З.М. Бобур номидаги Андижон давлат университети, mirzaalimov90@mail.ru
(Қабул қилинди 26.03.2022 й.)

This article presents a theoretical analysis of the mechanical and energy problems of a newly developed rotating 3D photovoltaic device. In addition, a 3D model of the photovoltaic device was developed. A digital simulation program was also developed to study the mechanical parameters and external influences on the surface temperature of a photovoltaic device. The results obtained in this program are presented.

Keywords: photoelectric device, temperature, self convection, C#, inertia momentum, pyramid, angular velocity.

Ушбу мақолада янги ишлаб чиқилган 3D форматли айланувчи фотоэнергетик қурилманинг механик ва энергетик масалалари назарий таҳлил қилинган. Бундан ташқари фотоэнергетик қурилманинг 3D модели ишлаб чиқилган. Ҳамда, фотоэнергетик қурилманинг юзасини ҳароратига унинг механик параметрлари ва ташқи таъсирни ўрганиши учун рақамли моделлаштирувчи дастур яратилган. Ушбу дастурда олинган натижалар келтирилган.

Калим сўзлар: қуёш панеллари, температура, мажбурий конвексия, шамол, C#, инерция моменти, бурчак тезлик, пирамида.

В этой статье представлен теоретический анализ механических и энергетических проблем недавно разработанного вращающегося 3D фотоэлектрического устройства. Кроме того, была разработана 3D-модель фотоэлектрического устройства. Также была разработана программа цифрового моделирования для изучения механических параметров и внешних воздействий на температуру поверхности фотоэлектрического устройства. Представлены результаты, полученные в этой программе.

Ключевые слова: солнечные панели, температура, принудительная конвекция, ветер, C#, момент инерции, угловая скорость, пирамида.

КИРИШ. Қуёш панеллари атроф муҳит билан нурланиш орқали иссиқлик энергияси алмашиб туради. Лекин қуёш панелининг атроф-муҳитга иссиқлик нурланиш энергиясига қараганда қуёшдан келаётган ва қуёш панели юзасига тушаётган иссиқлик энергияси каттароқ шунинг учун қуёш панелининг юзасининг температураси атроф муҳитниқига қараганда юқорироқ бўлади [1-2]. Тажрибада олинган натижаларга кўра қуёш панелининг юзасини температураси атроф муҳит температурасига қараганда 63% га баландроқ қийматгача кўтарилади. Масалан, атроф-муҳит температураси 35 °С бўлса, қуёш панелининг юзасининг температураси 57 °С гача кўтарилади [3]. Иссиқлик узатилишининг яна бир усули мавжуд бу конвексион иссиқлик узатилишидир [5-6]. Агар қуёш панели атрофидаги ҳаво қатламлари ҳаракатга келса, у ҳолда қуёш панели юзасидаги иссиқлик энергиясини атроф муҳитга узатилишига сабаб бўлади. Бу эса қуёш панели юзасининг ҳарорати атроф муҳитниқига билан ката фарқ қилмаслигига сабаб бўлади. Албатта бу ерда савол туғилади, ҳар доим ҳам шамол бўлмайдику? Бунинг ечими оддий, агар шамол мавжуд бўлмаса қурилманинг ўзини ҳаракатга келтирсак, унинг атрофидаги температураси юқори бўлган молекулаларни ҳаракатга келтириб температураси паст бўлган молекулалар билан алмашишини таъминлай оламиз. Бу эса мажбурий конвексияни юзага келтиради. Бу жараён давомий бўлгани учун қурилма юзасининг ҳарорати атроф муҳит ҳарорати билан тахминан тенг бўлади.

Назария. Тасаввур қилайлик қуёш панелига тушаётган ёруғликнинг қуввати ва электр қуввати орасида қуйидагича боғланиш мавжуд бўлсин.

$$P_c = P_{in} - P_{dis} \quad (1)$$

Бу ерда:

P_c – электр қувват

P_{in} – қуёш панели юзасига тушаётган қувват

P_{dis} – йўқотилаётган қувват.

Ёруғлик интенсивлиги ва температурага боғликлиги қуйдагича:

$$P_{in} = I \cdot \alpha \cdot S \quad (2)$$

$$P_{dis} = U_L \cdot (T_c - T_a) \cdot S \quad (3)$$

$$P_c = \eta \cdot I \cdot S \quad (4)$$

Бу ерда:

I – Ёруғлик интенсивлиги

S – қуёш панел юзаси

η – қуёш панели фойдали иш коэффициенти

U_L – иссиқлик йўқотиш коэффициенти

$$\eta \cdot I \cdot S = I \cdot \alpha \cdot S - U_L \cdot (T_c - T_a) \cdot S \quad (5)$$

$$\eta \cdot I = I \cdot \alpha - U_L \cdot (T_c - T_a) \quad (6)$$

Бу ердан T_c ни топсак

$$U_L \cdot (T_c - T_a) = I(\alpha - \eta) \quad (7)$$

$$T_c - T_a = \frac{I}{U_L(\alpha - \eta)} \quad (8)$$

$$T_c = T_a + \frac{I \cdot \alpha}{U_L \left(1 - \frac{\eta}{\alpha}\right)} \quad (9)$$

Агар $NOCT$ даги U_L ни ҳисобласак $\eta = 0$ десак

$$U_L = \frac{\alpha \cdot I_{NOCT}}{T_{c,NOCT} - T_{a,NOCT}} \quad (10)$$

Демак,

$$T_c = \frac{T_a + I}{I_{NOCT} \cdot (T_{c,NOCT} - T_{a,NOCT}) \cdot (1 - \eta_c / \alpha)} \quad (11) \quad T_c = \frac{T_a + I}{I_{NOCT} \cdot (U_{L,NOCT} / U_L) \cdot (1 - \eta_c / \alpha)} \quad (12)$$

Шамол туфайли конвексия коэффициенти эмпирик равишда Скоплаки томонидан ўрганилган ва поликристалл кремнийдан ясалагна қуёш панелларининг мажбурий конвексия коэффициентини учун қуйдагича формула аниқланган [4].

$$h_{\phi} = 5 \cdot 7 + 3 \cdot 8 \cdot \nu$$

Қуёш панелининг юзаси ва атроф муҳит температураси орасида фарқ вужудга келса нурланиш туфайли энергия алмашинуви жараёни ҳам вужудга келади [7-10].

$$h_{rad} = \delta \cdot \varepsilon \cdot (T_c^4 + T_s^4) \quad (13)$$

ёки

$$h_{rad} = \delta \cdot \varepsilon \cdot \frac{(T_c^2 + T_s^2)(T_c + T_s)(T_c - T_s)}{(T_c + T_s)} \quad (14)$$

Бу ерда:

T_s – осмоннинг температураси

ε – иссиқлик ютиш коэффициентини

δ – Болцман доимийси

$$h = h_{\omega} + h_{rad} \quad (15)$$

Агар бошланғич вақтда $T_c - T_a$ бўлса, у ҳолда $h = h_{\omega}$, $U_L = h$ бўлади.

$$T_c = T_a + \left(\frac{I\alpha}{5.7 + 3.8\nu} \right) \cdot \left(1 - \frac{\eta_c}{\alpha} \right) \quad (16)$$

$$T_c = T_a + \left(\frac{I\alpha}{5.7 + 3.8\nu} \right) \cdot \left(1 - \frac{\eta \cdot T_c}{\alpha} \right) \quad (17)$$

$$T_c = \eta_{ref} \left(1 - \beta (T_c - T_{ref}) \right) \quad (18)$$

$$T_c = T_a + \left(\frac{I\alpha}{5.7 + 3.8\nu} \right) \cdot \left(1 - \eta_{ref} \left(\frac{1 - \beta (T_c - T_{ref})}{\alpha} \right) \right) \quad (19)$$

$$T_c = T_a + \left(\frac{I\alpha}{5.7 + 3.8\nu} \right) \cdot \left(\frac{1 - \eta_{ref}}{\alpha + \eta_{ref} \beta / \alpha (T_c - T_{ref})} \right) \quad (20)$$

$$T_c = T_a + \left(\frac{I\alpha}{5.7 + 3.8\nu} \right) \cdot \left(\frac{1 - \eta_{ref}}{\alpha + \eta_{ref} \beta T_c / \alpha - \eta_{ref} \beta T_{ref} / \alpha} \right) \quad (21)$$

$$T_c \left(1 - \frac{I\alpha}{(5.7 + 3.8\nu) \left(\eta_{ref} \frac{\beta}{\alpha} \right)} \right) = T_a + \frac{I\alpha}{5.7 + 3.8\nu} \left(1 - \left(\frac{\eta_{ref}}{\alpha} \right) - \frac{\beta \eta_{ref} T_{ref}}{\alpha} \right) \quad (22)$$


$$T_c = \frac{\left(T_a + \left(\frac{I\alpha}{5.7 + 3.8\nu} \right) \left(1 - \frac{\eta_{ref}}{\alpha - \beta \eta_{ref} T_{ref} / \alpha} \right) \right)}{1 - \left(\frac{I\alpha}{(5.7 + 3.8\nu) \left(\eta_{ref} \beta / \alpha \right)} \right)} \quad (23)$$

Қуёш элементининг юзасини температураси юқоридаги ифода орқали аниқланади.

Бу ерда: $\eta_{ref} - T_{ref}$ температурадаги қуёш элементининг фойдали иш коэффициентини.

Биз ишлаб чиққан қурилма пирамида шаклида бўлгани учун унинг механик хусусиятлари яъни қурилманинг айланиш тезлигини ўрнатилган мотор қувватига, қурилма инерция моментига ҳамда ҳавонинг қаршилигига боғлиқлигини кўрайлик.

Моторнинг қурилмага берадиган куч momenti қурилмага маълум тезланиш беришга ва ҳавонинг ишқаланиш кучини енгишга сарфланади.



Расм 1. Фотелектрик энергетик қурилманинг чизмаси. h – баландлик, a – пастки асоснинг томони узунлиги, b – юқори асос томони узунлиги, ω – қурилманинг бурчак тезлиги.

$$\begin{cases} M_t = M + M_{ish} \end{cases} \quad (24)$$

$$\begin{cases} M = I\varepsilon \end{cases} \quad (25)$$

$$\begin{cases} dM_{ish} = F_{ish} dr \end{cases} \quad (26)$$

Қурилма пирамида шаклида бўлгани учун турли баландликларда турлича ишқаланиш кучи momenti таъсир қилади. Агар қурилма радиусининг др қисмига dM_{ish} ишқаланиш кучи momenti таъсир қилса, умумий ишқаланиш кучи momentини радиус бўйлаб интеграллаш орқали аниқлашимиз мумкин.

$$F_{ish} = kv = k\omega r \quad (27)$$

Қурилманинг паст тезликларида қаршилиқ кучи биламизки тезликнинг биринчи даражасига тўғри пропорционал бўлади.

$$dM_{ish} = k\omega dr \quad (28)$$

$$M_{ish} = \int_{r_2}^{r_1} k\omega r dr \quad (29)$$

$$M_{i,sh} = \frac{k\omega(r_1^2 - r_2^2)}{2} \quad (30)$$

$$M_t = I\varepsilon + \frac{k\omega(r_1^2 - r_2^2)}{2} \quad (31)$$

Ньютоннинг айланма ҳаракатлар динамикаси учун иккинчи қонунига биноан қурилманинг айланма ҳаракат куч momenti $M=I\varepsilon$ орқали аниқланади. Бурчак тезланиш ўз навбатида бурчак тезликдан олинган биринчи тартибли ҳосилладир.

$$\varepsilon = \frac{d\omega}{dt} \quad (32)$$

Бу ерда M_t – ташқи кучлар томонидан қурилмага берилаётган куч momenti.

I – қурилманинг айланиш ўқига нисбатан инерция momenti.

K – ҳавонинг қаршилиқ коэффициентини

ω – қурилманинг бурчак тезлиги

$$I \frac{d\omega}{dt} + \frac{k\omega(r_1^2 - r_2^2)}{2} = M_t \quad (33)$$

Бу (33) дифференциал тенгламани ечишга ўтамиз,

$$\frac{d\omega}{dt} + \frac{k\omega(r_1^2 - r_2^2)}{2} = \frac{M_t}{I} \quad (34)$$

$$\gamma = k \frac{k\omega(r_1^2 - r_2^2)}{2I} \quad (35)$$

деб белгиласак,

$$\frac{d\omega}{dt} + \gamma\omega = \frac{M_t}{I} \quad (36)$$

Дифференциал тенгламани ечиш қуйидаги кўринишда бўлади.

$$\omega = \frac{M_t}{I\gamma} + Ce^{(-\gamma t)} \quad (37)$$

Бошланғич вақтда $t=0$ да $\omega = 0$ десак, у ҳолда

$$\sigma = \frac{M_t}{I\gamma} + C; C = -\frac{M_t}{I\gamma}; \omega = \frac{M_t}{I\gamma} + 1 - e^{(-\gamma t)} \quad (38)$$

кўришишдаги ечим юзага келади.

$$\omega = \frac{2M_t}{k(r_1^2 + r_2^2)} \left(1 - e^{-\frac{k(r_1^2 + r_2^2)}{2I} t}\right) \quad (39)$$

Ушбу формуладан қуйдагича хуласалар олишимиз мумкин. Қурилма ҳаракатланишнинг бошланғич вақтларида тезланиш билан ҳаракат қилади, маълум вақтдан кейин эса ўзгармас тезлика эришади. Бунга сабаб ишқаланиш кучи momenti билан моторнинг қурилмага берадига куч momenti тенглашиб қолгани. Бу ҳодиса тахминан 1-2 секундлар оралиғида юз беради. Ушбу ҳодиса, қурилманинг инерция momenti, ҳавонинг қаршилиқ кучи ва моторнинг қувватига боғлиқ.

Бу ерда инерция momenti қуйдагича аниқланади.

$$I_z = \frac{2m(a^2 - b^2)}{a^3 - b^3} \left(\frac{1 + \cos^2 a}{24} + \frac{h^2 \sin^2 a}{5(a-b)^2} \right) \quad (40)$$

$$\alpha = \arctg \left(\frac{2h}{\sqrt{3}(a-b)} \right) \quad (41)$$

НАТИЖАЛАР. Юқоридаги ҳосил қилинган назарияга кўра С#9.0 дастурлаш тилида “STVvertical” номли дастур тузилди. Дастурда юқоридаги (36) формуладаги дифференциал тенглама сонли метод орқали ечилди. График 1 да Устки ва пастки радиуси мос равишда 0.2 м ва 0.6 м бўлган 3D форматли фотоэлектрик қурилманинг ҳаракат бошлангандан кейин бурчак тезлигини вақтга боғлиқлиги тасвирланган. Бунда, боғланиш экспоненциал эканлиги аниқланди. 3 секунд вақт ўтгандан сўнг қурилманинг бурчак тезлиги 6.24 рад/с га тенг бўлди. Ҳавонинг қаршилик кучининг моменти ва қурилманинг мажбурий луч моменти муносабати туфайли шундай экспоненциал боғланиш вужудга келди.




График 1. Устки радиуси 0.2 м ва пастки радиуси 0.6 м бўлган 3 ўлчамли фотоэлектрик қурилманинг ҳаракатни бошлаганидан 3 секунд давомида бурчак тезлигини ўзгариши.

Қурилманинг асосий механик параметрларидани бири бўлган асосининг радиусини унинг инерция моментига таъсири таҳлил қилинди. Асосининг радиуси 0.6 м бўлганда қурилманинг симметрия ўқи бўлган з ўқига нисбатан инерция моменти 3.72 кг*м² га тенглиги аниқланди. График 3 да фотоэлектрик қурилманинг инерция моментини асосининг радиусига боғлиқлиги тасвирланган. Бурчак тезликни вақтга боғлиқлик графигидан фарқли равишда инерция моменти радиусга боғлиқлиги камаювчи экспоненциал функция бўлди.

Ҳавонинг қаршилик кучининг моменти ва қурилманинг мажбурий луч моменти муносабати туфайли шундай экспоненциал боғланиш вужудга келди.

Қурилманинг асосий механик параметрларидани бири бўлган асосининг радиусини унинг инерция моментига таъсири таҳлил қилинди. Асосининг радиуси 0.6 м бўлганда қурилманинг симметрия ўқи бўлган з ўқига нисбатан инерция моменти 3.72 кг*м² га тенглиги аниқланди. График 3 да фотоэлектрик қурилманинг инерция моментини асосининг радиусига боғлиқлиги тасвирланган. Бурчак тезликни вақтга боғлиқлик графигидан фарқли равишда инерция моменти радиусга боғлиқлиги камаювчи экспоненциал функция бўлди.

Фотоэлектрик қурилманинг юзасининг температурасини вақтга боғлиқ равишда экспоненциал камайиши аниқланди. Бунда ҳаво температураси 20 °С ни ва фотоэлектри қурилма юзасининг температураси 20.3 °С га тенг бўлди.




График 2. Фотоэлектрик қурилманинг инерция моментини қурилманинг пастки радиусига боғлиқлиги.

МУҲОКАМА. Биламизки, ҳавонинг қаршилик кучи мавжудлиги туфайли, биз таклиф қилаётган қурилма 3 секунд ичида унинг бурчак тезлиги экспоненциал ортади (График 1). Кейин эса, қурилма бир хил тезликда айлана бошлайди. Бунга сабаб ҳавонинг қаршилик кучи моменти билан моторнинг қурилмага бераётган куч моменти тенглашади.

Қурилмани бўйи, устки ва пастки асослари радиусларини ўзгартириб қурилманинг техник жиҳатдан яхши вариантини ишлаб чиқа оламиз. Қаттиқ жисмлар динамикасидан маълумки, пирамиданинг бўйи, устки ва пастки радиуси ўзгарса унинг инерцияси ўзгаришига сабаб бўлади. Инерциянинг ўзгариши эса ўз навбатида қурилманинг айланиш тезлигини ўзгаришига сабаб бўлади. Демак куёш элементларининг юзасини ҳарорати ҳам ўзгаради.

Барча ишлаб чиқилган назариялар асосидаги дастурни Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги томонидан DGU09198 номери билан “STVvertical” номи билан 24.09.2020 йил рўйхатга олинган. Ушбу дастурнинг имкониятлари кенг ва олинган натижаларни қайта ишлаш ҳамда тажрибада олинган натижалар билан солиштириш имконияти яратилган.

ХУЛОСА. Олиб борилган илмий тадқиқотларга эътибор берадиган бўлсак, барчаси куёш панелларини юзасини шамол туфайли ҳароратини ўзгариши ўзгаририлган. Тасаввур қилайлик шамол мавжуд эмас, лекин қурилмани ўзини ҳаракатга келтиришимиз мумкин-ку. Шунинг учун ҳам биз қурилмани айлантиришга қарор қилдик. Уни юқорида техник ва

назарий жихатдан ечим топгани ҳаракат қилдик. Олинган натижалар кўрсатадики, қурилманинг бурчак тезлиги 8 рад/с бўлганда унинг юзасининг температураси қисман ўзгармайди. Юқоридаги назарий ечимлар шуни кўрсатадики, қурилманинг юзасини ҳарорати вақт ўтиши билан ортмайди.

Адабиётлар:

- [1]. M. Koehl, M. Heck, D. Philipp, K.-A. Weiss, C. Ferrara, W. Herrmann, Indoor and outdoor weathering of PV-modules, in: Proceedings of the SPIE Conference 7048, San Diego, 2008.
- [2]. G.M. Tina, R. Abate, Experimental verification of thermal behaviour of photovoltaic modules, in: 14th IEEE Mediterranean Electrotechnical Conference, 2008.
- [3]. modules at short time interval, in: 31st IEEE Photovoltaic Specialists Conference, 2005, pp. 1816-1819.
- [4]. A.D. Jones, C.P. Underwood, A thermal model for photovoltaic systems. Solar Energy 70 (4) (2001) 349-359.
- [5]. E. Sartori, Convection coefficient equations for forced air flow over flat surfaces. Solar Energy 80 (2006) 1063-1071.
- [7]. S.W. Churchill, a comprehensive correlating equation for laminar, assisting, forced and free convection. Journal of American Institute of Chemical Engineers 23 (1) (1976) 10-16.
- [8]. D.R. Pitts, L.E. Sissom, Schaum's Outline of Theory and Problems Heat Transfer. McGraw Hill, 1997.
- [9]. Rayimjon Aliev, Murodjon Abduvohidov, Navruzбек Mirzaalimov, and Jasurbek G'ulomov. "KREMNIY ASOSLI QUYOSH ELEMENTLARIDA REKOMBINATSIYA VA GENERATSIYA JARAYONI" Science and Education, vol. 1, no. 2, 2020, pp. 230-235. doi: 10.24412/2181-0842-2020-2-230-235
- [10]. Jasurbek Gulomov, Rayimjon Aliev, Murodjon Abduvohidov, Avazbek Mirzaalimov, Navruzбек Mirzaalimov. Exploring optical properties of solar cells by programming and modeling. Global Journal of Engineering and Technology Advances [Internet]. GSC Online Press; 2020 Oct 30;5(1):032-038. Available from: <http://dx.doi.org/10.30574/gjeta.2020.5.1.0080>
- [11]. Абдувоҳидов Муроджон Комилович, Мирзаалимов Авазбек Алишерович, Зиётдинов Жаҳонгир Норбоевич, Мирзаалимов Наврузбек Алишер Угли, Гуломов Жасурбек Жураҳон Угли, Мадаминава Иродахон Мадаминжон Кизи СОЗДАНИЕ НОВЫХ ПРОГРАММ ЧИСЛЕННОГО МОДЕЛИРОВАНИЯ И ПЛАТФОРМ ДЛЯ МОДЕЛИРОВАНИЯ СОЛНЕЧНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ // Universum: технические науки. 2020. №6-1 (75). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sozdanie-novyh-programm-chislennogo-modelirovaniya-i-platform-dlya-modelirovaniya-solnechnyh-elementov>
- [12]. Мирзаалимов Авазбек Алишерович, Мирзаалимов Наврузбек Алишер Угли, Гуломов Жасурбек Жураҳон Угли ПРЕИМУЩЕСТВА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НОВОГО ВРАЩАЮЩЕГО ФОТОЭЛЕКТРИЧЕСКОГО ЭНЕРГЕТИЧЕСКОГО УСТРОЙСТВА 3D ФОРМАТА // Universum: технические науки. 2020. №6-3 (75). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/preimuschestva-ispolzovaniya-novogo-vraschayuschego-fotoelektricheskogo-energeticheskogo-ustroystva-3d-formata>.

УДК 662.997.

**КАТТА ЎЛЧАМЛИ, КЎП ЭЛЕМЕНТЛИ ҚУЁШ ҚУРИЛМАЛАРИ ФАЦЕТЛАРИНИ
ЮСТИРОВКА ҚИЛИШ**

Ю.Б. Собиров, С.Ш. Махмудов

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Материалишунослик институти, yuldash64@inbox.ru
(Қабул қилинди 10.01.2022 й.)*

This paper presents methods for adjusting large-sized, multi-element mirror-concentrated systems, such as the Big Solar Furnace (BSF) with a thermal power of 1000 kW in Uzbekistan and France. Many years of experience in operating BSF shows that the process of aligning multiple mirrors is very laborious and time-consuming. For the express determination of the geometric positions of each of the 10700 facet concentrators and 12090 facet heliostats, we used the Technical Vision System (TVS), as well as a program for processing adjustment data on a computer.

Key words: alignment, facet, concentrator, heliostat, Big solar furnace, Technical Vision System.

В данной работе представлены методы юстировки крупногабаритных, многоэлементных зеркально-концентрированных систем, таких как Большая Солнечная Печь (БСП) тепловой мощностью 1000 кВт Узбекистана и Франции. Многолетний опыт эксплуатации БСП показывает,

ЭНЕРГЕТИКА, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, ЭЛЕКТРОННЫЕ ПРИБОРЫ И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

что процесс юстировки многочисленных зеркал очень трудоемкий и длительный. Для экспресс определения геометрических положений каждой из 10700 facets концентратора и 12090 facets гелиостатов нами применена Система Технического Зрения (СТЗ), а также программа для обработки юстировочных данных на компьютере.


Ключевые слова: юстировка, facets, концентратор, гелиостат, большая солнечная печь, система технического зрения.

Ушбу мақолада Ўзбекистон ва Франциядаги иссиқлик қуввати 1000 кВт бўлган Катта қуёш печи (КҚП) каби катта ўлчамли, кўп элементли кўзгули мужассамлаштирувчи тизимларни юстировка қилиш усуллари келтирилган. КҚПни кўп йиллар давомида эксплуатация қилиш тажрибаси шуни кўрсатадики, кўп сонли facetsларни юстировка қилиш жараёни жуда машаққатли ва кўп вақт талаб этади. 10700 facetsли концентратор ва 12090 facetsли гелиостатларнинг хар бир facetининг геометрик ҳолатини тезкор аниқлаш учун биз Техник кўриш тизимидан (ТКТ), шунингдек, компьютерда юстировка маълумотларини қайта ишлаш дастуридан фойдаландик.

Таянч сўзлар: юстировка, facets, концентратор, гелиостат, Катта қуёш печи, Техник кўриш тизими.

Кириш.

Қайта тикланмайдиган энергия манбаларининг йилдан-йилга камайиши ва экологик муаммоларнинг кескинлашиши экологик тоза бўлган қуёш энергиясидан фойдаланишга ундамоқда. Бу борада катта юзаларга тушадиган қуёш нурлари оқимини кичик хажмга мужассамлаштирувчи кўзгули концентраторлар муҳим рол ўйнайди. Юқори қувватли, қуёш нурларини кўзгули мужассамлаштирувчи тизимлар (КМТ) одатда таркибли, кўп сонли алоҳида элементлар - facetsлардан иборат ҳолда ишлаб чиқарилади. Кўп facetsли КМТларнинг фокус майдонида қуёш нурлари оқими зичлигининг тақсимланиши кўзгуларнинг нур қайтариш коэффициентига, кўзгуларнинг акс этирувчи юзаларининг аниқлигига, шунингдек, facetsларнинг гелиостат ва концентратор рамкасида геометрик жойлашишига, яъни юстировка ҳолатига боғлиқ бўлади [1,2]. Шунинг учун ҳам КМТларнинг facetsларини замонавий фан ва технология ютиқлари асосида, юқори аниқликда, тезкор юстировка қилиш муаммоси долзарб ҳисобланади. Алоҳида ясси ёки ясси чизикли facetsларни юстировка қилишнинг универсал усуллари мавжуд, бундай усуллар ёрдамида гелиостатларнинг хар-хил шаклдаги ясси facetsларини ҳам Френел КМТнинг ясси чизикли кўзгуларини юстировка қилиш учун ишлатилиши мумкин [3].




1-расм. Таркибли гелиостатларнинг ясси facetsларини автокаллиматор услубида юстировка қилиш. 1-пентопризма, 2-гелиостат ясси facetsи.

Автокаллимация усулида пентопризма ёрдамида гелиостатларнинг ясси facetsларини юстировка қилишнинг юқори аниқликдаги усули мавжуд (1-расмга қаранг). Бу усулнинг хатолиги атига 30 бурчак секундни ташкил қилади, лекин бу усулни катта юзага эга бўлган ясси facetsларни юстировка қилишга қўллаб бўлмайди. Чунки катта қуёш қурилмаларида фойдаланиладиган ясси кўзгулар - facetsларнинг нур қайтарувчи юзаси нотекислиги 10 бурчак минутгача бўлиши мумкин, яъни юстировка услубининг хатолигидан бир неча марта катта. Бундай facetsлар нуқтавий манбалар ёрдамида эмас, балки ясси facetsларнинг бутун юзаси бўйича маълумот бера оладиган услублар ёрдамида юстировка қилиниши лозим.

КҚП гелиостатларининг ясси facetsларини юстировка қилиш.

Гелиостат facetsларини юстировка қилишнинг тўртта асосий гуруҳи ва уларнинг хатоликлари Р.А. Захидов ва унинг ҳамкасблари тамонидан таҳлил қилинган [4]. Катта қуёш печининг гелиостатлар майдони 62 та гелиостатдан иборат бўлиб, хар-бир гелиостат

калинлиги 0,5 см, ўлчамлари 50x50 см бўлган 195 та ясси кўзгулардан иборат. Бу фацеталар



2-расм. Гелиостат ясси фацетларини юстировка қилиш схемаси. 1- гелиостат фацетлари, 2- маркалар -қизил чироқлар, 3- теодолит, 4- марканинг гелиостат фацети юзасидаги юстировкадан олдинги тасвири, 5-марканинг гелиостат фацети юзасидаги юстировкадан кейинги тасвири.

1987 йилдан буён очик ҳаво кескин континентал иқлим шароитида эксплуатация қилиб келинмоқда. Гелиостат ясси фацетларининг нур қайтарувчи юзалари нотекислигини “Ясси ойналарни ялпоқлигини аниқлаш учун қурилма” ёрдамида ўлчаганимизда бу кўрсаткич 3÷6 бурчак минути атрофида эканлиги аниқланди [5]. Бундай фацетларни битта нуқтасидаги юза хатолигига нисбатан, юқори аниқликдаги ўлчаш усулларини қўллаш орқали юстировка қилиш мумкин эмас. КҚП гелиостатларининг ясси фацетларини юстировка қилиш учун “авторефлексион марка” усули муваффақиятли қўлланилади (2-расмга қаранг) [6].

Маркалар - қизил чироқларнинг гелиостат фацети

юзасидаги X ва Y координаталари қуйидагича ҳисобланади [6]:

$$X = d \frac{x_m (\cos h \cdot \cos \varphi + \cos A \cdot \sin h \cdot \sin \varphi) - y_m \sin A \cdot \sin h}{x_m (\sin h \cdot \cos \varphi - \cos A \cdot \cos h \cdot \sin \varphi) + y_m \sin A \cdot \cos h + 2d}$$

$$Y = d \frac{x_m \cdot \sin A \cdot \cos \varphi + y_m \cdot \cos A}{x_m (\sin h \cdot \cos \varphi - \cos A \cdot \cos h \cdot \sin \varphi) + y_m \sin A \cdot \cos h + 2d}$$

Бу ерда d -гелиостатлар ва авторефлексион марка марказлари орасидаги масофа;

φ - авторефлексион марка текислигининг вертикалга нисбатан бурилиш бурчаги;

A, h - авторефлексион марка марказининг юстировка қилинаётган гелиостат марказига нисбатан азимути ва баландлиги.




3-расм. КҚПнинг концентратор тепасига қурилган авторефлексия маркаси. 1- КҚП концентратори, 2-марка, 3-юстировкачилар хонаси.

Ушбу усул билан юстировка қилиш жараёнида, авторефлексион марка марказида жойлашган лаборатория хонасидаги кузатувчи (оператор) телескоп ёки теодолит орқали гелиостатнинг ҳар бир фацетига мос келадиган “қизил чироқ”нинг координатларини аниқлайди. Олдиндан ҳисоблаб топилган координаталарда

жойлашмаган маркаларни ўз жойига ўрнатиш учун, гелиостат олдида - махсус юк кўтарувчи машина саватидаги юстировкачига буйруқ беради. Фацетнинг юстировка болтлари ёрдамида

юстировкachi марка тасвирини ўз жойига - фацет юзасида белгиланган нуқтага ўрнатади. Ҳар бир фацет учун шундай муолажа амалга оширилади.



4-расм. ТКТ ёрдамида гелиостатлар фацетларини юстировка қилиш схемаси. 1-авторефлексион марка, 2-маркалар-қизил чироклар, 3-гелиостат, 4-ТКТ, 5-чирокларни ўчириб-ёқиш тугмалари, 6- ЭХМ, 7-марка (қизил чирок)ларнинг компьютер экранисидаги тасвири.

Юстировка аниқлиги ва самарадорлигини ошириш, қўл меҳнат камайтириш, фацетларнинг геометрик ҳолатини объектив баҳолаш учун Техник кўриш тизими (ТКТ)ни жорий қилиш орқали юстировка усули такомиллаштирилди [7,8]. Ушбу усулнинг умумий схемаси 4- расмда кўрсатилган.

Юстировка қилинадиган гелиостат бошқарув пулти орқали авторефлексион марка юзасига қаратилади. Марка тасвири рақамли видеокамера орқали компьютер экранига чиқарилади ва фацетларнинг юстировка ҳолатини баҳолаш учун компьютер хотирасига ёзиб олинади.

Шундай қилиб, гелиостат фацетларини авторефлексион марка ёрдамида юстировка қилишнинг такомиллаштирилган усули қуйидаги афзалликларга эга:

- бутун гелиомайдондаги гелиостат фацетларининг юстировка ҳолати ҳақидаги маълумотларни тезда билиб олиш имконини беради;
- гелиостатлар фацетларини аниқ ва самарали бажаришга имкон беради.

Юстировка маълумотларини қайта ишлашни такомиллаштириш.

Ясси фацетларнинг юстировка жараёнини такомиллаштириш билан бир қаторда, компьютер дастури ёрдамида юстировка натижаларини компьютер орқали қайта ишлаш дастурини яратдик. Ушбу дастурдан фойдаланиш учун авторефлексион марканинг лаборатория хонасидаги оператор ҳар бир гелиостат фацетасининг юстировка ҳолати ҳақидаги маълумотларни компьютерга киритади. Бу маълумотлар фацетларда кўринган марка тасвирининг координаталари ҳисобланган жойидан қанчалик узоқдалиги ҳақида бўлиб, оператор бу катталикларни сантиметрларда ҳисоблайди.

Кейин оператор маълумотларни қайта ишлаш учун дастурни ишга туширади. Дастур диалог режимида қуйидаги маълумотларни сўрайди: кун, ой, йил, юстировка қилинган гелиостат рақами, юстировка ҳолати "юстировкадан олдин" ёки " юстировкадан кейин".

Компьютерга етарли маълумотлар киритилгандан сўнг, дастур узунлик ўлчов бирлигида киритилган катталикларни, гелиостатнинг авторефлексион маркадан қанчалик узоқлигини ҳисобга олган ҳолда, бурчак минут катталигига айлантиради.

Кейинчалик, дастур маълумотларни қайта ишлайди ва ҳисоблаш натижаларини жадвал шаклида кўрсатади.

Олинган маълумотларга асосланиб, КҚП гелиостатлари фацетларининг юстировка ҳолатини таҳлил қилиш учун графиклар, гистограммалар яратиши мумкин.

Эътибор беринг, гелиостат фасетининг юстировка қилишдан олдинги ҳолатини баҳолаш учун оператор, ҳар бир фацет учун маркаларнинг ҳисоблаб топилган ўрнига нисбатан қанчалик узоқликда эканини аниқлаб чиқади ва маълумотларни сеткага жойлаштиради. Ҳар бир гелиостатнинг 195 та алоҳида фасети юстировка ҳолатини объектив баҳолаш ва бу маълумотларни харитада қайд этиш ишлари операторнинг кўп вақтини олади.

ХУЛОСАЛАР:

Гелиостат фасетларини юстировка қилиш усулини такомиллаштириш куйидаги имкониятларни берди:

- юстировка жараёнини аниқ ва объектив амалга ошириш;
- юстировка ишларининг самарадорлигини компьютер ёрдамида сифат ва сон жихатидан баҳолаш;
- гелиостат фасеталарининг юстировка ҳолати ҳақидаги маълумотлар базасини яратиш;
- катта юза хатолигига эга бўлган фасеталарни аниқлаш ва уларни алмаштириш.

Умуман олганда, КҚПга тадбиқ қилинган юқоридаги янги усуллар унинг оптик-энергетик параметрларини яхшилаш имконини беради.

Адабиётлар

- [1]. Zakhidov R.A. Technology and testing of solar energy concentrating systems. Gujarat Energy Development Agency, Vadodara 1996. P. 186.
- [2]. Бронштейн Ю.Л. Геометрия и юстировка крупных зеркальных систем. М.: Из-во “ДПК ПРЕСС”, 2020 г. 818 с.
- [3]. Kuchkarov A.A., Kholmatov A. A., Muminov Sh. A., Abdurakmanov A. Formation of Focusing Flat Composite Heliostats and Fresnel Mirror Concentrating Systems. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology Vol. 6, Issue 10, October 2019. p. 11120-11125.
- [4]. [4]. Захидов Р.А., Абдурахманов А., Клычев Ш.И., Богдасаров В.М. Анализ погрешностей методов юстировки гелиостатов // Гелиотехника 1983 г. №4. С. 22-26.
- [5]. [5]. Бахрамов С.А., Абдурахманов А., Дудко Ю.А., Клычев Ш.И., Собиров Ю.Б. Ихтирога патент № IAP 04464. Тошкент 30.12.2011. ЎЗР интеллектуал мулк Агентлиги расмий бюлетени №1 (129). 2012. С.69-70.
- [6]. [6] Абдурахманов и др. Авторское свидетельство №1815532. Способ юстировки гелиостатов авторефлексионной маркой. Зар. 11.10.1992.
- [7]. [7]. Akbarov R.Y., Paizullakhanov M.S. Characteristic features of the energy modes of a large solar furnace with a capacity of 1000 kW. // Applied Solar Energy. 2018; 54(2): p. 99-109.
- [8]. [8]. Kuchkarov A.A., Sobirov Yu.B., Kulakhmedov N.N., Mamatkosimov M.A., Akhadov Zh.Z., and Abdurakhmanov A.A. Adjustment of facets of flat and focusing heliostats, concentrators, and Fresnel mirror concentrzting systems. // Applied Solar Energy -USA. 2015. Vol. 51, No 2, pp. 151-155.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ СОЛНЕЧНЫХ ВОЗДУШНЫХ НАГРЕВАТЕЛЕЙ

Ё.С. Аббасов, М.А. Умурзакова

*Ферганский политехнический институт
(Получена 11.02.2022 г.)*

Авторами статьи проанализировано уравнение теплового баланса коллектора в установившемся режиме и определено что, количество энергии, которое солнечный коллектор может поглотить и отдать теплоносителю, находящемуся в контакте с поверхностью теплоприемника, зависит от способа организации конвективного теплообмена.

Ключевые слова: *солнечный воздушнонагреватель, энергия излучения, поглощенное полезное тепло, коэффициент тепловых потерь, коэффициент теплопередачи, эффектив- ность, развитая поверхность, щелевидная поверхность.*

Maqolaning mualliflari kollektorning issiqlik balansi tenglamasini turg'un rejimi uchun tahlilini bajarib, quyoshli kollektor yutayotgan va issiqlik almashinuv yuzasi bilan kontaktda bo'lgan issiqlik tashuvchisiga berishi mumkin b'olgan energiya miqdorini aniqlash, konvektiv almashinuvini tashkillash usuliga b'orliqligini aniqlashgan.

Tayanch s'ozlar. *Quyosh – havo isitgichi, nurlanish energiyasi, issiqlikni yoqotish koeffitsienti, issiqlikni yoqotish koeffitsienti, samaradorlik, rivojlangan sirt, tirqishli sirt.*

The authors of the article analyzed the heat balance equation of the collector in the steady state and determined that the amount of energy that the solar collector can absorb and give to the coolant in contact with the surface of the heat sink depends on the method of organizing convective heat transfer.

Keywords: solar air heater, radiation energy, useful heat absorbed, heat loss coefficient, heat transfer coefficient, efficiency, developed surface, slit-like surface.

Анализ конструктивных решений и рабочих характеристик плоских солнечных коллекторов

Солнечный коллектор является основным элементом установки, в которой энергия излучения Солнца преобразуется в тепловую форму энергии (рис. 1).




Рис.1 Принципиальная схема плоского солнечного коллектора. 1 – прозрачные покрытия; 2 – изоляция; 3 – поглощающая поверхность.

В отличие от традиционных теплообменников, в которых происходит интенсивная передача тепла от одной жидкости к другой, а излучение несущественно, в солнечном коллекторе перенос энергии к жидкости осуществляется от удаленного источника лучистой энергии [1-4]. Без концентрации солнечных лучей плотность потока падающего излучения составляет в лучшем случае – 1100 Вт/м^2 и является величиной переменной в течении суток. Длины волн составляют $0,3 - 3,0 \text{ мкм}$. Они значительно меньше величин длин волн собственного излучения большинства поверхностей, поглощающих излучение. Таким образом, эксплуатация солнечных коллекторов связана с проблемами теплообмена при низких и переменных плотностях потока энергии.

Солнечные коллекторы могут применяться как с концентрацией, так и без концентрации солнечного излучения. В плоских коллекторах поверхность, воспринимающая солнечное излучение, является одновременно поверхностью, поглощающей излучение. Фокусирующие коллекторы, обычно имеющие вогнутые отражатели, концентрируют падающее на всю их поверхность излучение на теплообменник с меньшей площадью поверхности, увеличивая тем самым плотность потока энергии.

Плоские коллекторы могут применяться для нагрева теплоносителя до умеренных температур, не превышающих температуру окружающей среды более чем на 100°C . К их преимуществам следует отнести возможность использования как прямой, так и рассеянной солнечной радиации; они не требуют слежения за солнцем и не нуждаются в повседневном обслуживании. В конструктивном отношении они проще, чем система, состоящая из концентрирующих отражателей, поглощающих поверхностей и механизмов слежения. В настоящее время плоские коллекторы используются главным образом в системах воздушного теплоснабжения, а также в сушильной технике.

Основным вопросом использования воздуха вместо воды или других жидкостей заключается в его довольно низкой способности хранить тепло и его малой плотности. Удельная теплоемкость воздуха $0,24$; воды 1 . Плотность воздуха при обычных условиях составляет около $1,2 \text{ кг/м}^3$, а воды – 1000 кг/м^3 . Таким образом, через коллектор требуется пропустить значительно больше количество воздуха, чем воды, как по объему, так и по весу. Например, если через коллектор при циркуляции 30 дм^3 воды переносится определенное количество тепла, то для переноса того же количества тепла потребуется 120 кг , или же 100 м^3 воздуха.

Ввиду низкой теплоемкости воздуха появляется необходимость создавать большие рабочие объемы, где он может циркулировать, даже в самом коллекторе. Воздушные промежутки в коллекторах (например, между пластиной теплоприемника и прозрачным покрытием) составляют $40 - 150 \text{ мм}$. Вообще, чем больше размер воздуховода, тем меньше перепад давления (сопротивление движению воздуха). Для плоских теплоприемников из

листового металла воздуховодный промежуток составляет 12 – 25 мм. Более крупные воздуховоды требуют больших затрат как по расходу материалов, так и по занимаемому объему. Диаметры воздуховодов 40 – 65 мм считаются оптимальными для большинства крупных коллекторах, которые объединены с системами естественной циркуляции или с системами, имеющими длинные воздуховоды (4,5 м и более).

Температура теплоприемника в коллекторе бывает сравнительно высока. При этом, теряемое тепло теплоприемника зависит от множества факторов, среди которых основным считается режим движения омываемого теплоносителя. В коллекторах горячая поверхность теплоприемника омывается ламинарным воздушным потоком, который несколько холоднее, чем теплоприемник. Для этих типов коллекторов требуются большие поверхности теплообмена.

Рабочие характеристики коллектора.

В настоящее время существует много подробных описаний рабочих показателей коллектора, работающих в области солнечной энергии. По мнению большинства авторов, занимающихся исследованиями коллекторов, без увеличения стоимости коллектора может быть достигнуто лишь незначительное повышение общего КПД. Кроме того, существует мнение, что повышение эффективности использования энергии солнечного излучения часто требует увеличения затрат, которые не всегда окупаются за срок службы коллектора. Более того, стремление многих инженеров, занимающихся солнечной энергией, создавать коллекторы с повышенным КПД без учета их возросшей стоимости неоправданно.

Уравнение теплового баланса коллектора в установившемся режиме определяет количество энергии, которое солнечный коллектор может поглотить и отдать теплоносителю, находящемуся в контакте с поверхностью теплоприемника:

$$N_c = N_a - N_l$$

полезное тепло, поглощенное коллектором = мощность излучения, достигающего теплоприемника - тепловые потери коллектора

Поглощенное полезное тепло N_c определяется путем измерения скорости потока теплоносителя и разности его температур на входе и выходе из коллектора. Скорость потока, кг/(м²·ч), умножается на разность температур на входе и выходе; полученное произведение в свою очередь умножается на удельную теплоемкость теплоносителя, которая составляет для воды 4,2 кДж/(кг·град) и 1,5 кДж/(кг·град) для воздуха. Полученная величина представляет собой удельное количество тепла, собранного коллектором и измеряемого в Дж/(м²·ч) или Вт/м²;

$$N_c = v \times c \times \Delta T$$

полезное тепло, поглощенное коллектором = массовая скорость потока теплоносителя x удельная теплоемкость x разность температур на входе и выходе

$$N_c \left[\frac{Дж}{м^2 \cdot ч} \right] = \left[\frac{кг}{(м^2 \cdot ч)} \right] \times \left[\frac{Дж}{(кг \cdot град)} \right] \times [град] \tag{1}$$

Так как, в коллекторе имеются потери энергии, то обычно полезное тепло умножается на коэффициент тепловых потерь.

При проектировании и эксплуатации солнечных коллекторов важно иметь в виду то, что поскольку погодные условия существенно меняются не только в течение суток, месяца или года, но иногда и в течение часа, то коллектор, спроектированный для средних условий, не может все время функционировать одинаково. Следовательно, тепло получаемое от солнечного коллектора, должно рассматриваться как дополнение к другим источникам

энергии. Количество лучистой энергии, которое поступает на коллектор, H_a уменьшается пропорционально величине пропускной способности τ прозрачных покрытий и величине поглощательной способности α теплоприемника. Обе эти величины зависят от угла падения лучей. Стекло и пластмасса примерно на 90% пропускают свет под прямым углом, однако в течение дня средний коэффициент пропускания может составлять 70-75% для одинарного остекления и 62-67% для двойного. Поглощательная способность поверхности теплоприемника в меньшей степени зависит от угла падения лучей и в большей от характеристик самой поверхности. Величина общей эффективности может быть уменьшена на 3-5% в результате потерь вследствие запыления покрытий и затенения, создаваемого боковыми стенками коллектора и опорными стойками переплета остекления. Тогда мощность солнечного излучения H_a , достигающего теплоприемника, будет.

$$H_a = (0,96) I \tau \alpha \quad (2)$$

Тепловые потери теплоприемника H_1 представляют собой сумму большого числа различных потерь в окружающий воздух вследствие конвекции и теплопроводности, и потерь вследствие теплопроводности от коллектора к более холодным частям системы через изоляцию и материалы конструкции.

Эти потери меняются под влиянием следующих факторов:

- средней температуры пластины теплоприемника; температуры наружного воздуха;
- эффективной температуры небосвода, которая обычно на 5-15⁰С ниже температуры окружающего воздуха и которая влияет на радиационные потери тепла;
- скорости ветра, которая оказывает меньшее влияние при увеличении числа прозрачных покрытий и понижении температуры коллектора;
- кратности остекления и в меньшей степени расстояния между стеклами;
- их пропускательной способности по отношению к длинноволновому инфракрасному излучению;
- количества и типа тыльной и боковой изоляции.

Вопросы повышения эффективности коллектора воздушного типа.

Основной причиной трудности выполнения инженерных расчетов воздушных коллекторов является расчет теплопередачи между воздухом и поверхностью теплоприемников различных видов (металлическая сетка, сетчатая ткань, материалы воздушных фильтров и др.). Также проблемой, является нахождение компромисса между теплообменом и перепадом давления в коллекторе, которое возрастает по мере увеличения скорости воздушного потока. В течении этого процесса повышается К.П.Д. коллектора. Однако, это повышение необходимо оценивать относительно увеличения мощности вентилятора и расхода энергии, необходимой для перекачки дополнительного объема воздуха. Такой же компромисс необходим при расчете аккумулятора тепла, работающего вместе с коллекторами воздушного типа. В статье Остина Уиллера «Окрашенные в черный цвет воздухонагреватели обычной конструкции» [4] даны подробные аналитические уравнения, позволяющие сравнивать коллекторы, не прибегая к экспериментам.

Уиллер подчеркивает важность организации теплообмена между пластиной теплоприемника и воздушным потоком. Уиллер объединил общую величину U (коэффициент тепловых потерь), с коэффициентом теплообмена h и получил коэффициент эффективности, обычно обозначаемый в литературе через F' .

$$F' = \frac{1}{1 + \frac{U}{h}} \quad (3)$$

Чем выше величина F' , тем более эффективен коллектор.

В таблице №1 отражено влияние коэффициентов теплопередачи на коэффициент эффективности для коллектора. Можно видеть, что коэффициент теплопередачи h , равный 34 Вт/(м².град) для поглотителя с одинарным стеклянным покрытием [при $U=6,8$ Вт/(м².град)], имеет тот же коэффициент эффективности $F'=0,833$, что и теплоприемник с более низким коэффициентом теплопередачи, равным 23 Вт/(м².град), в сочетании с дополнительным покрытием [при $U=4,5$ Вт/(м².град)]

Таблица № 1.

Влияние коэффициента теплопередачи h на коэффициент эффективности улавливания тепла F' .

Принятая величина коэффициента h	11	17	22	34	46	68
Коэффициент тепловых потерь коллектора $U_L=6,8$ Вт/(м ² .град) (одно стеклянное покрытие)	-	-	-	-	-	-
Коэффициент эффективности	0,625	0,714	0,77	0,833	0,87	0,909
Коэффициент тепловых потерь коллектора $U_L=4,5$ Вт/(м ² .град) (два стеклянных покрытия)	-	-	-	-	-	-
Коэффициент эффективности	0,714	0,79	0,833	0,882	0,909	0,934

Из формулы (3) видно, что с уменьшением величины коэффициента тепловых потерь, а также с увеличением коэффициента теплообмена увеличивается коэффициент эффективности коллектора. Таким образом, можно сделать вывод о том, что одним из эффективных способов увеличения эффективности коллектора является увеличение интенсивности теплообменных процессов между стенкой коллектора и воздушным потоком. Некоторые конструкции коллекторов, способствующих решению данного вопроса показаны на рис 2.




Рис.2 Типы солнечных воздушных коллекторов повышенной эффективности.
а – развитая поверхность; б – щелевидная поверхность; в – сетка.




Рис. 3. Зависимость эффективности коллектора F' от коэффициента теплопередачи h . ($U_L=4,5$ Вт/(м².град)).




Рис.4. Зависимость эффективности коллектора F' от коэффициента теплопередачи h . ($U_L=6,8$ Вт/(m^2 .град).

В заключении приведем графики зависимости эффективности коллектора от коэффициента теплопередачи h при известном коэффициенте тепловых потерь $U_L=4,5$ Вт/(m^2 .град) и $U_L=6,8$ Вт/(m^2 .град).

Выводы:

1. Для повышения эффективности отвода теплоты в воздушном коллекторе необходимо увеличить коэффициент теплопередачи h .
2. Эффективность коллектора снижается с ростом коэффициента тепловых потерь U_L .

Список литературы

- [1]. 1.Байрамов Р., Хандурдыев А., Фахретдинова Э.М., Нургельдыев А. Исследование ступенчатых солнечных воздухоподогревателей. // Известия АН ТССР. Ашхабад: 1983. № 5. С. 39-44.
- [2]. 2.Харченко Н.В. Индивидуальные солнечные установки. М.: Энергоатомиздат, 1991 .- 208 с
- [3]. Нассар Ясир Фатхи. Разработка системы отопления и горячего водоснабжения здания на базе воздушного солнечного коллектора: Дисс. . канд. техн. наук. М.: МЭИ, 1999. - 114 с.
- [4]. Даффи Дж.А., Бекман У.А. Тепловые процессы с использованием солнечной энергии. М.: Мир, 1977. - 422 с.
- [5]. М.: Мир, 1977. - 422 с.
- [6]. Казанджан Б.И., Солодов А.П., Такаев Б.В. Воздушный солнечный коллектор с прозрачной тепловой изоляцией капиллярного типа // Вестник МЭИ. М.: 2002. - № 3. - С. 49-55.

TO'QIMACHILIK SANOATI KORXONALARI ENERGIYA SAMARADORLIGI TAHLILI

F.A. Xoshimov, X.U. Yusupaliyeva

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi, Energetika muammolari instituti,
+99899 851 44 12 (telegram)
[\(Qabul qilindi 11.02.2022 y.\)](#)

The article reveals an analysis of the energy efficiency of textile enterprises that consume the most energy resources in the main activity of light industry enterprises. The textile industry consists of three main industries, which differ significantly in energy intensity, including spinning, weaving and finishing. Compared to other workshops, spinning technology consumes the most electricity.

Key words: light industry, textile industry, energy efficiency, spinning, weaving and finishing industries, energy resources, electricity, thermal energy, technological processes, energy saving.

Автомашиналарнинг ўз вақтида ва тўғри жойга етиб бориши жуда муҳимдир. Автомобил логистикаси билан боғлиқ мултимодал транспортни ҳисобга олган ҳолда, барча транспорт воситаларини юклаш ва ташиш ёналиши бўйича қарорлар қабул қилишда тўғри ҳисобга олиниши жуда муҳимдир. Транспортни бошқаришнинг ақлли ечими автопарк ва ҳайдовчиларни бошқаришни ҳисобга олади, маршрут конфигурациясини тўлиқ шаффофлик ва жараёни қўллаб-қувватлаш билан оптималлаштиради. У ҳар бир транспорт воситаси учун юк конфигурациясини, тарқатиш тармоғидаги транспорт воситаларининг реал вақт режимида кўринишини, индивидуал юкларни, транспорт турларини ва масофаларни ҳисоблаб чиқиб, оптималлаштирилган жўнатиш режасини тақдим этади. Ушбу ечимлар натижаси юк машиналар фаолиятининг самарадорлигини кузатиб боради ва таъминот занжиридаги барча ҳамкорлар томонидан мавжуд бўлган стандарт электрон интерфейсларга эга онлайн платформа орқали ўзаро алоқаларни оптималлаштиради. Транспортни бошқариш ечими ташувчи муносабатларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, турли минтақалар ўртасида тузилган шартнома шартлари томонидан ўрнатилган махсус чекловларни ҳам ҳал қилиши мумкин. Автомобил ишлаб чиқарувчилари жорий вақт давомида транспорт воситалар ҳақидаги маълумотларнинг тасвирланиши ҳамда ресурсларни оптимал тақсимлаш, қайта кўриб чиқиш натижасида яхшиланган кўрсаткичлар ва тегишли ҳисоботларни тақдим этиш орқали транспорт йўналишлари, тармоқ жойлашувини танлаш ва хизмат кўрсатувчи провайдерлар харажатларни тежаш имконини беради.

Автомобил логистикаси кўплаб реал самарали шароитларда хизмат кўрсатиши мумкин бўлган оптималлаштирилган тармоқларга боғлиқ бўлади. Автомобил ишлаб чиқарувчиларига транспорт воситасини етказиб беришнинг оптималлаштирилган дастури исталган вақтда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Юкларни ташиш даври давомида транспорт воситалари, ташиш учун мўлжалланган вақтлар, ҳамкорликда ишлаётган томонларнинг икки томонлама шартнома шартлари, ташишни ўз вақтида бажарилиши ва юзага келиши мумкин бўлган зарарларни ҳисобга олиниши керак [4].

Автомобил логистикасида барқарорлик хусусиятини шакллантириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Барқарорликни математик оптималлаштирилган алгоритмларни қўллаш билан операцион тадқиқотларга асосланган мураккаб симуляциялар орқали ҳал қилинади ва рақамли қарорлар қабул қилиш орқали кўриб чиқилади. Транспорт ҳажмлари, маршрутлари ва портлардаги вазифалар қайси кўринишларда амалга оширилиши бўйича оптималлаштирилган қарорлар кўриб чиқилади ва қўллаб-қувватланади. Стратегик режалаштириш ечимларини қўллаш мумкин бўлган тармоқни ва бир вақтнинг ўзида ёки ҳатто қарама-қарши мақсадларга қандай эришиш мумкинлигини, чиқиндиларни кўпайтирмасдан тозалаб бериш вақтларига қандай тузатишлар киритиш мумкинлигини, энг мақбул харажат моделини ёки комбинатсиясини аниқлаш учун симуляциялар яратилиши мумкин. Такмиллаштирилган қарор қабул қилиш билан ушбу симуляциялар транспортнинг қисқариш муддатини, харажатларни камайтиришга ва углевод чиқиндиларини сезиларли даражада камайтиришга олиб келади. [5] Тармоқни режалаштириш воситалари жараёндаги барча ҳамкорлар учун очиқ бўлса, натижада олинган тушунчалар, алоқа ва ҳамкорлик тайёр транспорт воситаларининг логистика таъминоти занжири бўйлаб юқори иқтисодий самарадорлик, чидамлик ва барқарорликни оширишда янада муҳимроқ бўлиши мумкин.

Хулоса. Оптималлаштирилган автомобил логистикаси учун тўлиқ автоматлаштирилган таъминот занжири автотурагоҳ бошқарувини, транспортни бошқариш ва тармоқни режалаштиришдан ташқари, оптималлаштириш дастури инвентаризатсияни бошқариш, устахонани бошқариш, реал вақт режимида зарар ҳақида ҳисобот ва етказишнинг электрон назоратини яхшилайдди. Бу юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай салбий ҳолатлар учун зудлик билан жавоб бериш имконини беради, натижада автомобил оригинал ускуналар ишлаб чиқарувчиларига муаммоларни юзага келишидан олдин уларни бартараф қилишга имкон беради.

Транспорт воситаларини логистика занжири бўйлаб бошқарув тизимидаги ижобий томонга ўзгаришларни самарадорлик, сифат назорати, бошқарув ва мижозлар эҳтиёжини қондиришда кўриш мумкин. Оптималлаштириш ва реал вақт режимида кўриниш ечимларини аллақачон қабул қилган оригинал ускуналар ишлаб чиқарувчилар учун уларнинг фаолроқ бўлиш ва ҳар қандай қутилмаган узилишлар ёки тўсиқларга дош бера олиш қобилияти сезиларли даражада яхшиланди.

Адабиётлар

- [1] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Т. 2021 йил
- [2] Алесинская, Т.В. Основы логистики. Общие вопросы логистического управления / Т.В. Алесинская.– Таганрог: Изд-во ТРТУ, 2014.– 121 с.
- [3] Гагарский Э.А. Технология транспортировки и перегрузки грузов в смешанных и комбинированных сообщениях: дис. ... докт. техн. наук. Москва, 2015. – 137 с
- [4] Prof. Dr. Thorsten Blecker, Prof. Dr. Dr. h. c. Wolfgang Kersten, Prof. Dr. Christian M. Ringle. Innovative Methods in Logistics and Supply Chain Management. 2014. – 225 p.
- [5] Расулова Т.П. «Минтаканинг транспорт ва логистика тизимини шакллантиришнинг асосий тамойиллари», Т. 2020

УДК 669.001

МАТЕРИАЛНИНГ ЭЛЕКТРО ВА ТЕПЛОФИЗИК ХОССАЛАРИГА ҲАРОРАТИНИ ЎЗГАРИШИНИ ТАЪСИРИ

Я. Рахимов, З. Абдуқаҳҳоров

Наманган муҳандислик-технология институти, Тел.: (+99894) 300-44-30 .
E-mail: rayax59@mail.ru, Tel.: (+99899) 070-19-55, E-mail: zohidjon55@mail.ru;
[\(Қабул қилинди 21.10.2021 й.\)](#)

The Main working and technological characteristic of steel are defined their additives carbide forming element. The Carbide forming element allows to reach the necessary depth, toughness of the hard

solution, toughness to account dispersion second phase, pulverizing grain. The Carbide forming elements provide resistance to particles of the second phase (the carbide). In particular, toughness, viscosity, heat-resistance straight hang from amount and dispersion carbide, their stability against at heating, as well as from element of the fine construction of the structure: values block, level of the micro distortion, density and degree of their fastening. In article is studied influence carbide forming element to structure and characteristic by steels.

Keywords: the ferrite, аустенит, перлит, values block, level of the micro distortion, pulverizing grain, density of the crystalline lattice and degree of their fastening, toughness, wear capability, heat-resistance

Основные эксплуатационные и технологические свойства сталей определяются их легированием. Легирование позволяет достигать необходимую прокаливаемость, упрочнение твердого раствора, упрочнение за счет дисперсности второй фазы, измельчение зерна. Легирующие элементы обеспечивают устойчивость к коагуляции частиц второй фазы (карбидов). В частности, прочность, вязкость, теплостойкость прямо зависят от количества и дисперсности карбидов, их устойчивости против коагуляции при нагреве, а также от элементов тонкого строения структуры: величины блоков, уровня микроискажений, плотность дислокаций и степень их закрепления. В статье изучено влияние легирующих элементов к структуру и свойств стали.

Ключевые слова: феррит, аустенит, перлит, величины блоков, уровня микро искажений, измельчение зерна, плотность дислокаций и степень их закрепления, прочность, износостойкость, теплостойкость.

Пулатнинг асосий технологик ва эксплуатацион хоссалари уларни легирлаш билан аниқланади. Легирлаш қаттиқ қотишма учун муҳим бўлган тоблаш чуқурлигига эришишга имконият яратадиб Асосан мустаҳкамлик, қовушоқлик, иссиқбардошлик карбидларнинг майдаланишига ва миқдорига, карбидларнинг коагуляциясига, шунингдек дислокация зичлигига, блокларнинг ўлчамига ва микросилжиш даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Мақолада легирловчи элементларнинг пулатнинг структурасига ва хоссаларига таъсири ўрганилган.


Таянч сўз ва иборалар: феррит, аустенит, перлит, блоклар ўлчами, микросилжиш даражаси, дончанинг майдаланиши, дислокация зичлиги, мустаҳкамлик, емирилишга чидамлик, иссиқбардошлик.

Фан, техника ва айниқса технологияларда қўйилган мақсадни амалга ошириш учун ишончли дастлабки малумобларсиз лойиҳалашда, материал ва маҳсулотлада қўллашда амалга ошириш мушкул.

Материалларнинг иссиқлик физикаси хоссалари: иссиқлик сиғими, чизикли кенгайиши, зичлиги, иссиқлик ўтказувчанлиги, ҳароратни ўтказувчанлиги муҳми физик характеристикалари ҳисобланади.

Металларнинг иссиқлик-физик хоссаларига, уларнинг ўзгариши металларнинг ҳароратини ўзгариши билан боғлиқ. Металларнинг иссиқлик-физик хоссаларига иссиқлик сиғими, иссиқликдан кенгайиши, ҳарорат ўтказувчанлик ва иссиқлик ўтказувчанлик.


Термик ишлов бериш жараёнида ҳароратнинг қўтарилиши билан материал ва моддаларнинг электрофизик, теплофизик ва магнитлик хоссалари ўзгариб боради (1 расм). Ҳароратни ўзгариши билан солиштирма қаршилиқнинг ортиши кузатилади.




1-расм. Ҳароратга боғлиқ ҳолда бази металларнинг электр қаршилиги орасидаги боғланиш графиги.

Солиштира қаршиликнинг сакраш билан ўзгариши металлнинг бир агрегат ҳолатдан иккинчи агрегат ҳолатига ўтишига мос келади (қаттиқ ҳолатдан суюқ ҳолатга) (2 - 3 расмлар).

Нисбий магнитли ютилиш (3. расм) фақат ферромагнит металлариға талукли. Кюри нуқтасига тўғри келувчи ҳароратда (тахминан 730 – 750 °С) металл магнитлик хоссасини йўқотади, ва нисбий магнит ютилувчанлик бирга тенг бўлип қолади.



2-расм. Ўртача углеродли пўлатларида ҳароратга боғлиқ солиштира электр қаршилик ва магнит ютулувчанликнинг боғлиқлик графиги.




3-расм. Турлича металлларнинг энталпияси.

Энталпия (иссиқлик тутувчанлик) металллар учун 3 – расмда кўрсатилган, худди шунга ўхшаш агрегат ҳолатини ўзгаришида характерли ўтишга эга бўлади, худди шунингдек солиштира қаршиликни ўзгаришида ҳам содир бўлади.

Суюқликдаги баъзи газлар учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини ўзгариши (4 расм) суюқлик ёки газларнинг турлича қатламларида иссиқликнинг малум бир қисмини узатилиши билан боғлиқ. Асосан иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти юза бирлигидан вақт бирлигида градиентда бирга тенг ҳароратда иссиқлик миқдори қийматига тенг. Турлича суюқлик ва газларда иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентининг ўзгариши (ҳароратнинг ўзгаришига боғлиқ) турлича ҳосил бўлади, суюқлик ва газлар молекулаларининг тасимланиш тезлиги билан боғлиқ ички энергиянинг ўтказувчанлик ходисаси билан боғланган.

графиги
Металлнинг иссиқлик ўтказувчанлигини ўзгариши Ведеман – Франц қонуни бўйича ўтади, бу қонунга асосан иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини солиштира электр ўтказувчанликка нисбати барча металллар учун абсолют ҳароратда тўғри пропорционал бўлади.



4-расм. Бази газларнинг ҳароратга боғлиқ иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти орасидаги боғлиқлик графиги: 1 – сув буғи; 2 – кислород; 3 – ҳаво; 4 – азот; 5 – аргон.

Список литературы

[1]. Т. М. Пугачева, Б. Ф. Трахтенберг. Повышение конструктивной прочности инструментальных сталей методом кратной термической обработки. Материалов научно-технической конференции. Ташкент, 1990, с. 8.
[2]. А.А. Мухамедов. Исследование свойств после перекристаллизации стали. МиТОМ. 1972. № 12. с. 14-20.

- [3]. Я. Рахимов, З. Абдукаххоров, Поверхностная диффузия и её влияние на свойства рабочих поверхностей деталей машин. Материалы международной научно-практической интернет-конференции Астрахань, 29 февраль 2016 г.
- [4]. Я. Рахимов, Х. Исаханов, З. Абдукаххоров. Влияние температуры предварительной нормализации на прочность и абразивную износостойкость стали. Проблемы механика. 2016г. №2.с. 47-52.

PAXTA SANOATIDA XOM ASHYONI ZAMONAVIY QURITISH TEXNOLOGIYALARI

G'.G'. Parpiyev

Andijon mashinasozlik instituti
(Qabul qilindi 24.12.2021 y.)

Ushbu maqolamizda paxta sanoatida paxta xom ashyosini zamonaviy quritish qurilmalari va texnologiyalari haqida fikrlar bildirganmiz.

Kalit so'zlar: paxta xom ashyosi, quritgich, qayta ishlash, infraqizil quritgich, barabanli quritgich, kamerali quritgich, tasmali quritgich, barabanli quritgich, tamburli quritgich.

В данной статье мы представляем наши взгляды на современные устройства и технологии для сушки хлопка-сырца в хлопковой промышленности.

Ключевые слова: хлопок-сырец, сушилка, обработка, инфракрасная сушилка, барабанная сушилка, камерная сушилка, ленточная сушилка, барабанная сушилка, барабанная сушилка.

In this article, we present our views on modern devices and technologies for drying raw cotton in the cotton industry.

Keywords: raw cotton, dryer, processing, infrared dryer, drum dryer, chamber dryer, belt dryer, drum dryer, drum dryer.


Mamlakatimiz iqtisodiyotini rivojlantirishda paxta xom-ashyosi yetishtirish va uni qayta ishlash jarayoni murakkab jarayondir. Ushbu jarayonda kechayotgan muammoli xolatlarini yechish hozirgi kunning dolzarb muammolaridan xisoblanadi.

Sanoatda paxta xom ashyosini quritish jarayonini amalga oshirish uchun energiya sarflaydigan va qimmat bo'lgan barabanli quritgichlar va suyuq qatlamli quritgichlar qo'llaniladi. Shu bois paxta xom ashyosini quritish jarayoni uchun energiya sarfini kamaytiradigan yangi turdagi quritgichni yaratish vazifasi qo'yildi.

Paxta xom ashyosini qayta ishlash uni me'yor darajasida quritish orqali amalga oshiriladi. Shuningdek, paxta xom ashyosidan tayyorlanadigan mahsulotlarning sifati va texnologik qurilmalarning ishlash samaradorligi ham paxta xom ashyosining namligiga bog'liq bo'ladi.

Bugungi kunda dunyo bo'ylab mingdan ortiq maxsulotlar quritiladi. Ularning ichida paxta xom ashyosini quritish o'zining xususiyatlari bilan aloxida ajralib turadi. Shuning uchun paxta xom ashyosining sifati saqlagan holda quritish jarayonlarini tashkil etish, quritish qurilmalarining ishlash rejimlarini tanlash paxta xom ashyosini quritish materiali sifatida uning xususiyatlarini va quritish uskunalarning ishlash jarayonlarini to'liq o'rganishni talab etadi.

Quyida quritishning zamonaviy texnologiyasining mavjud sxemasi keltirilgan.



Zamonaviy quritish uskunalari turli materiallarni quritish qobiliyati jihatidan ko'p qirrali bo'lishi kerak. Biz turli sanoat tarmoqlarida quritish jarayonida foydalanish uchun istiqbolli va ishlash printsipiga muvofiq birlashtirilgan paxta quritish texnologiyalarini ko'rib chiqamiz.

Tayyorlanayotgan paxta xom ashyosining sifati uning navi, namligi, ifloslanishi, tashqi ko‘rinishi bilan aniqlanadi. Paxta xom ashyosining namligi uning texnologik va tovar qiymatiga ta’sir qiluvchi muhim ko‘rsatkich bo‘lib hisoblanadi. Paxta xom ashyosi paxta tozalash korxonalariga katta partiyalarda olib kelinib, ularni bir vaqtning o‘zida hammasini qayta ishlashning imkoni bo‘lmaydi, shu sababli ularni ko‘p qismini uzoq vaqt davomida saqlashga to‘g‘ri keladi. Saqlanayotgan vaqtda namligi yuqori bo‘lgan paxta xom ashyosining tashqi ko‘rinishi va tolasining pishiqligi tez pasayadi, paxta chigiti esa qizib ketib, fizik-mexanik xususiyatlarini yo‘qotishiga olib keladi. Paxtani qayta ishlash jarayonida esa texnologik mashinalarning normal ish rejimlari buziladi, tozalash samaradorligi pasayadi va paxta xom ashyosini texnologik mashinalar tirqishlarida tiqilib qolishi yuz beradi. Yuqori sifatli paxta tolasi olish va ishlatilayotgan texnologik mashinalarning uzluksiz ishlashini ta’minlash uchun paxta xom ashyosini quritish va uning namligini pasaytirish lozim.


1-jadval

Paxta namligi turlicha bo‘lganda uning paxta komponentlarn orasida namlikning taqsimlanishi

Komponentlar	Paxta namligi % bo‘lganda			
	10	15	20	30
Tola	6,9	10,4	13,8	20,6
Mang‘iz	8,1	14,1	20,5	34,7
Qobiq	17,1	23,2	28,9	38,3

Paxta xom ashyosini quritish, ya’ni undan namlikni chiqarish maxsus qurilmalar - quritkichlarda yoki ochiq havoda amalga oshiriladi. Ma’lumki, tabiiy ochiq havoda quritish jarayoni katta maydonlarni egallaydi, ko‘plab ishchi kuchlarini hamda ob-havo bilan bog‘liq bo‘lgan sharoitlarni xisobga olgan holda sekin amalga oshiriladi. Shu sababli tabiiy quritish paxta tozalash sanoati uchun qo‘llanilmaydi.

Paxtaning asosiy komponentlari, quritish jarayonini dinamikasiga ta’sir qiluvchi turli xil tuzilish va sorbtсион xususiyatlarga ega bo‘lgan tola va chigitlardir.



1-rasm. Paxta va uning komponentlarining qurish tezligi egri chiziklari: 1 - tola; 2 - paxta; 3- chigit.

Paxta va uning komponentlari qurish tezligi egri chizig‘i (1-rasm) dan ko‘rinib turibdiki, tola (1) chigit (3) dan ancha tezroq qurisa, paxta (2) esa ular orasidagi oraliq holatni egallagan.

1-jadvalda o‘rta tolali sortli paxtaning asosiy komponentlari absolyut quruq h olatdagi o‘rtacha miqdori berilgan.

Shu yillarda paxta xom ashyosini sanoat usulida quritish (2-rasm) aerofontan, tasmali, minorali va boshqa quritkichlarda amalga oshirilgan.

Paxtani bu quritkichlarda quritish paxta yetishtiradigan xo‘jaliklarda ko‘plab qo‘l mehnati kuchini sarflash hisobiga amalga oshiriladi. Quritish jarayoni uzlukli va barcha tsikllar bir necha soat davom etib bunday quritkichlar paxta xom ashyosi massasini bir tekisda quritishni ta’minlay olmagan. Bu esa paxta tolasining sifatini tushib ketishiga olib kelgan.

Hozirgi vaqtda IQ - quritish va mikroto‘lqinli quritishdan foydalanish istiqbolli hisoblanadi. Bunday quritgichlarning afzalliklari quyidagilardan iborat: issiqlik tashuvchisi talab qilinmaydi, bu materialning ifloslanishiga olib kelishi mumkin; portlovchi konsentratsiyalar va kirish natijasida moddiy yo‘qotishlar yo‘q, material qizib ketmaydi; issiqlik chiqishi materialning hajmida sodir bo‘ladi, isitish intensivligi materialning yig‘ilish holatiga bog‘liq bo‘lmaydi.


1-jadval

Komponentlar	Paxta komponentlarining % lardagi miqdori	
	I-sort	IV-sort
Tolali material	43	42
Qobiq	20	23
Yadro	37	35

Yupqa qatlamlarni quritishda IQ isitishdan foydalanish quritish jarayonini 1,5-2,0 barobar kuchayishiga olib keladi va energiya sarfi 1,5 baravar kamayadi.

Sanoatda kamerali, barabanli, pnevmatik, lentali, suyuq qatlamli va boshqa konveksiyali quritgichlardan ham keng foydalaniladi.

Konveksiyali quritgichlarida, maksimal ruxsat etilgan haroratgacha qizdirilgan termal agent, quritilishi kerak bo'lgan material bilan to'g'ridan-to'g'ri aloqa qiladigan ish kamerasi orqali harakatlanadi. Ushbu variantning o'ziga xos xususiyati - bir martalik isitish va quritish vositasidan bir martagina foydalanishdir.



2-rasm

Kamerali quritgichlar atmosfera bosimida ishlaydi va quritish harorati 250-300 °C gacha bo'lgan materiallarni quritishda ishlatiladi va partiyada ishlaydigan qurilmalardir. Quritish jarayoni tokchalar yoki aravachalarga o'rnatilgan tovoqlarda amalga oshiriladi. Quritgich qayta isitish va qisman havo sirkulyatsiyasi bilan ishlaydi, bu esa pastroq harorat va yumshoq quritish sharoitlarini ta'minlaydi. Bunday quritgichlar qattiq qalin qatlamda quritilishi tufayli past mahsuldorlikka ega va kameradagi notekis harorat tufayli notekis quritish bilan tavsiflanadi, bu havoning eng qisqa yo'l bilan yuqori zonalarga qisman o'tishi tufayli yuzaga keladi. Kamerali quritgichlarga texnik xizmat ko'rsatish ko'p qo'l mehnatini talab qiladi, bu ham muhim kamchilikdir. Quritish uchun toza isitiladigan havo yoki tutun gazlarining havo bilan aralashmasi ishlatiladi.

Tasmali quritgichlarda quritish jarayoni atmosfera bosimida doimiy ravishda amalga oshiriladi. Quritish kamerasida quritilishi kerak bo'lgan material qatlamli haydash va boshqariladigan barabanlar orasiga cho'zilgan cheksiz tasmada harakatlanadi. Tasmaning bir uchiga nam material beriladi, boshqa uchidan esa quritilgan material chiqariladi. Quritish teskari oqim yoki o'zaro oqimni materialning harakat yo'nalishiga o'tkazadigan issiq havo yoki chiqindi gazlar bilan amalga oshiriladi. Tasmali quritgichlar katta hajmli (tunnelli quritgichlar kabi) va asosan kamarlarning buzilishi va cho'zilishi tufayli ularni saqlash qiyin, ularning o'ziga xos mahsuldorligi past va solishtirma issiqlik iste'moli ancha yuqori. Bundan tashqari, ular turli xil materiallarni quritish uchun mos emas, shuning uchun ular bu maqsadda rulonli quritgichlar bilan birgalikda ishlatiladi. Ba'zi dizaynlarda o'ta qizdirilgan bug' quritish vositasi sifatida, ba'zan issiq inert gazlar bilan aralashmada ishlatiladi. Haddan tashqari qizdirilgan bug' quritish atmosfera kislorodi mavjudligida yuqori haroratlarda oksidlanadigan yoki yonadigan materiallar uchun qiziqish uyg'otadi. Strukturaviy jihatdan bu quritgichlar murakkabdir, chunki ularga havo kirmasligi uchun ularning sizdirmasligini ta'minlash kerak.

Barabanli quritgichlar bo'lakli, donador, tolali va quyma materiallarni atmosfera bosimida uzluksiz quritish uchun keng qo'llaniladi. U tsilindsimon barabanga ega bo'lib, gorizontal ravishda o'rnatiladi yoki gorizontalga ozgina moyillik bilan o'rnatiladi va rulonlarda bintlar bilan qo'llab-

quvvatlanadi. Baraban elektr dvigatel bilan tishli poyezd va reduktor orqali boshqariladi. Material barabanga oziqlantiruvchi tomonidan beriladi, oldindan quritiladi, qabul qiluvchi vintli pichoqlar bilan aralashiriladi va keyin barabanning deyarli butun uzunligi bo‘ylab joylashgan ichki ko‘krakka kiradi. Gazlar va materiallar tez oqimda harakatlanadi, bu materialning haddan tashqari qizib ketishining oldini olishga yordam beradi, chunki bu holda eng issiq gazlar namlik miqdori yuqori bo‘lgan material bilan aloqa qiladi. Gaz tezligi materialning o‘lchamiga va zichligiga qarab tanlanadi.

Tamburli quritgichlarda quritish vositasi sifatida ko‘pincha tabiiy gaz, yoqilg‘i moyi yoki boshqa suyuq yoqilg‘i (dizel yoqilg‘isi, moy) yonishi natijasida olingan tutun gazlari ishlatiladi. Tutun gazlarini etkazib berish to‘g‘ridan-to‘g‘ri yondirgichdan barabanga yoki yonish kamerasi orqali amalga oshirilishi mumkin, bu esa tutun gazlarini havo bilan suyultirish darajasini tartibga solish imkonini beradi. Yong‘in qutisi yuqori haroratlarda yomonlashadigan materiallarni quritish kerak bo‘lganda ishlatiladi. Ichki barabanni qadoqlash qurilmasi bo‘laklarning o‘lchamiga va quritilishi kerak bo‘lgan materialning xususiyatlariga bog‘liq.

Tahlildan kelib chiqadiki, ho‘l materialdagi issiqlik va massa o‘tkazuvchanlik parametrlarining etarlicha katta qiymatlarida konveksiyali quritish usuli infraqizil va mikroto‘lqinli quritish uchun energiya intensivligi jihatidan bir oz pastroq bo‘lsada, sezilarli darajada yuqori samaradorligi tufayli quritishning boshqa turlariga nisbatan afzalliklarga ega. Shunday qilib, ikkita fizik quritish mexanizmining energiya tejamkor kombinatsiyasini o‘rganish va amaliyotga tadbir etish va shu asosda suvsizlanish jarayonining energiya sarfini yanada sezilarli darajada kamaytirishga erishish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Paxta xom ashyosini uzluksiz qayta ishlash jarayonining boshida quritish paxta xom ashyosining namligini texnologik reglamentda tavsiya etilgan qiymatlarga kamaytirishga mo‘ljallangan bo‘lib, unga erishilgandagina keyingi tozalash uskunasi ishoniqli va samarali ishlashi ta‘minlanadi. Shuning uchun paxta xom ashyosini quritish texnologik jarayonning asosiy va zarur operatsiyalaridan biri bo‘lib xisoblanadi.

Hozirgi vaqtda paxta xom ashyosini quritish uchun konvektiv usul qo‘llaniladi, bunda paxta xom ashyosi atmosfera havosi yoki uning yonish mahsulotlari bilan aralashmasi bilan tabiiy gaz yoki boshqa yoqilg‘ining issiqlik generatorida isitiladigan quritish vositasi deb ataladigan vosita bilan puflanadi. Konvektiv usul paxta xom ashyosini quritish uchun ham mahalliy, ham xorijiy qurilmalarda qo‘llaniladi.

Adabiyotlar

- [1] Parpiyev A., Axmatov M., Usmonqulov A., Mo‘minov M. Paxta xom ashyosini quritish. Toshkent. 2009.
- [2] Юсупов М.Т., Узум куритиш қурилмаларида ИҚ-оқимнинг бир текис бўлишини таъминлаш йўллари. // Ж. «Вестник ФерПИ. – 2009. № 1 – С. 58-62
- [3] Б.С.Сажин, «Основы техника сушки» Москва, «Химия» 1984 г.
- [4] А.П. Попелло, В.У.Усмонов и др., «Техника технология производства хлопка-сырца и его первичной обработка в США» УзНИИНТИ, Ташкент, 1977 г.

УЎТ 631.312.8

TURLI KONSTRUKSIYADAGI SFERIK DISKLAR TAHLILI

Sh.U. Ishmuradov, M.A. Xudoyberdiyev

Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti

(Qabul qilindi 19.01.2022 y.)

At present, several models of tillage agricultural machinery are imported from abroad. One such small tillage machine is the disc harrow. Currently, depending on the soil and climatic conditions, spherical disc working bodies of various types and sizes of disc harrows are used. The article analyzes the designs of various spherical disc working bodies of disc harrows used in the main shallow tillage.

Keywords: *tillage, disc harrow, toothed spherical disc, hexagonal disc, wear rate, friction, advanced, working bodies, design, spherical.*

В настоящее время несколько моделей почвообрабатывающей сельхозтехники импортируются из-за рубежа. Одной из таких машин для мелкой обработки почвы являются дисковые бороны. В настоящее время в зависимости от почвенно-климатических условий применяются сферические дисковые рабочие органы различных типов и размеров дисковых борон. В статье анализируются конструкции различных сферических дисковых рабочих органов дисковых борон, используемых при основной мелкой обработке почвы.

Ключевые слова: *обработка почвы, дисковая борона, зубчатый сферический диск, шестигранный диск, скорость износа, трение, передовые, рабочие органы, конструкция, сферический.*

Hozirgi kunda mamlakatimizda tuproqqa ishlov beradigan qishloq xo'jalik mashinalarining bir nechta rusumlari xorijdan import qilinmoqda. Ana shunday tuproqqa sayoz ishlov beradigan mashinalardan biri diskli boronalar hisoblanadi. Bugungi kunda diskli boronolarning har xil rusumdagi va har xil o'lchamdagi sferik diskli ish organlari tuproq iqlim sharoitiga bog'liq holda ishlatilib kelinmoqda. Ushbu maqolada tuproqqa asosiy sayoz ishlov berishda qo'llaniladigan diskli boronolarning har-xil sferik diskli ishchi organlari konstruksiyalari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: *tuproqqa ishlov berish, diskli borona, tishli sferik disk, oltiburchakli disk, yeyilish darajasi, ishqalanish, takomillashgan, ish organlari, konstruksiyasi, sferik.*

O'zbekistonda asosiy ekinlar (g'alla, paxta, ertangi kartoshka va boshqalar) ekilgan maydonlardan so'ng oraliq ekinlar uchun foydalanish va qo'shimcha hosil olish mumkin. Yozgi takroriy ekinlarni erta ekilgan kartoshka, poliz ekinlari, kuzgi g'alla maydonlari hisobiga ekish imkoniyati mavjud. Boshhoqli don ekinlari hosili yig'ishtirib olingandan keyin janubiy viloyatlarda 130-140 kun, qolgan viloyatlarda 110-120 kun sovuq bo'lmaydigan kunlar qoladi. Bu davrda o'simliklar uchun ijobiy harorat yig'indisi janubiy viloyatlarda 2400-3200 °C, qolgan viloyatlarda 1300-1600 °C bo'lib, ikkinchi ekin sifatida o'suv davri qisqa takroriy ekinlarni, jumladan, soya, mosh va loviya kabi dukkakli don ekinlarini yetishtirishda, tuproqqa sifatli ishlov berish uchun diskli boronalardan foydalaniladi. Hozirda diskli boronalardan bo'z, botqoq va bo'tazor yerlarga ishlov berganda chimli palaxsalarni va kesaklarni maydalash hamda o'tzor va o'tloqlarni yaxshilash uchun ishlatiladi [1].

Diskli boronalar vazifasiga ko'ra dalabop, bog'bop va botqoqbop, traktor bilan bog'lanish usuliga qarab osma va tirkalma boronalarga bo'linadi. Diskli boronalar simmetrik va nosimmetrik, og'ir va yengil bo'ladi.

Diskli boronalarda ishchi organ sifatida chetlari o'tkirlangan tekis va botiq sferik disklar qo'llaniladi. Og'ir boronalar kesik disklar bilan jihozlangan.

Disklarning xarakterli ayrim xususiyati shundan iboratki, ular ish jarayonida mashina yoki qurol ramasi bilan ilgarilanma harakat qilishi bilan birga tuproq reaksiyasi ta'sirida ham aylanadi. Ilgarilanma harakat qiluvchi ishchi organlardan farqliroq o'simlik qoldiqlari bilan kam tiqiladi. Ish vaqtida borona katta bo'lmagan palaxsani qirqadi, ularni maydalaydi va qisman ag'darib chetga tashlaydi. Diskli ishchi organli qurollarni qo'llanilishi faqat toshlar bilan ifloslangan tuproqlarda cheklangan, chunki diskning tig'larini mustahkamligi kam bo'lgani uchun ular sinadi, deformatsiyalanadi va tez o'tmaslanadi.

Dalabop diskli boronalar haydalgan dala yuzasidagi chimli palaxsalarni va kesaklarni maydalash, kuzgi shudgorga bahorda ekish oldidan ishlov berish, ba'zi bir hollarda esa ekilmagan shudgorni kultivatsiya qilish, angizga ishlov berish va o'tzorlarni jonlashtirish uchun qo'llaniladi. Ishlov berish chuqurligi 6...10 sm, disklar diametri 450...500 mm, disklar orasidagi masofa 165...180 mm, harakat yo'nalishiga nisbatan diskni o'rnatish burchagi $\alpha = 10...220$.

Odatda, dalabop boronalar ikki izli simmetrik bo'ladi. Ammo oxirgi paytda quvvatli traktorlar bilan agregatlash uchun ikki izli nosimmetrik boronalar ham qo'llanilayapti. Kam quvvatli traktorlar bilan qamrash kengligi kichik bo'lgan osma boronalar qo'llaniladi. Quvvatliroq traktorlar bilan ishlash uchun qamrash kengligi 4 m gacha bo'lgan qattiq konstruksiyali va qamrash kengligi 10 m gacha bo'lgan sharnirli konstruksiyali ramali tirkalma diskli boronalar qo'llaniladi. Bu turdagi boronalar yo'llarda pnevmatik gupchakli g'ildiraklar bilan harakatlantiriladi. Borona ishchi holatdan

transport holatga gidrosilindrlar yordamida o'tkaziladi.

Bog'bop boronalar asosan tirkalma nosimmetrik, bu esa boronani tortish chizig'ini ko'ndalang yo'nalishda siljitishni ta'minlaydi, shuning uchun traktor bu borona bilan bir xil qamrash kenglikdagi simmetrik diskli boronaga nisbatan bog' daraxtlari qatoridan uzoq masofada harakat qilishi mumkin.

Bog'bop boronalar mevali daraxtlar qator oralig'ida tuproqni yumshatish va begona o'tlarni o'ldirish uchun qo'llaniladi.

Bog'bop boronalarining o'rnatish burchagi va disklarining diametri dalabop boronalaridan katta (disklar diametri 560 mm gacha; $\alpha = 15...250$).

Bog'bop borona qayta o'tganda uning ishlov berish chuqurligi 14 sm gacha bo'lishi mumkin.

Og'ir yoki botqoqbop diskli boronalar 25 sm chuqurlikgacha quriltirilgan botqoqlarga birinchi ishlov berish va butazor-botqoq pluglari bilan ko'tarilgan palaxsalarni bo'laklash uchun qo'llaniladi.


Bu turdagi boronalar odatda tirkama ikki izli simmetrik bo'ladi. Ba'zida bir izli osma boronalar ham qo'llaniladi. Disklar orasidagi bo'shliqqa chimlar va bo'talarning shoxlari tiqilib qolmasligi uchun og'ir boronalarining diskleri diametri 560...660 mm, disklar orasidagi masofa esa 230...280 mm. Bu turdagi boronalarda disklarining batareyasi oldida bo'talarning shoxlari yig'ilib qolmasligi uchun kesik disklar o'rnatiladi. Kesiklar uchburchak shaklida bo'lib, disk tig'ining butun uzunligi bo'yicha teng masofalarda joylashgan, ularning soni 8...12. Disklarining o'rnatish burchagi 10...200 [2-3].

Disksimon ishchi organlar konstruksiyalari. Disksimon ishchi organlarning bir necha xil turlari ma'lum bo'lib, ular tuproqqa ishlov berish mashinalarida keng qo'llaniladi.


Quyida birinchi konstruksiyada aylanish tekisligiga paralell tekislikda periferiya qismi lopast shaklida qilingan disksimon ishchi organ taklif qilingan. Uning har bir lopastining oldingi qirradi radius yo'nalishidan uning aylanish tomoniga qiya qilingan. Lopastning oldingi qirradi siniq chiziq ko'rinishida bo'lib, yuqori qismida 900 ni tashkil qiladi.

Beshta qabariq lopastga ega bo'lgan va egri skrebok bilan jihozlangan sferik disk, disksimon pluglarda qo'llanish uchun mo'ljallangan.

Oldingi va keyingi kesish qirralarining boshlang'ich radiusi va logarifmik spiralning o'sish koeffitsienti bir xil. Ushbu diskning kamchiligi shundan iboratki diskning murakkab shaklini yasash texnologiyasi uni narxini oshirib yuboradi, uning tig'i nostandart bo'lgani uchun charxlash o'ta murakkab.




1-rasm. Disksimon ishchi organ: a – kesik sferik diskning umumiy ko'rinishi; b - A-A – diskning kesimi; 1 – disk; 2 – tishlar; 3 – oldingi kesish qirradi; 4 – orqa kesish qirradi.



2-rasm. Oltiburchakli disk sxemasi

Asosan boronalarda foydalanish uchun F-simon «авс» kesikli ishchi organ taklif qilingan (2 va 3-rasm). Kesiklar disk periferiyasida teng intervallarda joylashgan.



3-rasm. Disksimon boronaning ishchi organi.

qishloq xo'jaligi ekinlarini yetishtirishda keng qo'llanilib kelinmoqda. Disksimon ishchi organlar disklarining konstruksiyalarini tahlil qilishda mamlakatimizdagi qishloq xo'jaligi ekinlarini ekish oldidan yerlarga sayoz ishlov berishda sferikli va romashka konstruksiyadagi disklardan foydalanish eng samaralidir.

Kesik «ев» ning kesadigan qirrası radial bo'yicha joylashgan va diskning markazi O dan kesikning chuquri «B» orqali o'tgan to'g'ri chiziq «os» ga tushadi. Ikkinchi kesish qirrası «ав» radius «oc» kichik burchak ostida, mos holda kesish qirrası «ye». Ushbu disksimon ishchi organni uzlukli ariqlar va o'rkachlar hosil qilish uchun qo'llab bo'lmaydi, chunki u o'tgandan so'ng har xil balandlikdagi o'rkachlar yuzaga keladi [4].

Xulosa

Respublikamiz va xorijda ishlab chiqilayotgan diskli borona va pluglar sferik diskli ishchi organi bilan jihozlangan bo'lib, ulardan

ishchi organi bilan jihozlangan bo'lib, ulardan chiqilayotgan diskli borona va pluglar sferik diskli ishchi organi bilan jihozlangan bo'lib, ulardan

ishchi organi bilan jihozlangan bo'lib, ulardan

Adabiyotlar

- [1]. Ishmuradov Sh.U., Xudoyberdiev M.A., Abdumajidov R.B. Qishloq xo'jaligi mashinalarining ishchi organlarini ishlatilishi natijasida yuzaga keladigan nosozliklar va ularning tahlilii // Ishlab chiqarishga innovatsion texnologiyalarni joriy etish va qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanish muammolari: Respublika miqyosidagi ilmiy-texnika anjumanining materiallar to'plami. Jizzax-2020. 167-169 b.
- [2]. Mamatov F.M. Qishloq xo'jaligi mashinalari. – Fan, 2007. – 305 b.
- [3]. Shoumarova M.Sh, Abdilayev T.A. Qishloq xo'jaligi mashinalari.– Toshkent, 2019. – 575 b.
- [4]. Rashidov N.Sh. Nishablik dalalarga ishlov beruvchi chizikli-pog'onasimon plugning kesik diski parametrlarini asoslash. Texn. fan. fals.dokt. ... diss. – Qarshi:, 2021. – 30-32 b.

ЧАНГЛИ ГАЗЛАРНИ ҲЎЛ УСУЛДА ТОЗАЛОВЧИ ҚУРИЛМАЛАР ИШ ПАРАМЕТРЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Г.И. Мадаминава, А.С. Исомидинов

Фаргона политехника институтуи, g.madaminova@ferpi.uz

gmadaminova_87@mail.ru

(Қабул қилинди 20.01.2022 й.)

The article analyzes the wet method of purification of industrial dust gases in devices such as venturi contact element and rotoclone. These devices are used for flue gas cleaning and industrial furnace effluent treatment. Research papers and many patents on the design of devices of this type have been studied. In the studies, the studied parameters were analyzed during the implementation of the process of wet cleaning of dusty gases and the influence of surface contact elements on the parameters of the device was evaluated.

Keywords: dusty gas, wet method, vnturi scrubber, contact element, density, efficiency, resistance coefficient, local resistance, friction resistance.

В статье анализируются мокрый способ очистки промышленных пылевых газов в устройствах типа вентури контактного элемента и ротоклона. Эти устройства используются для очистки дымовых газов и обработки стоков промышленных печей. Изучены исследовательские работы и множество патентов по конструкции устройств такого типа. В исследованиях проанализированы изучаемые параметры при реализации процесса мокрой очистки запыленных газов и оценено влияние поверхностных контактных элементов на параметры устройства.

Ключевые слова: *запыленный газ, мокрый способ, скруббер вентури, контактный элемент, плотность, эффективность, коэффициент сопротивления, местное сопротивление, сопротивление трению.*

Мақолада саноат чангли газларини хўл усулда тозаловчи вентури, контакт элементли ва ротоклон типдаги қурилмалар тахлил этилган. Бу турдаги қурилмалардан саноат печларидан чиқадиган тутун газларини ва технологик чиқинди газларни тозалашда фойдаланилади. Ушбу турдаги қурилмаларнинг конструкциялари бўйича илмий-тадқиқот ишлари ва кўплаб патентлар ўрганилди. Тадқиқотларда чангли газни хўл усулда тозалаш жараёнини амалга оширишда ўрганилган параметрлар тахлил этилди ва юза контакт элементларнинг қурилма параметрларига таъсири баҳоланди.

Калит сўзлар: *чангли газ, хўл усул, вентури скруббер, контакт элемент, зичлик, самарадорлик, қаршилик коэффициентси, маҳаллий қаршилик, ишқаланиш қаршилиги.*

Кириш:

Чангли газларни хўл усулда тозалаш қурилмаларини яратиш ва қўллаш, уларнинг иш кўрсаткичларини ўрганиш ва параметрларини асослаш, шунингдек, қурилмадаги гидравлик қаршиликларни тадқиқ этиш бўйича В.Н. Ужов, Г.М. Алиев, А.Ю. Валдберг, О.С. Балабеков, Л.Ш. Балтабаев, И.А. Радионов, И.М. Кавашнин, Р.Ж.Тожиев, Б.А. Алиматов, И.Т. Каримов, Н.А. Эргашев ва бошқалар тадқиқот ишларини олиб боришган [1,2,3].

Чангли газларни хўл усулда тозалаш қурилмаларида энергия сарфини минималлаш ва тозалаш самарадорлигини ошириш устида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг аксариятида қурилма ишчи параметрларининг гидравлик қаршиликка таъсири ўрганилади. Гидравлик қаршилик қурилманинг контруксион тузилишига боғлиқ ҳолда ҳисоблаш тенгламалари тавсия этилади. Бунинг асосий сабабларидан бири қурилманинг ҳар бир ишчи органларидаги маҳаллий қаршиликлар чангли газ оқимига таъсир кўрсатишини айтиш мумкин. Қурилмага берилаётган чангли газга акс таъсир кўрсатадиган маҳаллий қаршиликлар ўз-ўзидан қурилмадаги босимнинг пасайишига, бу эса ўз навбатида иш унумдорлигининг камайишига ҳамда энергия сарфининг кўпайишига сабаб бўлади. Чанг тозалаш қурилмаларидаги гидравлик қаршиликларни ҳисоблашда бир нечта факторларни ҳисобга олиш зарур. Масалан: газ тезлиги, оқим режими, маҳаллий ва контакт элементининг қаршилик коэффициентлари.

Назарий тадқиқотлар таҳлили:

Шу сабабли қаршилик коэффициентсини аниқлашда Блазиус, Прандтл, Карман, Конаков, Иделчик, Дарси, Вейсбаха, Никурадзе ва бошқаларнинг тадқиқот натижалари асосида тажриба йўли билан топилади [4,5]. Илмий тадқиқот ишларида қаршилик коэффициентсини аниқлаш мураккаблиги сабабли ҳисоблаш ишларида тузатиш коэффициентлари киритилади. Юқорида кўриб ўтилган қурилмаларда гидравлик йўқотишларнинг минимал қийматига эришилган илмий-тадқиқот ишларини кўриб чиқамиз.

Масалан: Вентури скрубберларда гидравлик босим йўқотилиши чанг тозалаш кувирида ва чанг чўктириш камерасида ҳосил бўлади [5,6]. У ҳолда қурилмада умумий йўқотилган гидравлик босим куйидагига тенг бўлади, Па;

$$\Delta p_0 = \Delta p_k + \Delta p_c \quad (1)$$

бунда: Δp_k -чанг ушлаш кувирида йўқотилган босим, Па; Δp_c -чанг чўктириш камерасида (циклон) йўқотилган босим.

Одатда технологик ҳисоблаш ишларида вентури скрубберларининг гидравлик қаршилигини 2500 ÷ 3500 Па гача қабул қилинади. Бунда тозалаш самарадорлиги 99 % етади.

Шарли мавҳум қайнаш қатламли насадкали скрубберларда [5,7] оптимал гидродинамик ишлаш режими газ оқимининг тезлигига боғлиқ бўлиб, у ўз навбатида ишчи суюқликнинг сарфига тўғри пропорционал бўлади. У ҳолда қурилмага кираётган газ тезлигини куйидаги тенглама орқали аниқлаш мумкин бўлади, м/с;

$$\frac{(v'_Г)^2}{gd_{ш}} = cS_0^{1,54} \cdot \exp[-12,6(V_C / V'_Г)^{0,25}] \quad (2)$$

бунда $d_{ш}$ – шарли насадканинг диаметри, м; c – коэффитсиент бўлиб, у тарелканинг қалинлигига (таянч тарелканинг қалинлиги $b = 2$ мм бўлганда $c = 2,8 \cdot 10^3$ ва $b > 2$ мм бўлганда $c = 4,6 \cdot 10^3$) боғлиқ равишда тажриба йўли билан аниқланади.

Шунингдек чангли газнинг максимал рухсат этилган тезлиги, қурилманинг тўлиқ кесим юзасига ҳам боғлиқ, бўшлиқнинг кенглигига боғлиқ эмас ва уни қуйидаги эмпирик тенглама бўйича ҳам аниқлаш мумкин, м/с;

$$V''_Г = 2,9S_0^{0,4} (V_{Ж} / V'_Г)^{-0,15} \quad (3)$$

Бу турдаги қурилмаларда насадка учун қўлланиладиган шарнинг мақбул диаметри 20÷40 мм ва зичлиги 200÷300 кг/м³ танланади. Бунда чангли газ тезлиги 5÷6 м/с бўлади. Бу тезлик ушбу турдаги қурилмалар учун мақбул вариант ҳисобланади.

Н.П.Тюрин ва Д.Н. Ватузовларнинг [8] уюрмали чанг тозаловчи қурилмада ўтказилган экспериментал тадқиқотларида асосий эътибор вентури қувиридаги газ оқими тезлиги ва суюқлик томчиларининг майдланиш даражасига ҳамда қурилма гидравлик қаршилигини аниқлашга қаратилган. Экспериментал тадқиқотлар тезлиги паст вентури трубада олиб борилган.

Трубадаги ҳаво оқими ҳаракатининг тезлигини қуйидаги функция билан ифодалаш мумкин бўлади;

$$v_n = f(v_{з.а} \cdot P_3) \quad (4)$$

бунда $v_{з.а}$ – зарралар айланиши тезлиги, м/с; P_3 – зарралар зичлиги, кг/м³.

Ушбу функцияга таянган ҳолда вентури қувиридаги газ тезлигини аниқловчи қуйидаги тенглама тавсия этилган, м/с;

$$(v_n \cdot \pi \cdot d_n^2) / 4 = (v_2 \cdot \pi \cdot d_2^2) / 4 \quad (5)$$

Вентури трубадаги умумий гидравлик қаршиликни қуйидаги тенглама бўйича аниқлаш тавсия этилган, Па;

$$\Delta P_B = \Delta P_{конф} + RL_{Г} + \Delta P_{диф} \quad (6)$$

бунда $\Delta P_{конф}$ - конфузордаги гидравлик қаршилик, Па; P -горловинадаги гидравлик қаршилик, Па/м; L_2 – горловина узунлиги бўлиб, уни d_n га тенг деб қабул қилинган, м; $\Delta P_{диф}$ - диффузордаги гидравлик қаршилик, Па.

(1.6) тенгламага Дарси-Вейсбаха тенгласини қўллаб. қуйидаги тенглама олинган, Па;

$$\Delta P_B = \xi_{конф} \frac{v_2^2 \rho}{2} + RL_{Г} + \xi_{диф} \frac{v_2^2 \rho}{2} \quad (7)$$

бунда $\xi_{конф}$ - конфузорнинг маҳаллий қаршилик коэффитсиенти; $\xi_д$ - диффузорнинг маҳаллий қаршилик коэффитсиенти.

(7) тенглама $\Delta P_B = f(D_2)$ функция ва геометрик қийматларнинг қабул қилинган нисбатида минимал бўлиши аниқланган. Тажрибаларда горловинадаги гидравлик қаршилик ($PL_{Г}$) сезиларсиз бўлиши аниқланган. Шу сабабли уни ҳисоблаш ишларида эътиборга олинмаган.

Ўтказилган экспериментал тадқиқотлар 0,986 г/см³ зичликдаги диоктилфталатда (рухсат этилган меъёр талаби 100÷200 мг/м³) олиб борилган. Экспериментал тадқиқотларда Рейнолдс сони $2300 < Re < 34000$ оралиғида, гидравлик қаршилик 1200÷1600 Па бўлиши аниқланган. Тадқиқот ишида мақбул параметр сифатида гидравлик қаршилик 1300 Па ва тозалаш самарадорлиги 94% белгиланган.

Б. А. Алиматов ва Н.А. Эргашевларнинг [9] ҳўл усулда чанг ушловчи ва газ тозаловчи қурилмасида ўтказган экспериментал тадқиқотларида гидравлик қаршиликнинг тозалаш самарадорлигига ҳамда энергия истемолига таъсири контакт элемент парраклари қиялик

градусларининг турли қийматларида тадқиқ этилган. Тадқиқотларда қурилманинг умумий гидравлик қаршилигини аниқловчи қуйидаги тенглама тавсия этилган, Па;

$$\Delta P = \frac{\rho_{ap}}{2} \left(\frac{0.316\omega_1^2 l}{d_3 \sqrt[4]{Re}} + \Delta k \frac{4\pi R^2}{nab \sin \beta} v_2^2 \right) \quad (8)$$

Ҳосил қилинган (8) тенглик орқали қурилмадаги умумий гидравлик қаршилиқни аниқлаш имкони яратилган.

Тадқиқот учун «Қувасойкварц» АЖ нинг ҳам-ашё бўлимида ҳосил бўладиган кварц қуми ва доломит чанги танланган. Танланган чанглари асосий физик ва кимёвий характеристикаларидан келиб чиқиб тажриба синовлари ўтказилган. Унга кўра 1 м^3 ҳаво таркибидаги чангнинг миқдори ГОСТ-22551-77 бўйича кварц қуми чанги учун $345,4\text{ мг/м}^3$, ва ГОСТ-23672-79 бўйича доломит чанги учун $360,3\text{ мг/м}^3$ танланган. Тажрибаларда ўзгарувчи омилининг қийматлари суюқлик сарфи $K_c = 0,07 \div 0,253\text{ м}^3/\text{соат}$; $0,071 \div 0,295\text{ м}^3/\text{соат}$; $0,072 \div 0,327\text{ м}^3/\text{соат}$, штурер тешигининг диаметри $d_{ш} = 2\text{ мм}$; $2,5\text{ мм}$; 3 мм , газ тезлиги $v_r = 7,07\text{ м/с}$ \div $28,37\text{ м/с}$ гача оралик қадам 4 м/с , газ оқимиға уюрмалли ҳаракат берувчи контакт элементнинг ишчи органи қиялиги $\alpha = 30^\circ$; 45° ва 60° , газ зичлиги кварц қуми чанги ва газ аралашмаси учун $\rho_{ap} = 1,89\text{ кг/м}^3$ ҳамда доломит чанги ва газ аралашмаси учун $\rho_{ap} = 2,13\text{ кг/м}^3$ этиб белгиланган.

Қурилманинг оптимал параметрларини аниқлаш мақсадида математик режалаштириш усули қўлланилган ва PLANEX дастури асосида қуйидаги регрессия тенгламалари олинган;

Қурилмада кварц қуми чангини тозалаш самарадорлиги бўйича қуйидаги регрессия тенгламаси олинган, %

$$Y1 = +99,347 + 0,172X1 + 2,570X2 + 0,000X3 - 0,370X4 + 0,000X1X1 + 0,000X1X2 + 0,406X1X3 - 0,274X1X4 - 2,369X2X2 + 0,338X2X3 - 0,252X2X4 + 0,000X3X3 - 0,331X3X4 + 0,000X4X4 \quad (9)$$

Қурилмада доломит чангини тозалаш самарадорлиги бўйича қуйидаги регрессия тенгламаси бўйича олинган, %

$$Y1 = +99,827 + 0,187X1 + 2,031X2 + 0,145X3 - 0,217X4 + 0,067X1X1 - 0,085X1X2 + 0,166X1X3 + 0,000X1X4 - 1,963X2X2 + 0,200X2X3 - 0,386X2X4 - 0,186X3X3 + 0,000X3X4 - 0,145X4X4 \quad (10)$$

Шу билан бирга, Андерсен Б.О., Ниелсен Н.Ф., Валтхе Ж.Х., Касаткин А.Г., Нечаев Ю.Г., Есипов Г.П., Е.М. Михалчук Е.М. С.В.Сорокопудларнинг чангли газларни ҳўл усулда тозалаш бўйича олиб борган илмий тадқиқот ишлари натижаларини таъкидлаб ўтиш керак, бунда сув билан чангли газларни контакт элементдан фойдаланиб тозалаш самарадорлиги анча юқори (98-99 %) эканлиги кўрсатилган.

Хулоса:

Юқорида ўрганилган илмий-тадқиқот ишларидан мақбул тузилмани танлаш ва унинг конструкциясини такомиллаштириш учун MATLAB дастури асосида тизмилли таҳлил ўтказилди [10]. Олинган натижавий хулосалар шуни кўрсатдики ҳўл усулда чанг ушловчи барабанли қурилмалар танланди.

Лекин шу билан бирга энергия сарфининг юқорилиги, бу соҳада кичик гидравлик қаршилиқ ва кам энергия сарфида юқори тозалаш самарадорлигига эришиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни тоқозо этади.

Адабиётлар

- [1]. Исомидинов А.С. Разработка эффективных методов и устройств очистки пылевых газов химической промышленности: Дисс. ... PhD. – Ташкент, 2020. – 118 с.
- [2]. Тожиев Р.Ж., Каримов И.Т., Исомидинов А.С. Чангли газларни ҳўл усулда тозаловчи қурилмани саноатда қўллашнинг илмий-техник асослари: Монография. ФарПИ "Илмий-техника" журнали нашриёт бўлими-Фарғона 2020. – 91 б
- [3]. Мадаминова Г. И., Тожиев Р. Ж., Каримов И. Т. Барабанное устройство для мокрой очистки запыленного газа и воздуха //Universum: технические науки. – 2021. – №. 5-4 (86). – С. 45-49.

- [4]. Вальдберг А.Ю., Николайкина Н.Е. Процессы и аппараты защиты окружающей среды. – М. : Дрофа, 2008. –239 с.
- [5]. Isomidinov A. et al. Application of rotor-filter dusty gas cleaner in industry and identifying its efficiency //Austrian Journal of Technical and Natural Sciences. – 2019. – №. 9-10.
- [6]. Исомидинов А. С. Исследование гидравлического сопротивления роторно-фильтрующего аппарата //Universum: технические науки. – 2019. – №. 10-1 (67).
- [7]. Rasuljon, T., Azizbek, I., & Abdurakhmon, S. (2021). Research of the hydraulic resistance of the inertial scrubber. Universum: технические науки, (7-3 (88)), 44-51.
- [8]. Домуладжанов И. Х., Мадаминова Г. И. Вредные вещества после сухой очистки в циклонах и фильтрах //Universum: технические науки. – 2021. – №. 6-1 (87). – С. 5-10.
- [9]. Исомидинов А. С., Давронбеков А. А. Исследование гидродинамических режимов сферической углубленной трубы //Universum: технические науки. – 2021. – №. 7-1 (88). – С. 53-58.
- [10]. Isomidinov A. S., Madaliev A. N. Hydrodynamics and aerodynamics of rotor filter cleaner for cleaning dusty gases //LI International correspondence scientific and practical conference" international scientific review of the problems and prospects of modern science and education". – 2018. – С. 29-32.

КЎП ҚИРРАЛИ ВАФЕЛ ЎРИЛИШЛИ ТЎҚИМАЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ФИЗИК-МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИ ТАҲЛИЛИ

А.М. Акрамов

Наманган муҳандислик-технология институти
e-mail:a.akramov@mail.ru, tel: +99(893) 405 8003
(Қабул қилинди 21.01.2022 й.)

This article is devoted to the technological parameters of tissues, the physical and mechanical properties of tissues and their comprehensive assessment and analysis.

Keywords: wafer, surface density, bulk density, capillarity, polygonality.

Данная статья посвящена технологическим параметрам тканей, физико-механическим свойствам тканей и их комплексной оценке и анализу.

Ключевые слова: вафельное переплетение, поверхностная плотность, объемная плотность, капиллярность, полигональность.

Мазкур мақолада вафел ўрилишлари асосида кўп қиррали вафел ўрилиши тўқималарнинг технологик кўрсаткичлари, тўқималарнинг физик-механик хоссалари ва уларни комплекс баҳолаш ва уларни таҳлил қилишга бағишланган

Таянч сўзлар: вафел, сирт зичлиги, ҳажмий зичлик, капелярлик, кўп қиррали.

Кўп қиррали вафел ўрилишлар асосида “VAMATEX” русумли тўқув дастгоҳида ишлаб чиқарилган тўқиманинг юза зичлиги анъанавий равишда хомашё сарфи мезони бўйича ҳисобланади. Вафел ўрилишли тўқиманинг оғирлик кўрсаткичлари бир погон метр, метр квадрат ва ҳажмий оғирликлардир.


Турли тузилишга эга бўлган кўп қиррали вафел ўрилишли тўқималарнинг оғирлик кўрсаткичлари ҳар бир намуна учун турлича бўлиб, куйида ҳар бир намуналар учун оғирлик кўрсаткичларининг қийматлари ва ҳисоби келтирилди. Аниқланган тўқималарнинг сирт зичлиги ва ҳажмий зичлиги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ишлаб чиқарилган намуналарнинг оғирлик кўрсаткичлари

Намуналар	Бир погон метр тўқимани оғирлиги, г/м	Бир квадрат метр тўқимани оғирлиги г /м ²	Тўқиманинг ҳажмий зичлиги мг/ мм ³
Амалдаги	261	141	0,064
1-намуна	322	174	0,079
2-намуна	327	177	0,084
3-намуна	342	185	0,083

Мазкур жадвалдан кўришимиз мумкинки, амалдаги тўқимага нисбатан тавсия этилаётган кўп қиррали вафел ўрилишларнинг оғирлиги юқорироқ. Бу, танда ва арқоқ йўналишида қопланишлар сони кўпайгани ва қўшилган ипларнинг йўғонлиги билан изоҳланади.



1-расм.Синов намуналари ҳаво ўтказувчанлигини хом ва оқартирилган ҳолатдаги ўзгариши.


Маълумки, вафел ўрилишли тўқимасининг юза зичлигини ошиши, унинг физик-механик хусусиятлари ўзгаришига олиб келади.

Ишлаб чиқарилган намуналарнинг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятлари НамМТИ қошидаги “Тўқимачилик” синов лабораториясида стандарт усулда аниқланди.

Намуналарнинг ҳаво ўтказувчанлиги тўқиманинг хом ва оқартирилган ҳолатида алоҳида-алоҳида синаб, ГОСТ 12088-77 асосида тажрибалар ўтказилди ва натижалар куйидаги 3- жадвалда келтирилган.

Диаграммадан кўриниб турибдики, барча тўқима намуналарининг ҳаво ўтказувчанлиги хом ҳолатга нисбатан оқартирилган ҳолатда камайганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, хом ва оқартирилган амалдаги 60,8 (48,6 оқартирилган) см³/см²/секунд) намунанинг ҳаво ўтказувчанлигига нисбатан янги кўп қиррали вафел ўрилишли тўқималарнинг барча намуналариники паст.

Синов намуналарининг ишқаланишга чидамлик хоссасини ГОСТ 12088-77 асосида синов тажрибалари ўтказилди ва амалдаги вафел ўрилишли сочиқбоп тўймалар билан қиёсий таққосланди.



2-расм. Синов намуналарининг ишқаланишга чидамлиги.


Диаграммадан кўриниб турибдики, хом тўқима намуналарида кўп қиррали вафел ўрилишли тўқималарни ишқаланишга чидамлиги амалдаги вафел ўрилишига нисбатан юқорилигини кўриш мумкин, бунинг сабаби кўп қиррали вафел ўрилишли тўқималарда қопламлар сони қўшилиши ва ўрилиш раппортида танда ёки арқоқ ипларини ошишидир.

Шунингдек, оқартирилган намуналарда ҳам кўп қиррали вафел ўрилишли тўқималарни ишқаланишга чидамлилиги амалдаги вафел ўрилишига нисбатан юқорилигини кўриш мумкин.

Амалдаги ва кўп қиррали вафел ўрилишли сочиқбоп тўқималарни капиллярлиги ГОСТ 11027-2014 асосида тажрибалар ўтказилди.

Газламаларнинг капиллярлиги тўқимачилик матоларининг гигроскопик хоссаларининг энг муҳим хусусиятидир. Матоларнинг капиллярлик хоссаларини аниқлаш учун 30x5 см намуна 30 дақиқа давомида эозин суюқлиги бор сувга солинади. Шу вақтнинг ичида суюқликнинг кўтарилиш баландлиги аниқланади. Газламаларнинг капиллярлиги махсус асбоб ёрдамида аниқланади. Бу асбобда бир вақтнинг ўзида (30x5) олти намуна синаш мумкин. Намунанинг бир учини юқоридаги қисқичга маҳкамланади. Бу қисқич рамага бириктирилган намуналарни жойлаштиришдан олдин идишга 1 литр эозин аралашмали сув солинади. Намунанинг пастки учига қўшимча юк осилади ва ундан сўнг пастки қисмини игнали планкага бириктирилади. Кейин юк олиб ташланади. Шунда намуна учи сувга тегиб туради. Намуналарда сувни кўтарилишини аниқлаш учун 30 смли чизгич маҳкамланади. Маълум вақтдан сўнг, сувнинг кўтарилиш баландлигини аниқланади.

Матонинг капиллярлик хоссаларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари 3-расмда келтирилган.



3-расм. Намуналарнинг капиллярлиги графиги.

Намуналарни танда бўйича капиллярлик кўрсаткичи (3-расм) амалдаги ва 1-намуна кўрсаткичлари ўзаро яқин. Графикда 2-намуна қолган намуналарга нисбатан силлиқ кўринишда, бунинг сабаби, рапортга арқоқ йўналиши бўйича ип қопланишларини кўшилганлиги ва танда ипининг чизиқли зичлиги $T_T=18,5 \times 2$ текс, арқоқ ипининг чизиқли зичлиги эса $T_a=27$ тексга тенглиги билан изоҳланади.

Кўп қиррали вафел ўрилиш намуналари оқартириб ювилгандан сўнг узилишдаги узайиши стандарт талаби асосида аниқланган ва юқоридаги гистограммада келтирилган. Бундан кўриниб турибдики, арқоқ бўйича 3-намуна кўрсаткичи $l_3= 53,8$ мм; юқори $l_1= 51,1$ мм; $l_2= 47,3$ мм қараганда. Бунда ҳам ипининг чизиқий зичлиги арқоқ бўйича анча кичиклиги билан изоҳланади.

Тадқиқот жараёнида янги кўп қиррали вафел ўрилишли сочиқбоп тўқималарни энг мақбул вариантини аниқлаш мақсадида тўқима сифатини комплекс баҳолаш диаграммаси ва гистограммасидан фойдаланилди.


Комплекс баҳолаш кўрсаткичлари мезони асосида ГОСТ талаби бўйича энг яхши ўрганилган кўрсаткичларни ифодаловчи энг катта контур - доирани ифодалайди. Комплекс баҳолаш диаграммасини қуриш учун вафел ўрилишли сочиқбоп тўқима ва 3 хил намунадаги янги кўп қиррали вафел ўрилишли сочиқбоп тўқималарни технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларидан олинган натижалар асосида амалган оширилди.

Янги кўп қиррали вафел ўрилишли сочиқбоп тўқималардан юқори сифатли намунасини аниқлаш учун кўрсаткичларни комплекс баҳолаш диаграммасидан

фойдаланилди. Комплекс баҳолаш диаграммасида сифат кўрсаткичлари уни ташки контури вафел ўрилишли сочиқбоп тўқималар юқори сифат кўрсаткичларига эга эканлигини кўрсатади. Қурилган диаграммада контур чизиқлари қанча ташқарига яқин бўлса, вафел ўрилишли сочиқбоп тўқималарини сифати шунча яхши бўлади. Таҳлил натижалари асосида вафел ўрилишли 8 қиррали танда қопламлари кучайтирилган 3 намуна тўқимасини кўрсаткичлари юқори эканлиги тасдиқланди.

Вафел ўрилишли сочиқ маҳсулотларининг гигроскоплиги энг муҳим хоссаларидан бири ҳисобланади. Чунки сочиқ тўқимаси ўзига сувни шимиши ва чиқиши орқали ўзига инсон кўлини ёки намликни олиш орқали белгиланган мақсадга эришиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда амалдаги ва янги кўп қиррали вафел ўрилишли сочиқбоп



4-расм.Кўп қиррали вафел ўрилишли сочиқбоп тўқима хусусиятларини комплекс баҳолаш диаграммаси.

тўқималарнинг комплекс баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинганда, энг юқори сифат кўрсаткичлари 3-намуна, яъни, танда ва арқоқ йўналишида марказдаги қопланиш қаторларини ошириш орқали ҳосил қилинган кўп қиррали вафел ўрилишли намунага тегишли эканлиги кўриниб 3 намуна вафел ўрилишли тўқима энг яхши хусусиятли тўқима ҳисобланди.

Адабиётлар

- [1]. Е.Ш.Алимбаев, Тўқима тузилиши назарияси. – Ташкент: “Алоқачи”. -2005.–97-99.б
- [2]. Букаев П. Т. Оптимизация процесса ткачества на бесчелночных станках. - М. Легпромбытиздат, - 1990. -176 с.
- [3]. Г.Б.Дамьянов, Ц.З.Бачев, Н.Ф.Сурнина. Строение ткани и современные методы ее проектирования.// М.: Легкая и пищевая промышленность.1984.ст-46-47.

УДК 677.074.162.73

**O'ZBEK MILLIY AVRLI GAZLAMALARGA YANGI TURDAGI NAQSH
DIZAYNLARINI ISHLAB CHIQISH**

M.O. Umarova¹, G.N. Ergashova², P.S. Siddiqov²

¹Farg'ona politexnika instituti, ²Toshkent to'qimachilik va yengil sanoat institute,
munavvar.omonbekovna. @ gmail.com, ergashovagulizebo@gmail.com
(Qabul qilindi 9.04.2022 y.)

This article presents a new design that differs from the existing design of national lamps, which was developed using a new directional mixed type, that is, symmetrical and asymmetrical patterns

Key words: fabric, national, design, pattern, awkward, symmetrical, asymmetrical, pomegranate, almond, pepper, loop, dynamic, static.

В этой статье представлен новый дизайн, отличающийся от существующего дизайна национальных светильников, который был разработан с использованием нового направленного смешанного типа, то есть симметричных и несимметричных узоров

Ключевые слова: ткань, национальный, дизайн, узор, несуразный, симметричный, несимметричный, гранатовый, миндальный, перцовый, петелька, динамичный, статичный.

Ushbu maqolada mavjud milliy avrli gazlamalar dizaynidan farqli bo'lgan, yangicha yo'nalishli aralash tipdagi ya'ni simmetrik va nosimmetrik naqshlarni qo'llash usuli bilan yaratilgan yangi dizayn keltirilgan.

Kalit so'zlar: Gazlama, milliy, dizayn, naqsh, avrli, simmetrik, nosimmetrik, anor, bodom, qalampir, ko'zmunchoq, dinamik, statik.

Bugungi kunda o'zbek milliy matolarning turlari kengayib bormoqda va shu bilan birga bu matolarga bo'lgan talab hamda qiziqish Respublikamiz va chet mamlakatlarda ham borgan sari oshib bormoqda. To'qimalarga naqsh tushirishning bir qancha usullari mavjud[1] :

1. Bosma usulda naqsh hosil qilish
2. Avrband usulida
3. Tikish usulida
4. To'quv o'rinishida (oddiy va jakkard usulida)
5. Batik usulida

Keltirilgan usullarni barchasini o'ziga xos naqsh hosil qilish texnologiyasi mavjud[2].

Avrli gazlamalardan aynan atlas va adras matolariga e'tibor qaratahdigan bo'lsak tanda iplariga naqsh chizib bo'yash, avrband usuli orqali turli xil naqshlar hosil qilinib olinadi. Bu jarayonda faqatgina tanda iplari turli xil kerakli ranglarda tabiiy bo'yoqlar bilan bo'yaladi. Arqoq ipi sifatida esa bir xil rangdagi ip ishlatiladi [3]. Avrli matolardagi ranglarga e'tibor qaratahdigan bo'lsak ko'plab yorqin ranglarning bir-biriga uyg'un holatda to'liq bir kompazetsiyani hosil qilganligini ko'rishimiz mumkin. Har bir naqshdagi ranglar o'zaro ranglar aralashib ketmagan holda "Ikat" uslubini namoyon etadi. Bu texnologik jarayon murrakkab va ko'p bosqichli hisoblanib to'quvchidan ko'p mehnat talab etadi [4].

O'zbek milliy matolari ichida avrli gazlamalar ishlab chiqarish texnologiyasi, tashqi ko'rinishi, gazlamaga ishlatiladigan xomashyo tarkibining va bo'yoqlarning tabiiyligi jihatdan ham alohida o'rin tutadi.

Avrli gazlamalarda qo'llaniladigan ranglar yorqin va ushbu ranglarning son jihatdan turlari ko'pligini ham ko'rish mumkin. Aynan shu jihatdan olib qaraganda milliy avrli gazlamalarni ishlab chiqarishda dizaynirning vazifasi muhim hisoblanadi. Sababi matodagi naqsh avrli gazlamalarda boshqa turdagi to'qimalardan farqli tanda iplariga chiziladi va bu jarayonda rang turlari ikki va undan yuqori bo'lish bilan bir qatorda ranglarning o'zaro bir-biri bilan tushishi hamda estetik jihatdan insonga yaxshi ta'sir qilishi inobatda olinadi. Avrli gazlamalardagi naqshlarning yana bir muhim jihatlari bu, ishlatilgan naqshlar milliylikimizdan darak berib turishi ham alohida o'ringa ega. Quyidagi 1-rasmda biz bir necha turdagi milliy avrliy matolarimizni ko'rishimiz mumkin.




1-rasm. Milliy avrli gazlamalar.

Milliy avrli matolar viloyatlar bo'yicha o'zining naqshlari, ishlatilgan ranglari jihatidan bir biridan farq qiladi. Masalan, Farg'ona adras - atlaslari Samarqand yoki Buxoroni avrli gazlamalariga o'xshamasligi mumkin. Ammo ishlab chiqarishda yo'nalish bir xil bo'lishini ko'rish mumkin. Milliy matolarimizga talab oshgani sari hunarmandlar, milliy avrli matolar ustida ishlaydigan dizaynirlardan ham yangiliklar,

o'zgacha ko'rinishdagi avrli matolar kutiladi. Bu esa aynan shu soha vakillarini o'z ustida yanada ko'proq ishlashini talab etadi. Shundan kelib chiqqan holatda aynan milliy matolardagi naqsh dizaynlarini turlarini ko'paytirish va yangiliklar kirish ustida ilmiy ishlar olib borilmoqda.

Mavjud avrli gazlamalardagi naqshlarga e'tiborimizni qaratadigan bo'lsak, undagi naqshlar holati statik va o'zaro joylashuvi esa semmitrikligini ko'rishimiz mumkin. Bunda avrband usulida tanda iplari bo'yalgandan so'ng to'quvchilikka keltirilgandan keyin to'quvchilar iplarni yorma usulini qo'llash natijasida naqsh raporti mato eni va bo'yi bo'yicha bir necha marta takrorlanishiga sabab bo'ladi. Bu usulda tayyorlangan avrli tanda ipida va tayyor gazlamani eni bo'yicha naqsh raporti $R_{naqsh.r}$ quyidagicha aniqlanishi mumkin.

$$R_{naqsh.r} = R_{naqsh.r.1} + R_{naqsh.r.2} + \dots + R_{naqsh.r.n} / n ; \quad (1)$$



1-bodom, 2-anor, 3-ko'zmunchoq, 4-qalampir naqshlari
2-rasm. Simmetrik va nosimmetrik bo'lgan naqshlarni birgalikda qo'llash usulida yaratilgan "Aralash" tipdagi yangi naqsh.

bunda, $R_{naqsh.r.1}$ – birinchi naqsh raporti; $R_{naqsh.r.2}$ – ikkinchi naqsh raporti; $R_{naqsh.r.n}$ – n ta naqsh raporti ; n – to'qima eni bo'yicha naqsh raportlar soni.

Agar tanda iplariga yorma usulni emas "Tashlama" usulini qo'llasa bunda umuman boshqacha ko'rinish ya'ni gazlamada naqsh raporti bir marta tushadi. "Tashlama" usulida tayyorlangan avrli gazlama naqsh raporti $R_{naqsh.r}$ ni bu holda quyidagi formulada oddiy aniqlanadi.

$$R_{naqsh.r} = 1 \quad (2)$$

bunda, 1- naqsh raportining to'qima eni bo'yicha qaytarilishlar soni o'zgarmas 1 ga teng.

Bundan tashqari naqshlar joylashuvini statik holatdan dinamik holatga o'zgartirib ham avrli matolar dizayniga boshqa bir yo'nalishni olib kirish mumkin va bu ustida ilmiy ishlar olib borilmoqda.

Endilikda biz taklif etayotgan dizayn sitatik va dinamik holatdagi naqshlarni bir matoga jamlash va aynan mana shu yo'nalishni avrli matolarda

qo`llashdan iborat.

Quyidagi 2-rasmda simmetrik va nosimmetrik bo`lgan naqshlarni birgalikda qo`llash usulida yaratilgan "Aralash" tipdagi yangi naqsh keltirilgan.



3- rasm. Yangi aralash tipdagi naqshli avrli gazlamani ayollar libosi holatdagi ko`rinishi.

Yuqorida keltirilgan yangi naqsh dizaynida ishlatilgan naqshlar ikki guruhga bo`lish mumkin.

1- guruh: o`zaro simmetrik joylashgan naqshlar. Bular: anoq va bodom naqshi.

2- guruh: o`zaro nosimmetrik holatdagi naqshlar. Bular: ko`zmunchoq va qalampir naqshi.

Quyidagi 3-rasmda yangi aralash tipdagi naqshli avrli gazlamani ayollar libosi holatdagi ko`rinishi keltirilgan.

Yaratilgan yangi dizayn avrli gazlamalarda qo`llanganda yangicha ko`rinish hosil bo`ladi va bu milliy matolarga bo`lgan qiziqish yanada oshishiga sabab bo`ladi. Ushbu naqsh dizaynidagi avrli gazlamadan kiyim tikish jarayonida tikuvchiga ham bir muncha qulaylik yaratadi. Sababi, libos bichish jarayonida naqshlarning bir-biriga moslashtirib bichilishida simmetrik naqshlarni buzilishini va bu jarayonda matodan chiqindi ko`p chiqishini kuzatishimiz mumkin. Yangi aralash tipdagi dizaynli avrli gazlamada esa bichish va tikish

jarayonlarida naqshlarni o`zaro joylashuvi katta ahamiyatga ega bo`lmaydi va bu nisbatan chiqindi kamayishi va bichish tikish ishlarini yengillashishiga sabab bo`ladi.

Xulosa:

Yangi turdagi milliy avrli gazlamalar uchun yaratilgan aralash tipdagi naqsh dizayni simmetrik va nosimmetrik bo`lgan dinamik hamda statik holatdagi milliy naqshlarni o`zaro mostlab qo`llash orqali chizilgan. Ushbu naqsh dizaynini barcha turdagi milliy matolarga qo`llash mumkin.

Adabiyotlar

- [1]. Hasanbayeva G. To`qimachilik dizayni tarixi: O`quv qo`llanma. O`zR Oliy va o`rta maxsus ta`lim vazirligi, Toshkent To`qimachilik va yengil sanoat instituti.-T.: "IQTISOD-MOLIYA", 2006 y.
- [2]. Siddiqov P.S. To`qimachilik mahsulotlari texnologiyasi va jihozlari. Darslik, "Fan va texnologiyalar" . Toshkent-2012 y. 57b.
- [3]. Siddiqov P.S., Umarova M. O. About form libit and methods determination parameter wind threads of the base on libit-warping drum. SJIF Impact Factor: 6. 260| ISI I.F.Value:1. 241| Journal DOI: ISSN: 2455-7838 EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). INDIA, 5.03.2020. p.100-102
- [4]. Siddiqov P.S. Beninger "Ben tronik" Elektron tandalash mashinasiga tavsif. Metodik qo`llanma. TTYeSI,2002. - 23 b.

XOMAKI DETALGA DUMALATIB ISHLOV BERISHDAN KEYIN TOKARLIK
ISHLOVIDA KESISH CHUQURLIGINI HISOBLASH

D.A. Valixonov

Farg'ona politexnika instituti, valixonov.dostonbek@gmail.com
(Qabul qilindi 4.02.2022 y.)

In this work, considering the treatment of the cutting tool as another manifestation of the process of controlled decomposition in hard polymeric materials, a new solution to the problem of improving the quality of the machined surface by the method of initial rolling of the rough part on the basis of the thermofluctuation theory of decay. The essence of this method is that the polymer sketch part intended for lathe processing is first processed by the method of initial rolling.

Keywords: cutter, scraper, tumor, bench, press, deformation, mold, polymer, fluoroplastic, composite, rhythm, head.

В данной работе, рассматривая механическую обработку режущего инструмента как еще одно проявление управляемого процесса декомпозиции в твердых полимерных материалах, предлагается новое решение задачи повышения качества обрабатываемой поверхности методом начальной прокатки эскизной детали на основе термофлуктуационной теории распада. Суть этого метода заключается в том, что предназначенную для токарной обработки полимерную эскизную деталь предварительно обрабатывают методом начальной прокатки.

Ключевые слова: резак, скребок, опухоль, верстак, пресс, деформация, пресс-форма, полимер, фторопласт, композит, ритм, кулачок, головка.

Bu ishda kesuvchi asbob bilan ishlov berishni qattiq polimer materiallarda boshqariladigan yemirilish jarayonining boshqa bir ko'rinishi sifatida qarab, yemirilishning termofluktatsion nazariyasi nizomi asosida xomaki detalga dastlabki dumalatib ishlov berish usuli bo'yicha yo'nib ishlov berilgan yuzaning sifatini oshirish vazifasini yangicha hal qilish ko'rsatilgan usulning mohiyati shundan iboratki, tokarlik ishlov berishga mo'ljallangan polimer xomaki detalga avvalo dastlabki dumalatish usuli bilan ishlov beriladi.

Kalit so'zlar: Keskich, qirindi, o'simta, dastgox, press, deformatsiya, qo'yim, polimer, ftoroplast, kompozit, marom, kulachok, kallak.

Sirtqi deformatsiyalanish hisobiga material tuzilmasida shunday o'zgarish yuz beradi: kimyoviy bog'lanishlarning bir qismi parchalanadi, bir qismi kuchayadi. Bu polimer bog'lanishlarning faollashtirish energiyasi pasayishiga olib keladi va material yuza qatlamining kesuvchi asbob bilan o'zaro ta'siri kesish kuchining pasayishiga olib keladi, chunki kesilayotgan qatlamning deformatsiyalanish jarayoni oldin yemirilish zonasi hosil bo'lganligi hisobiga yengillashadi. Mikroyoriqlar o'lchamlari va plastik deformatsiya zonasi kesuvchi plastina oldida materialning kesilayotgan joyida kichrayadi, magistral (asosiy) yoriq kesish chizig'i bo'ylab turg'un rivojlanish yo'nalishi kasb etadi, bu ishlov berilgan yuza sifat ko'rsatkichlarining ortishi sharti hisoblanadi, chunki o'yiqlar, siniqlar va shunga o'xshash nuqsonlarning kesib ishlov berilayotgan materialda hosil bo'lish extimoli kamayadi.

Ishlov berilgan yuza sifatiga ishlov berish rejimlari ta'sir ko'rsatadi: tutashishdagi o'rtacha bosim ρ ; tutashish maydoni F_k ; ishlov berilayotgan yuzaga asbob tamonidan ta'sir etuvchi me'yoriy kuch kattaligi P_H ; deformatsiyalovchi asbob o'lchamlari, bo'ylama surish S va dumalatish tezligi V , dumalatish ma'romlarini detalga qo'yilgan talablarga qarab belgilanadi. Shu bilan birga, texnologik xaritalarda ishlov berish jarayonida osongina nazorat qilinadigan bunday ishlar ko'rsatilishi kerak.


Dumalatish ma'romlarini detalga qo'yilgan talablarga qarab belgilanadi. Bunda texnologik xaritalarda ishlov berish jarayonida nazorat qilish qulay maromlar ko'rsatilgan bo'lishi kerak. Ularga eng avvalo, meyoriy kuch, uzatish va deformatsiyalovchi asbobning o'lchamlari kiradi.

Xomaki detalga dumalatib, silliqlab ishlov berishda ta'sir etuvchi kuchlar.

Deformatsiyalashda ta'sir etuvchi tashqi kuchlar faol, antifaol va ishqalanish kuchlarga bo'linadi [1]. Ishqalanish kuchi ba'zi holatda faol (masalan prokatlashda), boshqa holatlarda orqaga

tepuvchi kuch bo'lishi mumkin (masalan cho'ktirishda). Tekislash uchun ishlov berishda faol kuchlar detallarni aylanishi bilan (tokarlik dastgoxida ishlov berish) detalning stol bilan birga harakati orqali yoki dumalovchi kallakning aylanishi bilan hosil qilinadi. SHunday qilib tekkislashda faol kuchlar urinma kuchlar hisoblanadi. Bunday xollarda bosim maydoni deformatsiyalash jarayonida o'zgarmay qoladi. Reaktiv kuchlar asbobning ishchi yuzasiga tik yo'naltirilgan bo'ladi.

Deformatsiya o'chog'ida yuz berayotgan jarayonlar meyoriy va urinma kuchlarning taqsimlanishi va kattaligi hususiyati bilan aniqlanadi. Chunki dumalatib tekkislash jarayoni ishqalanish va tebranish ma'romlarida amalga oshiriladi, me'yoriy kuchlanishlar asosiy miqdorga



2.1-chizma. Dumalatib tekislashda ta'sir etuvchi kuchlar sxemasi.

ega bo'ladi. Deformatsiya o'chog'ida talab qilinadigan kuchlanishni olishni ta'minlovchi kuchning kattaligi, uning miqdori va ulanish maydonining o'lchamlariga bog'liq. Bo'ylama uzatishli g'ildiratib ishlov berishda hamma kuchlarning teng ta'sir etuvchisi uchta ta'sir etuvchiga bo'linadi (uch fazoviy kordinata o'qlari bo'yicha): me'yoriy, urinma va uzatish kuchi.

Deformatsiyalovchi asbob va detal tutashishida zarur bosimni yaratuvchi asosiy kuch meyoriy tashkil etuvchi kuch P_H hisoblanadi [2]. Asosiy harakat istemol quvvati va dastgoxning ayrim detallari chidamliligini urinma kuch P_T ning kattaligi bo'yicha hisoblanadi. Uzatishga va uzatish mexanizmi chidamliligiga talab qiluvchi quvvatni o'q kuchi P_0 bo'yicha aniqlaydilar.

Teng ta'sir etuvchi kuch

$$R = \sqrt{P_H^2 + P_T^2 + P_0^2} \quad (2.1).$$

Urinma kuchning me'yoriy kuchdan o'rtacha o'n marta kichikligi amaliy tajribalarda aniqlangan. Uzatishning o'zgarishi bu kuchlar o'zaro nisbatida zaif aks etadi.

Amaliy tadqiqotlar [3] asosida xomaki detalga dumalatib tekislash ishlov berishda ta'sir etuvchi kuchlarning quyidagi o'zaro nisbati olingan:

$$\frac{P_T}{P_n} = 0,07 \div 0,12; \quad \frac{P_0}{P_H} = 0,05 \div 0,1 \quad (2.2) \quad \text{Teng ta'sir etuvchi kuchni } P_H \text{ orqali}$$

ifodalaymiz, shunda

$$R = \sqrt{P_n^2 + [(0,07 \div 0,12)P_H]^2 + [(0,05 \div 0,1)P_n]^2} =$$

$$R = \sqrt{P_n^2 + [(0,07 \div 0,12)P_H]^2 + [(0,05 \div 0,1)P_n]^2} = (1,004 \div 1,012)P_n \quad (2.3)$$

Ko'rinib turibdiki, teng ta'sir etuvchi kuchning kattaligi me'yoriy kuchning kattaligidan bor yo'g'i 1,2% ga farq qiladi.

Me'yoriy kuchni hisoblash usullari.

Deformatsiya o'chog'idagi belgilangan kuchlanish kattaligini aniqlaydigan me'yoriy kuchni hisobga olishning taqribiy usulini ko'rib chiqamiz [4]. Sharcha bilan detal tutashgan yuzada element maydonchasi dF ni ajratamiz (2.2-chizma), maydoncha P_H ga yo'naltirilgan φ burchagi ostida joylashgan. Bu maydonchada me'yoriy kuchlanish σ amal qiladi.

Shunday qilib,

$$P_H = \int_F \sigma \cos \varphi dF. \quad (2.4)$$

2.2 chizma bilan mos ravishda ushbu ifodani olishimiz mumkun

$$dF = R_{sh} d\varphi r d\gamma,$$

bu erda r -sharcha o'qidan boshlab elementar maydoncha masofasi.

Shunday qilib, (formular berilgan) va nihoyat yozishimiz mumkun

$$P_H = R_{sh}^2 \int_0^{sh=2\pi} \int_0^\alpha \sigma \sin \varphi \cos \varphi d\varphi d\gamma. \quad (2.5)$$

Deformatsiya o'chog'ida murakkab xajm-taranglik holati yuz beradi[5]. Bunda tutashish yuzasida kuchlanishlar taqsimlanishi qununi nomalum. Bosish burchagining α kattaligi burchak γ ning kattalashishi bilan o'zgaradi, chunki asbobning detal bilan tutashishidan chiqish nuqtasi turli holatni egallaydi. Masalan, shar markazi chizig'idan tashqarida faqat qayishqoq deformatsiya yuz beradi, va burchak α eng kichik o'lchamda bo'ladi. Ko'rsatilgan asboblarning integrallarni hisoblash imkoniyatini istisno qiladi (2.6).

Biroq, agar haqiqiy kuchlanishlar o'rniga ularning tutashish yuzasidagi $\sigma_{o'r}$ o'rtacha miqdorini olsak va α bosish burchagining o'rtacha miqdori deb hisoblasak, unda ifoda (2.6) quyidagi ko'rinishni oladi:

$$P_H \cong \sigma_{o'r} R_{sh}^2 \int_0^{2\pi} \int_0^\alpha \sigma \sin \varphi \cos \varphi d\varphi d\gamma \quad (2.6)$$

Ichki integral fo'rmula (2.6) bo'yicha:

$$\int_0^\alpha \sin \varphi \cos \varphi d\varphi = \frac{1}{4} \int_0^\alpha \sin 2\varphi d(2\varphi) = \frac{1}{4} (1 - \cos 2\alpha)$$

Ichki integral miqdorini (qiymatini) ifoda (2.6) ga qo'yib,

$$P_H \cong \frac{1}{4} \sigma_{o'r} R_{sh}^2 (1 - \cos 2\alpha) \int_0^{2\pi} d\gamma = \frac{1}{2} \pi R_{sh}^2 \sigma_{o'r} (1 - \cos 2\alpha)$$


$(1 - \cos 2\alpha)$ ni $2\sin^2 \alpha$ orqali almashtirib va $\sigma_{o'r}$ ni tutashishidagi o'rtacha bosim P orqali almashtirib, uzil-kesil yozamiz

$$P_H \cong \pi p (R_{sh} \sin \alpha)^2 \quad (2.7)$$

Ifoda (2.7) tafsia qilingan o'rtacha bosim (P) bo'yicha deformatsiyalovchi sharchaning o'lchamlariga bog'liq xolda, P_H ning kattaligini aniqlash imkonini beradi. Buning uchun oldindan tajriba yo'li bilan burchak α ning o'rtacha qiymatini aniqlash zarur. Oxirgisi materialning mexanik xususiyatlariga va ishlov berilayotgan hom ashyoning o'lchamlariga bog'liq. Qabul qilingan extimolliklarga tayanib, ifoda (2.7) taqribiy ekanligini yodda tutish kerak. Biroq burchak α to'g'ri tanlanganda, ifoda (2.7) texnik hisob-kitoblar uchun qoniqarli natijalarni ta'minlay oladi.

Masalan, pardozlash mustahkamlash uchun metall xomaki detallarning tashqi silindrik yuzalarini maqbul rejimlar bilan tekislashda burchak α ning kattaligi $5^\circ - 7^\circ$ daraja oralig'ida bo'lishi amaliy tajribalarda belgilangan [6]. Bu ma'lumotlar 10 mm li sharchalarni dumalatib ishlov berishda olingan.

Nazarda tutish kerakki, burchak α detal materialining elastik deformatsiyasini hisobga olib aniqlanadi. Bunda bosish burchagi faqat elastik deformatsiyadan $3^\circ - 5^\circ$ darajani tashkil etadi. Formula (2.7) ga kiruvchi qiymat P detal materialining tutashish maydoni va g'ildirakchaga ta'sir etuvchi kuchning kattaligiga bog'liq.



2.2-chizma. Me'yoriy kuch kattaligini aniqlash:
 h -qoldiq deformatsiya; ω -qayishqoq, tarang deformatsiya.

Elastik so'ngi ta'sirni hisobga olib kesish chuqurligini hisoblash.

Yuqorida bayon qilingan ko'rsatmalarni amalga oshirish asosida polimer materiallar xomaki detaliga tokarlik ishlov berish yuqori sifatini ta'minlash uchun deformatsiyaning tarqalish chuqurligini va materiallar tashqi yuzasining elastik qayta tiklash xodisasi dumalatib ishlov berish jarayonidan keyin turadi [7].

Kesish chuqurligini


$$t_p \geq h_g \tag{2.8}$$

Deb qabul qilamiz, bu erda h_g -deformatsiyaning tarqalish chuqurligi.

Elastik so'ngi ta'sirni hisobga olganda parametr t_p ni murakkablashgan shakl bo'yicha hisoblashga to'g'ri keladi

$$t_p \geq h_g - \delta \tag{9}$$

bu erda δ -deformatsiyalangan qatlamning elastik qayta tiklanishi kattaligi.



2.3-chizma. Deformatsiyalangan qatlamning elastik qayta tiklanishi kattaligini aniqlash: h_g -
 deformatsiyalangan tarqalish chuqurligi; δ -deformatsiyalangan qatlamning elastik qayta tiklanishi.

Elastik tiklanish kattaligi δ ni hisoblash sxemasidan foydalanib toppish mumkin, 2.3-chizma $\delta=R_{sh} \rightarrow OC, OC=R_{sh} \cdot \sin(90-\alpha)$ va uzil-kesil olamiz:

$$\delta=R_{sh} \cdot (\sin(90-\alpha)) \quad (2.10)$$

Deformatsiyaning eyilish chuqurligini navbatdagi formula bo'yicha aniqlaymiz:

$$h_d=2h_{st} \cdot \sqrt{1+f^2} \quad (2.11)$$

$$h_{st}=\sqrt{\frac{P_n}{2 \cdot \sigma}} \quad (2.12)$$

Shunda (2.9) shunday ko'rinishga ega bo'ladi:

$$t_p \geq 2 \cdot \sqrt{\frac{P_n}{2 \cdot \sigma}} \cdot \sqrt{1+f^2} - R_{sh} \cdot (1 - \sin(90 - \alpha)) \quad (2.13)$$

Deformatsiya o'chog'idagi berilgan kuchlanish kattaligini aniqlaydigan me'yoriy kuchni hisoblash uchun (2.7) ifodadan foydalanamiz.

P_n uchun ifodadan (2.7) dan (2.13) ga qo'yib, uzil-kesil

$$t_p \geq R_{sh} \cdot \left(\sqrt{\frac{2 \cdot \pi \cdot \sin^2 \alpha \cdot (1+f^2)}{\sigma}} + \sin(90 - \alpha) - 1 \right) \quad (2.14)$$

ni olamiz.

Shunday qilib, (2.14) ifoda hosil qilindi, bu ifoda bo'yicha, xomaki detalning yuza qatlamini deformatsiyalash zo'riqishini va xomaki detal materialining elastik tiklanish kattaligini hisobga olgan holda, kesishning muxim ko'rsatkichi kesish chuqurligini hisoblash mumkun.

XULOSALAR

1. Materiallarning termofluktatsion yemirilish mexanizmi taxlili asosida polimer materiyallar xomaki detallarning keyin tokarlik ishlov berishda yuza mustaxkamligini pasaytirish uchun dastlabki dumalatib ishlov berishni qo'llash maqsadga muvofiqligi isbotlangan va amaliy tasdiqlangan. Materialdagi bog'lanishlarning yemirilish jarayonini faollashtirish energiyasini pasaytirish xisobiga va shu asosida navbatdagi tokarlik ishlovi sifatini oshirish isbotlangan va amaliy tasdiqlangan.
2. Nazariy va amaliy tadqiqotlar asosida polimer materiallarning yuklama ta'siri to'xtatilgandan so'ng elastik tiklanish faktini xisobga olib, xomaki detalni kesish chuqurligi va ishlov berish kuchlanishi o'rtasida o'zaro bog'liqlik o'rnatilgan.

Adabiyotlar

- [1]. Fayzimatov, S. N., Xusanov, Y. Y., & Valixonov, D. A. (2021). Optimization Conditions Of Drilling Polymeric Composite Materials. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3, 22-30.
- [2]. Xusanov, Y. Y., & Valixonov, D. A. O. G. L. (2021). Polimer kompozitsion materiallardan tayyorlangan detallarni parmalashni asosiy ko'rinishlari. *Scientific progress*, 1(6), 1169-1174.
- [3]. Dostonbek, V., & Salimaxon, N. (2021). The effect of scraping and surface cleaning on the scraping of scraping to be dressing in the cutting of polymer materials. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(6), 717-721.
- [4]. Dostonbek, V., Nizomiddin, J., & Jurabek, S. (2021). Experimental and theoretical studies of the process of cutting polymer materials. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2(05), 485-490.
- [5]. Fayzimatov Shukhrat Nomonovich, Ergashev Ilhomjon Olimjonovich, & Valikhonov Dostonbek Azim o'g'li. (2022). Effects Of Crushing on Cutting and Cleaning of Surface Facilities in Cutting and Processing of Polymer

Materials. *Eurasian Research Bulletin*, 4, 17–21. Retrieved from <https://www.geniusjournals.org/index.php/erb/article/view/353>

- [6]. Абдуллаева, Д. Т., Каримов, Р. Х., & Умарова, М. О. (2021). Мактаб таълим тизимида чизмачилик фанини ривожлантириш ва билим бериш жараёнини такомиллаштириш. *Scientific progress*, 2(1), 323-327.
- [7]. Ergashev, I. O. Rustam Jaxongir o'g'li Karimov, Ravshan Xikmatullayevich Karimov, & Salimaxon Sobirovna Nurmatova (2021). *Kolosnik almashinuvchi mashinasi elementi egilishining nazariy tadqiqotlari. Scientific progress*, 2(3), 83-87.
- [8]. Karimov, Ravshan Khikmatulaevich (2021). Conducting research on identification and elimination of errors arising when processing complex shaped parts on cnc machines. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1 (11), 465-475.

ПЛАСТИЧЕСКОЕ ДЕФОРМИРОВАНИЕ ВНУТРИННЫХ ЦИЛИНДРИЧЕСКИХ ПОВЕРХНОСТЕЙ РОЛИКОВЫМИ РАСКАТНИКАМИ

А.М. Turg'unbekov

Ферганский политехнический институт, turgunbekovahmadbek42@gmail.com
(Получена 4.02.2022 г.)

The purpose of the work is to improve the technology of finishing and hardening of internal cylindrical surfaces. The development and automation of the design of a centrifugal spinner with the consideration of surface quality.

Keywords: plastic deformation, surface, roller, raskatnik, surface hardness, final processing.


Цель работы усовершенствовать технологию отделочно- упрочняющей обработки внутренних цилиндрических поверхностей разработка и автоматизация проектирование центробежного раскатника с учетом качество поверхности.

Ключевые слова: пластическая деформация, поверхность, ролик, раскатник, твердость поверхности, окончательная обработка.

Ishdan maqsad detallarni silindrik ichki yuza qatlamiga yakunlovchi-pardozlovchi ishlov berish texnologiyasini takomillashtirish borasida izlanishlar olib borish, silindrik ichki yuza qatlamiga yakunlovchi-pardozlovchi ishlov berishda sifat, qattqlik va unumdorlik ko'rsatkichlarini inobatga olgan holda markazdan qochma raskatnik prinsipial sxemasini ishlab chiqish va loyixalash jarayonini avtomatlashtirishdan iborat.

Kalit so'zlar: plastik deformatsiya, sirt, rolik, raskatnik, yuza qattqligi, diametr, yakunlovchi ishlov berish.

Bizga ma'lumki bugungi kunda rolikli raskatniklar yordamida detal sirtiga plastik deformatsiyalash usuli mashinasozlikda po'latdan ishlab chiqarilgan detallarda keng qo'llanilib



1a-Rasm. Rolikli raskatnikning tanasi.


kelinmoqda. Ular asosan rangli metallarda va mashina detallarining yuk ko'taruvchi va ekpluatatsiya xususiyatlarini sirdagi sifatini oshirish maqsadida keng qo'llaniladi.

Biz tavfsiya etayotgan rolikli raskatniklar yordamida ishlov berilayotgan

zagatovkalarining materiali va ularning xossalariga qarab, yuza toalgini uch barobar, yuza qattiqligini esa ikki barobar yaxshilash imkoni mavjud.

Rolikli raskatniklar bir necha qismlardan iborat. Bu uning tanasi, rolikli kallak va kallakni tanada ushlab qolish uchun maxsus gaykadan tashkil topgan 1-rasm (1).

Tana pag'onali val shaklida bo'lib, har-bir pag'onaning o'z vazifasi mavjud. Undagi konus morze (1) raskatnikni tokarlik dastgohining ketingi babkasiga mahkamlash uchun ishlatiladi, pero qismi (2) raskatnikni o'z o'qi bo'yicha aylanishidan saqlaydi, pog'ona (3) raskatnik kallagini, o'z




1b-Rasm. Raskatnik kallagi.


tutib turish uchun xizmat qiladi. 3- o'zak sterjnlari, bu joylashgan bo'lib, ularning jami soni 10 tani tashkil etadi va roliklarni ma'lum diapazonda xarakat qilishini taminlaydi. 3 - roliklar, teshikka ishlov beruvchi qism hisoblanadi. Ular xar-bitta sterjnda bittadan joylashgan bo'ladi (2)(3).

Raskatnik kallagining normal diametri Ø38mm bo'lsa, uni minimal diametri Ø37 mmni, maksimal diametri esa Ø39 mm gacha borishi mumkin bo'ladi. Bizga esa teshikni kengaytirish, yuza tozaligini va qattiqligini oshirish uchun bu diapazon yetarli hisoblanadi.

Roliklar minimal diametrdan maksimal diametrga erishish uchun tananing yo'naltruvchi qismi katta axamiyatga ega. Tananing yo'naltruvchi qismi konussimon shaklda bo'lib, uning dastlabgi diametri kallakning minimal diametriga to'g'ri keladi. Kallak yo'naltruvchida harakatlangani sababli uning diametri konusli yuza hisobiga asta sekinlik bilan kattalashib boradi. Yo'naltruvchining eng katta diametri kallak uyasining diametri bilan bir-xilda bo'ladi, kallakning maksimal diametridan esa 0.2-0.3mm gacha kichikroq bo'ladi. Chunki kallak o'z uyasida tiqilib qolmasligi kerak. (4)(5)



1s-Rasm. Roliklarning sterjnda harakatlanish diapazoni.




2d-Rasm. Rolikli raskatnikning ishchi holati. 1-tana, 2- rolikli kallak, 3- kallakni ushlab qolish uchun gayka.

Bu rolikli raskatniklar bilan ishlov berish orqali yuza tozaligini uch barobar, yuza qattiqligini esa ikki barobar yaxshilash imkoni mavjud.

Ra=5 mkm g'adirbudirlikka ega bo'lgan ishlov beriladigan detal-quvurlar prizmada birin-ketin tokarlik dastgohining supportiga o'rnatiladi. Ishlov berish jarayonida supportga quyidagicha uzatishlar berilgan

So=0,3mm/ayl.; So=0,3mm/ayl.; So=0,5mm/ayl.; So=0,8 mm/ayl. (5) 1-роликнинг диаметри


18мм; 2-роликнинг диаметри 12 мм; 3-роликнинг диаметри 8мм. Roliklar minimal diametrdan maksimal diametrga erishish uchun tananing yoʻnaltruvchi qismi katta ahamiyatga ega. Tananing yoʻnaltruvchi qismi konussimon shaklda boʻlib, uning dastlabgi diametri kallakning minimal diametriga toʻgʻri keladi. Kallak yoʻnaltruvchida harakatlangani sababli uning diametri konusli yuza hisobiga asta sekinlik bilan kattalashib boradi. Yoʻnaltruvchining eng katta diametri kallak uyasining diametri bilan bir-xilda boʻladi, kallakning maksimal diametridan esa 0.2-0.3mm gacha kichikroq boʻladi. Chunki kallak oʻz uyasida tiqilib qolmasligi kerak. (4)(5)



2a-Расм. Markazdan qochma raskatnikning aylanish chastotasini ishlov berilgan sirtning gʻadir-budirlikigiga tajribaviy bogʻliqligi.

koʻrsatkichlari yaxshilanadi va uning tan narxini pasayishiga sabab boʻladi.(9)(10)

Ra=5 mkm gʻadir-budirlikka ega boʻlgan ishlov beriladigan detal-quvurlar prizmada birin-ketin tokarlik dastgohining supportiga oʻrnatiladi. Ishlov berish jarayonida supportga quyidagicha uzatishlar berilgan So=0,3mm/ayl.; So=0,3mm/ayl.; So=0,5mm/ayl.; So=0,8 mm/ayl. (5)



2b -Расм. Markazdan qochma raskatnikning aylanish chastotasidan mustahkamlash chuqurligiga bogʻliqligi.

maqsad detallarni silindrik ichki yuza qatlamiga yakunlovchi-pardozlovchi ishlov berish texnologiyasini takomillashtirish borasida izlanishlar olib borish, silindrik ichki yuza qatlamiga yakunlovchi-pardozlovchi ishlov berishda sifat, qattqlik va unumdorlik koʻrsatkichlarini inobatga olgan holda markazdan qochma raskatnik prinsipial sxemasini ishlab chiqish va loyixalash jarayonini avtomatlashtirishdan iborat. Biz tavsfiya etayotgan rolikli raskatniklar yordamida ishlov berilayotgan zagatovkalarining materiali va ularning xossalriga qarab, yuza toalgini uch barobar, yuza qattqligini esa ikki barobar yaxshilash imkoni mavjud.

Adabiyotlar

- [1]. Адлер Ю. П., Маркова Е. В., Грановский Б. В. Планирование эксперимента при поиске оптимальных условий. - М.: Наука, 1976. - с. 98 - 142.
- [2]. Азаревич Г. М., Бернштейн Г. Ш. Исследование процесса чистой обработки многороликовыми дифференциальными инструментами. - В кн.: Размерно-чистовая обработка деталей пластическим деформированием взамен обработки резанием. М.: НИИмаш, 1966, с.

1-регрессия тенгламаси буйича тузилган тажрибавий эгрилик, 2-назарий боғлиқлик.

Mashinasozlikda detallarga yakunlovchi ishlov berishda har doim ham ortiqcha jihoz va moslamalar talab etiladi. Biz tavsfiya qilayotgan rolikli raskatniklar esa mashinasozlik ishlab chiqarishida mavjud jihozdardan foydalaniladi. Raskatniklar yordamida ishlov berishda metall tolasiga ziyon yetkazmaydi, aksincha uni yuza qatlamini yanada mustahkamlaydi, sifat

Xullosa: Mashinasozlikda detallarga yakunlovchi ishlov berishda har doim ham ortiqcha jihoz va moslamalar talab etiladi. Biz tavsfiya qilayotgan rolikli raskatniklar esa mashinasozlik ishlab chiqarishida mavjud jihozdardan foydalaniladi. Raskatniklar yordamida ishlov berishda metall tolasiga ziyon yetkazmaydi, aksincha uni yuza qatlamini yanada mustahkamlaydi, sifat koʻrsatkichlari yaxshilanadi va uning tan narxini pasayishiga sabab boʻladi. Ishdan

- [3]. Азаревич Г. М., Бернштейн Г. Ш. Чистовая обработка наружных цилиндрических поверхностей пластическим деформированием. М.: ОНТИ, 1963. 73 с.
- [4]. Алексеев П. Г. Влияние упрочнения наклепом на износостойкость и надежность деталей машин. Автореф. дис. ... докт. техн. наук. Брянск, 1970. 43 с.
- [5]. Баас Р., Фервай М., Гюнтер Х Delphi 4: полное руководство, 1999 - 800 с.
- [6]. Axmadbek Maxmudbek o'g'li Turg'unbekov, & Abdumajidxon Murodxon o'g'li Muxtorov (2021). Theoretical Studies Of The Technological Process Of Machining Parts With Concave Surfaces Of Complex Forms On Cnc Milling Machines. Journal of Innovations in Social Sciences 1(1), 90-97.
- [7]. Turg'unbekov Axmadbek Maxmudbek o'g'li (2021). Theoretical studies of the technological process of machining parts with concave surfaces of complex forms on cnc milling machines. 1(8), 122-128. <https://doi.org/10.5281/zenodo.5710406>
- [8]. Alisher Axmadjon o'g'li Botirov, & Axmadbek Maxmudbek o'g'li Turg'unbekov. (2021). Experimental studies of the technological process of processing concave surfaces of complex shapes. Eurasian Journal of Academic Research, 1(8), 222–231. <https://doi.org/10.5281/zenodo.5727625>
- [9]. Botirov, Alisher Akhmadjon Ugli, & Turg'unbekov, Akhmadbek Makhmudbek Ugli (2021). Investigation of productivity and accuracy of processing in the manufacture of shaping equipment. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1 (11), 435-449.
- [10]. Abdullayeva, Donoxon Toshmatovna, & Turg'unbekov, Axmadbek Maxmudbek O'G'Li (2021). Продление срока хранения листовых деталей прокатного оборудования. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1 (11), 1035-1045.

УДК: 631.365.036.3

ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ УДЕЛЬНОЙ ТЕПЛОЕМКОСТИ ГОРОХА

М.Т. Халилов, Б.Р. Беккулов, Б.Д. Гуломов

*Андижанский машиностроительный институт
(Получена 9.04.2022 г.)*

This article provides information on the technological and thermophysical properties of some types of grains, some features of determining the heat capacity of peas and a graph of the temperature dependence of the specific heat capacity of peas. It has been determined that a relatively small increase in the specific heat capacity of peas is observed at negative temperatures.

Key words: *specific heat capacity, grain, peas, technological properties, thermophysical properties.*

В данной статье приведены сведения о технологических и теплофизических свойствах некоторых видов зерн, некоторые особенности определения теплоёмкости гороха и график температурной зависимости удельной теплоемкости гороха. Определено, что относительно небольшое увеличение удельной теплоемкости гороха наблюдается при отрицательных температурах.

Ключевые слова: *удельная теплоёмкость, зерно, горох, технологическая свойства, теплофизическая свойства.*

Ушбу мақолада баъзи турдаги донларнинг технологик ва иссиқлик-физик хусусиятлари, нўхатнинг иссиқлик сизимини аниқлашнинг баъзи хусусиятлари ва нўхатнинг солиштирма иссиқлик сизимининг ҳароратга боғлиқлиги графиги ҳақида маълумот берилган. Аниқланишича, нўхатнинг солиштирма иссиқлик сизимининг нисбатан кичик ўсиши манфий ҳароратларда кузатилади.

Таянч сўзлар: *Солиштирма иссиқлик сизими, дон, нўхат, технологик хусусиятлар, иссиқлик-физик хусусиятлар.*

- бирламчи энергиянинг барча эҳтиёжлар учун сарфи (ёритиш, маиший техника, ёзда совитиш) кўпи билан $120 \text{ кВт} \cdot \text{соат} / (\text{м}^2 \cdot \text{йил})$ бўлиш лозим.

Бирламчи энергия – бу табиий энергия манбаларини: нефть, кўмир, табиий газ, уран ва ҳ.к.ларни қайта ишлаш жараёнида ажралган энергиядир.

Стандарт пассив уйларни қуришда бир – бирини тўлдирувчи комплекс тадбирларни амалга ошириш зарур. Тадбирларни асосийси қуйидагилар: деворларни иссиқлик изоляциясини ортириш, икки камерали шиша пакетлардан фойдаланиш, ойналарни ва хоналарни ориентациялаш, ички қопламани герметик қилиш, вентиляция тизимида рекуперативдан фойдаланиш.

Европа мамлакатларидаги тадбирлар Ўзбекистон шароитида етарли эмас. Иссиқлик энергияси сарфини бир хил қилиш учун иссиқлик исрофларини деярли бир ярим марта

камайтириш зарур бўлади. Бунинг натижасида уйнинг таннархи яна ортади. Шунинг учун энергияни тежаш йўллари тадқиқ қилиш лозим.


Уйларда қуёш энергиясидан тўла фойдаланиш учун пассив қуёшли иситиш тизими қўлланилади. Уларнинг вазифасига ички ва ташқи ҳаво температураларидаги фарқини камайтириш, қуёш иссиқлигини аккумуляция қилиш.

Адабиётлар таҳлили.


Пассив уйларни тадқиқот қилиш 1970 йилларда бошланган. Бу тадқиқотлар аввало АҚШ да кейинроқ Европа мамлакатларида олиб борилган. Шу вақт ичида қуёшли иситиш тизимлари классификацияланди ва уларни ҳисоблаш учун эмпирик формулалар тавсия этилган.

Қуёшли иссиқхоналарда иссиқликни аккумуляция қилиш учун иссиқлик сиғими катта бўлган элементлар мавжуд. Булар массив деворлар бўлиб, уларни қора рангга бўяш мумкин, унга тўғридан – тўғри қуёш нурлари тушиши мумкин. Бундай деворлар бетонли, тошли ёки иссиқлик сиғими катта бўлган сув бочкаларидан иборат бўлиши мумкин.

Иссиқлик аккумулятори сифатида шағалдан фойдаланилса, у иссиқ ҳаво билан иситилади.



1 – расм.



2 – расм.

Гелиоиссиқхоналар жануб томонга йўналган четланиш 20° атрофида бўлиб, соя тушмаслиги лозим. Бундай содда вариантда кундузи ҳаво вентилятор ёрдамида шағалга узатилади ва уни иситади. Кечқурун совуқ ҳаво шағалдан ўтиб исийди ва хонага узатилади. Тромба девори (2–расм) – бу пассив тизим бўлиб, массив қора рангдаги девордир. Деворнинг ташқи томони кун бўйи қуёш нурлари таъсирида исийди ва девор ҳамда ойна ўртасидаги ҳавони иситади. Ҳавонинг девор атрофидаги ҳаракати табиийдир. Қоронгу тушганда девор исийди ва хонани иситади. Иссиқлик исрофларини камайтириш мақсадида икки қаватли ойналар қўлланилади. Ҳавони эрталаб тезда иситиш учун ойна ва девор ўртасида қора рангдаги қовурғалар ўрнатиш мумкин.

Энергия самарадорлиги юқори бўлган уйлардан мисол келтирамиз.

Иссиқликни таққослаш учун иситиш мавсумининг градус – кун каталигига (ИМГКК) ҳисоблаб чиқилган.

Дуглас Болкомбнинг қуёшли ўйи (Санта – Фе, Нью – Мексика, 35° ш.к., ИМГКК = 3070)

Уйни иситиш учун икки қаватли, ойналаш юзаси 70 м^2 бўлган верандадан фойдаланилади (3 – расм).

Иссиқликни аккумуляция қилиш учун қалинлиги 250 ва 300 мм бўлган тош девор ва бетон полдан фойдаланилади. Тошли деворларнинг термик қаршилиги $R=5 \text{ Вт}/(\text{м}^{\circ}\text{C})$. Қишда иқлимни ёруғлиги юқори бўлиб, иссиқлик истеъмолни 80 % қуёш энергияси ҳисобидан қопланади. Қолган иссиқлик қуввати 3 кВт бўлган электр иситгич ёрдамида қопланади.



3 – расм.

**Канададаги қуёшли ўй
(Соскочева, 55⁰ ш.к., ИМГКК =
6100)**

Уйни қуриш даврида энергия самарадорлигини ошириш учун комплекс чора тадбирлар қўлланилган: эни 4 м бўлган Тромба девори, деворни изоляцияси нормага қараганда 3 марта катта, тўсиқлар

изоляцияси 2 марта кўп, чиқиб кетаётган газлар рекуперация қилинади, кириш тамбури бор, жануб томондан бошқа томонда ойналар минимал, жануб томонда ойналар 2 қават (4 – расм). Ойналар орасида 15 см бутун узунлик бўйлаб иссиқлик изоляцион алюминий пардалар ўрнатилган. Бунинг натижасида уйнинг нархи 5 % га ортади, иссиқлик сарфи 50 % га камаяди.

Чемпионларнинг қуёшли ўйи. (Колародо, 38⁰ ш.к., ИМГКК = 5200)

Юзаси 285 м² бўлган уй баландлиги 2500 м бўлган тоғда қурилган. Уни қуёш иситиш тизими жанубга қараган қишқи боғдан иборат бўлиб, унинг юзаси 33,5 м², Тромба девори 18,5 м², ойналарнинг умумий юзаси 18,5 м². Қуёшдан келаётган иссиқлик бетон пол тўсиқларга тўпланади.

Гетаборг (Швеция) шахридаги энергия самарадор ўй (57⁰ ш.к., ИМГКК = 3370)

Бу ерда кўп хонадонли уйлар реконструкция қилинган, иссиқликни сақлаб қолиш мақсадида ойналар замонавийсига алмаштирилган, вентиляция тизимида рекуперация усулидан фойдаланилган. Қуёш энергиясидан фойдаланишга катта аҳамият берилган.



4 – расм.

Уйларнинг бирининг томига қуёш ҳаволи коллектор ўрнатилган, қурилма иссиқ ҳавони махсус тирқишлар орқали уйга юборган. Шундай қилиб, коллектор олган иссиқлик уйнинг шимол томонида аккумуляция қилинган, жануб томони эса бевосита иссиқлик

нурларини олади. Бунинг натижасида уй бир текис исийди. Регенерация натижасида энергия истеъмоли 40 % га камайтиди.

Экодом SOLAR – К, лойиҳа (57⁰ 200 ш.к.)

Россияда 2005 йилдан 2011 йилгача SOLAR қуёшли уйлар тизими лойиҳаланган. Бу уйлар мамлакатнинг Соҳалин, Хабаровск ва марказий ҳудудлар учун ишлаб чиқилган. Уйнинг умумий юзаси 89 м², шу жумладан меҳмонхонанинг юзаси 72 м². Қуёшли иситиш тизимидан фойдаланиш ташқи ҳаво температураси – 15 °С бўлганда 45 дан 57 % гача иссиқлик истеъмолини қоплайди. Иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатадики, бундай уйлар ўз – ўзини 10 йилда қоплайди.

Адабиётлар

- [1]. Соловьев А.К. Пассивные дома и энергетическая эффективность их отдельных элементов.
- [2]. Фостом В. Основные положения по проектированию пассивных домов. М: Изд-во АСВ. 2008. 144с
- [3]. Бошмонов И.А. Энергоэффективность зданий в России и в зарубежных странах. Энергосбережение 2015. №3 с 24 – 29

УДК 621.1.016.4.(075.8)

**ПРИМЕНЕНИЕ УСТРОЙСТВА ДЛЯ ДИСТАНЦИОННОГО КОНТРОЛЯ
ТЕМПЕРАТУРЫ СОЛНЕЧНЫХ ПАРАБОЛОЦИЛИНДРИЧЕСКИХ
КОНЦЕНТРАТОРОВ**

У.Ж. Нигматов

Ферганский политехнический институт, e-mail: u.nigmatov@ferpi.uz

(Получено 15.04.2022 г.)

This article describes the structural components of the energy module of a parabolic cylinder collector. The main elements of the block diagram of a device for remote control of the temperature of solar parabolic cylinder concentrators are presented.

Keywords: concentrator, parabolic cylinder, module, heat sink, device, block diagram, radiation, object of control.

В настоящей статье дано описание конструктивных составляющих энергетического модуля параболического коллектора. Представлены основные элементы блок-схемы устройства для дистанционного контроля температуры солнечных параболических концентраторов.

Ключевые слова: концентратор, параболический цилиндр, модуль, теплоприемник, устройство, блок-схема, излучение, объект контроля.

Ушбу мақолада параболический коллекторнинг энергетик модулини таркибий қисмлари келтирилган. Қуёш параболический концентраторларнинг ҳароратини масофадан бошқариш учун мослама блок-схемасининг асосий элементлари тақдим этилган.

Таянч сўзлар: концентратор, параболик цилиндр, модул, иссиқлик қабул қилувчи, мослама, блок-схема, нурланиш, бошқарув объекти.

Введение. В настоящее время большое внимание уделяется разработке, экспериментальному исследованию и практическому применению солнечных параболических энергетических установок, как одного из наиболее дешевых и перспективных вариантов преобразования солнечной энергии в электрическую и тепловую [1, 2]. Это связано с тем, что регулировка и фокусировка зеркал параболических концентраторов осуществляются с относительно невысокой точностью и упрощённой последовательностью операций, а также возможностью применения стандартных систем слежения за Солнцем. Вследствие этого, в целом, капитальные затраты на подобные установки могут быть относительно небольшими

Зеркальная поверхность оптического концентратора образуется продольным передвижением параболы по длине оси, перпендикулярной к оси, проходящей через её вершину. Поэтому параболическими называются зеркала, имеющие вид корыта (желоба) с профильным сечением в форме параболы, а в продольном сечении – в виде прямой плоскости. В отличие от параболических, параболические концентраторы не создают максимальную концентрацию лучистого потока, так как они в профильной плоскости работают аналогично параболическому отражателю, а в продольной – плоскому зеркалу. Так как, диапазон рабочих температур параболических установок колеблется между +60 °С и +460 °С, то следовательно, можно их считать среднетемпературными солнечными установками.

Следует отметить, что изготовление параболических установок по модульной схеме удобно, как конструктивно, так и технологично, т.е. когда каждый модуль представляет собой оптический концентратор с приёмником тепла и системой слежения.

Применение модульной схемы позволяет изготавливать установки с различными показателями мощности, а также позволяет существенно упростить опорные конструкции и механизмы привода системы слежения за Солнцем. Систематизирование методов расчёта и технологии изготовления, а по конструктивным признакам выявление конструктивных и технологических достоинств и недостатков каждого элемента параболической

системы, сравнительная оценка их энергетических и технико-экономических характеристик является актуальным и представляет определенный практический интерес.

Основным конструктивным элементом параболоцилиндрического коллектора является концентратор. Каркас концентратора (рис.1) представляет собой несущую раму дугообразного сечения, на котором предусмотрены узлы для вставки и крепления ложементов, а также для крепления отражающего покрытия. Параболоцилиндрическая оболочка концентратора образована упруго изогнутыми ложементами, выполненными из листа нержавеющей стали, толщиной 2 мм. С помощью специальных боковых зажимов на ложементы укладываются, а затем закрепляются листы из зеркального алюминия. Размеры апертуры зеркала – 1,7×5,0 м, фокусное расстояние – 650 мм, угол охвата – 120°. Концентратор с теплоприемником устанавливается на цилиндрические шарниры между двумя параллельными металлическими стойками высотой – 1200 мм.



Рис. 1. Энергетический модуль параболоцилиндрического коллектора.

Энергетический модуль расположен горизонтально и ориентирован по направлению запад-восток. Схема установки с горизонтальной оптической осью имеет существенные преимущества, в частности, упрощенную конструкцию опор и элементов устройства слежения за Солнцем [3, 4].

Актуальность.

Высокопроизводительная, экономичная и безопасная работа солнечных параболоцилиндрических концентраторов требует применения современных методов и средств измерения величин, характеризующих ход процесса и состояния оборудования.

Автоматический контроль является логически первой ступенью автоматизации, без успешного функционирования которых невозможно создание автоматизированных систем управления гелиоустановок [5, 7].

При высокой производительности даже самые небольшие ошибки управления солнечных параболоцилиндрических концентраторов приводят к большим абсолютным потерям энергии. Поэтому возрастает роль автоматического контроля и управления солнечных параболоцилиндрических концентраторов. Одной из актуальных проблем солнечных параболоцилиндрических концентраторов является автоматический контроль температуры теплоприемника. Существуют множество различных устройств для контроля температуры применяемых в солнечной энергетике, но они в основном являются контактными. Наиболее перспективным в этом отношении является оптоэлектронный метод контроля температуры, причем во многих случаях применение их оказывается не только предпочтительным по сравнению с контактными средствами измерения температуры, т. е. термометрами, но и единственно возможным. Прежде всего, это касается измерения температуры объектов, контакт с которыми затруднен или невозможен вследствие его удаленности или недоступности [6, 8].

Разработка. Устройство для дистанционного контроля температуры солнечных параболоцилиндрических концентраторов, содержит объект контроля, который оптически связан через модулятор с приемником излучения и блоком обработки сигналов. Исключена оптическая система, дополнительно введен, и установлен на одной плоскости с первым приемником излучения, относительно объекта контроля. Второй приемник излучения и источник коллимированного излучения устройства управления, выход которого соединен с входом источника коллимированного излучения. Последний через отражающие свойства объекта контроля оптически связан со вторым приемником излучения. Причем блок обработки сигналов выполнен в виде последовательно соединенных с выходом первого приемника излучений первого усилителя, первого амплитудного детектора и первого

интегратора. Выход первого интегратора соединен с первым входом устройства получения соотношения сигналов, которые последовательно соединены с выходом второго приемника излучения, второго усилителя, второго амплитудного детектора и второго интегратора. Выход второго интегратора соединен со вторым входом устройство получения соотношения сигналов, выход последнего соединен с входом регистрирующего устройства, а вход устройства управления коллимированного излучения соединен с выходом первого усилителя.

Блок-схема предлагаемого устройства приведено на (рис. 2).




Рис.2. Блок-схема устройства.

Оптоэлектронное устройство для дистанционного контроля температуры солнечных параболоцилиндрических концентраторов состоит из объекта контроля 1, который через модулятор 2 оптически связан с первым приемником излучения 3, выход которого через первый усилитель 4, первый амплитудный детектор 5 и первый интегратор 6, соединён с первым входом устройства получения соотношения сигналов 13, второй приемник излучения 7, выход которого через второй усилитель 8, второй амплитудный детектор 9 и второй интегратор 10 соединены со вторым входом устройства получения соотношения сигналов 13 выход, которого соединен с входом регистрирующего устройство 14, устройство управления источника коллимированного излучения 12, вход которого соединен с выходом первого

усилителя 4, а выход соединен с входом источника коллимированного излучения 11, который через отражение от поверхности контролируемого объекта 1 оптически связан со вторым приемником излучения 7, электрическим двигателем 15, ротор, которого механически связан с осью вращения модулятора 2. На (рис. 3) показана оптическая ячейка [9].




Рис. 3. Оптические ячейки.

Заключение. Применение устройства для дистанционного контроля температуры позволяет снизить потери энергии солнечного параболоцилиндрического концентратора, за счёт уменьшения ошибок в объекте управления.

Список литературы

- [1]. Нигматов, У. Ж., & Наимов, Ш. Б. (2020). Анализ потенциала использования энергии солнечного излучения на территории республики таджикистан. In *International scientific review of the technical sciences, mathematics and computer science* (pp. 59-71).

- [2]. Эргашев, С. Ф., Нигматов, У. Ж., Абдуганиев, Н. Н., & Юнусов, Б. С. А. (2018). Солнечные параболоцилиндрические электростанции-современное состояние работ и перспективы использования их в народном хозяйстве Узбекистана. *Достижения науки и образования*, (5 (27)).
- [3]. Эргашев, С. Ф., & Нигматов, У. Ж. (2020). Солнечные параболоцилиндрические установки, конструктивные особенности и расчёт отдельных параметров. *Universum: технические науки*, (11-5 (80)).
- [4]. Эргашев, С. Ф., Нигматов, У. Ж., & Пулатов, Э. У. У. (2018). Анализ перепадов температур, возникающих в тепловых трубах солнечных параболоцилиндрических установок. *Проблемы науки*, (5 (29)).
- [5]. Эргашев, С. Ф., Нигматов, У. Ж., Орипов, А., & Ощепкова, Э. А. (2019). Энергоэффективный трекер без использования светозависимых датчиков (фоторезисторов, фотодиодов и тд). *Известия Ошского технологического университета*, (3), 234-236.
- [6]. Нигматов, У. Ж. (2020). Анализ конструктивных элементов охлаждения гибридных солнечных коллекторов. *Вестник науки и образования*, (2-3 (80)).
- [7]. Рахимов, Р. Х., Эргашев, С. Ф., Абдурахмонов, С. М., & Нигматов, У. Ж. (2017). Автоматизированная компьютерная система измерения производительности солнечных водонагревателей с порционной подготовкой горячей воды. *Computational nanotechnology*, (1).
- [8]. Rakhimov, R. K., Irgashev, S. F., Abdurakhmanov, S. M., & Nigmatov, U. J. (2017). The automated computer system of measurement of productivity of solar water heaters from portion preparation of hot water. *Computational nanotechnology*, (1), 23-26.
- [9]. Эргашев и др. Патент на изобретение от Агентства по Интеллектуальной собственности Республики Узбекистан «Дистанционный оптоэлектронный способ определения влажности хлопка-сырца» (№ IAP 2020 0563. 10.03. 2021).

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН ТАРИФ МОДЕЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

К.Ш. Кадиров

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Энергетика муаммолари институтини
kamoliddin.8484@mail.ru
(Қабул қилинди 11.02.2022 й.)

The article discusses the situation in developed countries and Uzbekistan to improve the system of allowable tariffs for electricity supplied to consumers by electricity suppliers. Since the calculation of electricity costs is based on the mode of operation of the system, the calculation of a certain time interval and the solution of this problem, the determination of the tariff price for increasing the efficiency of using electricity at loads are considered technological processes that determine the distribution of energy efficiency (power) currents.

Key words: power system, differentiated tariff, power supply organizations, consumers, power transmission networks.

В статье рассматривается ситуация в развитых странах и Узбекистане по совершенствованию системы допустимых тарифов на электроэнергию, поставляемую потребителям поставщиками электроэнергии. Поскольку расчет затрат на электроэнергию основан на режиме работы системы, расчет определенного временного интервала и решение этой задачи, определение тарифной цены на повышение эффективности использования электроэнергии при нагрузках считаются технологическими процессами, определяющими распределение токов энергоэффективности.

Ключевые слова: энергосистема, дифференцированный тариф, электроснабжающие организации, потребители, сети электропередачи.

Мақолада электр энергиясини истеъмолга узатишда етказиб берувчи ташилотлар томонидан истеъмолга этиб борадиган электр энергиясига мақбул бўлган тарифлар тизимини такомиллаштириш бўйича ривожланган мамлакатлар ва Ўзбекистондаги ҳолатлар кўриб чиқилган. Электр энергия харажатларини ҳисоб-китоб қилиш тизимнинг иш режимига асосланганлиги сабабли, маълум бир вақт оралигини ҳисоблаш ва ушбу муаммони ҳал қилиш, нагруклар даврида электр энергия самарадорлигини ошириш бўйича тариф нархини белгилаш электр тармоғи графиги бўйича энергия самарадорлиги (қувват) оқимларининг тақсимланишини белгилайдиган технологик жараёнлар кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: электр энергетика тизими, табақалаштирилган тариф, электр энергиясини етказиб берувчи ташкилотлар, истеъмолчилар, электр узатиш тармоқлари.

Электр энергиясини ишлаб чиқариш ва унинг самарадорлигини ошириб истеъмолга узатиш дунёнинг ривожланган мамлакатларида ўзгача рақобатбардош муҳит яратади ва ишлаб чиқарилган электр энергияси бозор механизмлари асосида белгиланган нарх (тариф)ларда истеъмолга узатилади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида электр энергиясини сотиш улгуржи ва чакана савдо бозорлари қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқарилади [1]. Ўзбекистон Республикасида эса электр энергиясини сотиш улгуржи ва чакана савдо бозори мавжуд эмас.

Электр энергетика тизимининг фаолият турлари бўйича белгиланадиган тўртта асосий қисми мавжуд, яъни:

- электр энергиясини ишлаб чиқариш харажатлари;
- электр энергиясини йўқолишларсиз узатишда энергия самарадорлиги бўйича хизматлар (тармоқ таркибий қисми);
- сотиш бўлими;
- инфратузилма бўлими.

Электр энергиясини ишлаб чиқариш харажатлари – деганда, электр энергияси ишлаб чиқариш давридаги ҳар бир кВт·соат электр энергиясини ишлаб чиқаришга сарф бўлаётган ёқилғи-ресурслари тушинилади. Ишлаб чиқарилган электр энергиясининг ўртача харажати бу унинг оптимал нархини танлаш учун имкон яратади. Бу электр энергиясини энг самарали тақсимлашга эришишга имкон беради [2].

Электр энергияси улгуржи ва чакана бозорларининг тузилиши ва ишлаш тамойиллари бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, ўртача энергия самарадорлигининг якуний қийматидаги ушбу таркибий қисмларнинг улуши 50% атрофида, лекин у истеъмолчиларнинг тарифларига қараб ўзгариб туради [3].

Электр энергиясини йўқолишларсиз узатишда энергия самарадорлиги бўйича хизматлар (тармоқ таркибий қисми) - электр энергиясини ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқарилган электр энергиясининг нархини максимал даражада оширишга ҳаракат қилади. Бунга сабаб тармоқ (линия), трансформатор ва бошқа йўқотишларни ҳам истеъмолчининг тариф нархига қўшишга мажбур бўлади. Электр энергетика тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти рақобат муҳитини шакллантиришда эмас, бунга сабаб Ўзбекистон Республикасида бундай муҳитнинг ўзи шаклланмаган.

Ташиш (транспортровка) хизматлари эса энергия самарадорлигини тақсимлаш билан боғлиқ. Электр энергиясини, электр станцияларидан истеъмолчиларгача бўлган масофаларга узатиш турли электр тармоқлари ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Ушбу хизматлар учун етказиб берувчи ташкилотлар томонидан тармоқ инфратузилмасини сақлаш, шунингдек энергия йўқотишларини қоплаш учун тўлов оладилар. Электр тармоқлари ташкилотлари ўз фаолиятини рақобатсиз амалга оширганлиги сабабли, “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ, ушбу фаолият тури тартибга солинади [4].

0,4 кВ да жойлашган истеъмолчилар учун электр энергиясини узатиш харажатларининг якуний нархидаги улуши умумий харажатнинг тахминан 75% бўлиши мумкин. Ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотишда, уни ташиш ва истеъмолчиларга қафолат билан етказиб берувчилар ўз хизматлари нархини белгилайди. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотишда рақобатдош ишлаб чиқарувчи ташкилотлари 1 кВт·соат электр энергияси учун нархларни тартибга солмайди. Бунга сабаб Ўзбекистон Республикасида айни кунда электр энергиясини сотишда бундай рақобатдош ташкилотларнинг ўзи йўқ.

Шунингдек, электр энергияси бозорларнинг ишлашини назорат қилувчи ташкилотларсиз бўлмайди. Энергия самарадорлигининг истеъмолга етказиб бергунча босиб ўтилган масофа давомидаги якуний қиймати турли хил қисмлар учун кўрсатилган фоизларда

ўртача ҳисобланади ва улар тариф даражасига кучли боғлиқ бўлади, бундан ташқари, улар Ўзбекистон Республикасининг турли субъектлари учун сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин [5].

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси электр энергетика тизимида мавжуд узатиш тармоқ (линия)ларининг умумий узунлиги 252269 км. ва ушбу узатиш тармоқ (линия)ларининг жисмонан ва маънан эскирган ҳолати 1-жадвалда келтириб ўтилган (2021 й.) [6].

1-жадвал

Жисмонан ва маънан эскирган электр узатиш тармоқлари

Электр узатиш тармоқлари	Умумий узунлиги (км.)	Жумладан:	
		Эскирган тармоқлар (км.)	Модернизация ва янгидан қуриш талаб этиладиган қисми (%)
ҲЛ 110 кВ	14 250,4	8 550,2	60
ҲЛ 35 кВ	13 811,6	8 425,0	61
ҲЛ 6-10 кВ	96 006,4	55 683,7	58
ҲЛ 0,4 кВ	128 200,7	75 638,4	59
ЖАМИ:	252 269,1	148 297,3	58,7

1-жадвалда ҳудудий электр тармоқлари балансида бўлган 0,4; 6-10; 35; 110 кВ ли электр узатиш тармоқлари, уларнинг умумий узунлиги, эскирган тармоқлар ва уларни модернизация ҳамда янгидан қуриш талаб этиладиган қисми (%)ларда келтириб ўтилган. Ҳудудий электр тармоқларининг балансида бўлган трансформатор пунктлари ва подстанцияларнинг ҳолати 2-жадвалда келтириб ўтилган.

2-жадвал

Трансформатор пунктлари ва подстанцияларнинг ҳолати

Подстанция қуввати	Умумий сони	Жумладан:	
		Эскирган нимстанциялар	Фоизда кўриниши
110 кВ	655	403	62
35 кВ	977	557	57
ЖАМИ:	1632	960	58,8

Электр узатиш тармоқлари ривожланиши ва инвестиций жозибдорлигига тусиқ бўлаётган омилларга кейинги йилларда республика саноати ва иқтисодиёт тармоқлари ривожланишида кузатилаётган ўсиш динамикаси энергетика соҳасини тубдан ислоҳ қилиш вақти келганини кўрсатмоқда [6].

Соғиш бўлимида - барча электр энергетика тармоқлари ташкилотлари харажатларини қоплаш учун истеъмолчилар фойдаланадиган электр энергиясига электр энергиясини етказиб берувчи ва истеъмолчиларга мақбул бўлган тарифни танлаш масаласи кўриб чиқилади. Бунда электр энергияси тарифи рағбатлантирувчи ва тартибга солувчи функцияни бажаради. Электр энергиясига бўлган талабдан келиб чиқиб рағбатлантириш учун етарлича паст ёки юқори бўлиши мумкин. Уни ишлаб чиқарувчиларни танланган мақбул тарифдан келиб чиқиб рағбатлантириш ва (ёки) истеъмолчиларни электр энергетика тизимининг тиғиз даврларида истеъмолни пасайтириш эвазига тунги даврларда назарда тутилади.

Ишлаб чиқариш қувватлари, ускуналари, электр тармоқларининг техник ва технологик ҳолати кўрсаткичлари, статистикаси, динамикаси электр энергиясини ишлаб чиқариш учун харажатларни ошириш тенденциясини очиб беради. Бундан хулоса қилиш мантиқан тўғри тарифларнинг ошишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Электр энергиясини узатиш тарифларни белгилаш Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирлигининг ваколатли назорат қилувчи органлари билан биргаликда Молия вазирлиги томонидан белгиланади [4].

Инфратузилма бўлими республиканинг барча ҳудудларида 110 кВ ва ундан паст кучланишларда тақсимловчи тармоқ (линия)лар мавжуд бўлиб, истеъмолчиларга электр энергиясини ўз вақтида узилишларсиз етказиб бериш учун ҳар бир ҳудудий электр тармоқлари ўз фаолиятини амалга оширади. Ушбу тармоқ ташкилотларининг барчаси туман ёки шаҳар электр тармоқлари ташкилотлари атамаси билан умумлаштирилган [7]. Юқори кучланишли тармоқларга нисбатан анъанавий равишда “электр энергиясини узатиш” атамаси қўлланилса, ўрта ва паст кучланиш синфларида “электр энергияси тақсимоти” атамаси қўлланилади. Инфратузилма бўлимида ушбу икки тушунча меъёрий ҳужжатларда кенг қўлланилади ва умумий қилиб “электр энергия трансфери” атамаси бирлаштиради [8].

Бир қанча хорижий мамлакатларда етказиб берилган электр энергияси учун истеъмолчиларнинг кучланиш даражаси бўйича фарқланиши, шу билан бирга истеъмол қилинган электр энергияси учун ҳамда линия ва трансформаторлардаги йўқотишлари учун тўловларнинг бир қанча турлари мавжуд [9]. Ушбу бўлим энергия самарадорлигини узатиш бўйича амалдаги тариф моделларини тузатиш, электр энергия етказиб берувчи ташкилотлар ва истеъмолчилар учун энергия узатиш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва харажатларни камайтиришда имтиёзлар яратиш механизмларини таклиф қилади.

Тармоқларда электр энергиясини истеъмолга узатишни икки босқичли жараён билан тарифлаш мумкин. Биринчи босқичда кўриб чиқиладиган тармоқнинг электр энергиясини узатиш хизматлари умумий қиймати, яъни подстанциялар, электр узатиш тармоқлари ва трансформаторлар ҳолатидаги ҳар бир ускунанинг умумий харажатларига мутаносиб равишда тақсимланади. Электр энергетика тизимида йўқотишлар, ускуналарга техник хизмат кўрсатишлар ва эрталабки ва кечки “тиғиз” даврлардаги нагрузкаларнинг ортиб кетишидан ишдан чиққан ускуналарни қайта ишга тушириш харажатлари ҳисобга олинади. Ҳисобланган қийматлар электр энергиясини узатиш бўйича хизматлар учун олинган маблағларнинг ҳақиқий миқдорига тўғри келиши керак. Электр энергиясини узатиш бўйича хизматларнинг умумий қиймати (нархи) кўриб чиқиладиган муаммонинг дастлабки маълумотлари бўлиб хизмат қилади ва бу ҳар йили тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида тармоқ ташкилотлари томонидан ҳисоблаб чиқилади. Белгиланган нархлар назорат қилувчи органларнинг электрон сайтларида ва оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилинади.

Электр энергия харажатларини ҳисоб-китоб қилиш модели тизимнинг иш режимига асосланганлиги сабабли, маълум бир вақт оралиғини ҳисоблаш ва ушбу муаммони ҳал қилиш биринчи босқичда амалга оширилиши керак. Нагрузкалар даврида электр энергия самарадорлигини ошириш бўйича хизматлар нархини белгилаш электр тармоғи графиги бўйича энергия самарадорлиги (кувват) оқимларининг тақсимланишини белгилайдиган технологик жараённинг моделига асосланиши зарур.

Муаммони ҳал қилишнинг иккинчи босқичида электр энергиясини истеъмолга узатиш бўйича хизматларнинг нархига мувофиқ амалга оширилади. Бу электр энергиясини, электр тармоғидан етказиб беришнинг сўнгги нукталаригача электр энергиясини узатиш жараёнида иштирок этадиган барча электр тармоқда мавжуд ускуналаридан (электр линиялари ва подстанциялар) фойдаланишни ҳамда нагрузкалар даврининг ҳисобини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда муаммони ҳал қилишнинг умумий учта бўлими шаклланди, яъни:

- электр тармоғига техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бўлим (C_{Σ}), маълум бир электр тармоғи ускунаси билан бевосита боғлиқ ва тўғридан-тўғри схема ёрдамида тақсимланади;

- ҳар бир ускунанинг техник йўқотишларига мутаносиб равишда электрон элементлар ўртасида тақсимланган электр энергия йўқотишларини қоплаш харажатлари билан боғлиқ бўлим (C_{Σ}^A).

- подстанциянинг ишлаши билан электр жиҳозларининг анъанавий бирликлари асосида нагузкалар даврида ускуналарнинг эрта ишдан чиқишига олиб келадиган бўлим (C_{Σ}^b).

Нагузкалар даврида ишдан чиққан асосий воситаларни таъмирлаш ва сарфланадиган материаллар харажатларини ўз ичига олади. Бу харажатлар молиявий ҳисоботлар асосида электр тармоқлари мажмуасининг ўзига хос ускуналари билан бевосита боғлиқдир.

Электр энергетика тизими нагузкаларни давридаги йўқотишларни қоплаш бўйича умумий харажатларни ҳар бир тармоқ ускуналарининг умумий техник энергия йўқотишларига қўшган ҳиссасига мутаносиб равишда тақсимлаш мақсадга мувофиқдир. Нагузкалар давридаги йўқотиш харажатлари тариф нархига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Адабиётлар

- [1]. Gochenour C., Silvennoinen A., Antila H., Pulkkinen R. Regulation of heat and electricity produced in combined heat-and-power plants // World Bank Technical Paper. October – 2003. –130 p.
- [2]. Н.Л. Петшак, Структура затрат на производство электроэнергии // Вестник КрасГАУ. 2013. №2, стр. 157-161.
- [3]. Siitonen S., Holmberg H. Estimating the value of energy saving in industry by different cost allocation methods // INTERNATIONAL JOURNAL OF ENERGY RESEARCH. DOI 10.1002/er.1794. September 2010. P.12.
- [4]. “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни 1997 йил 25 апрель 412-І-сон.
- [5]. .М.Муратов, К.Ш.Кадиров, К.Нурматов Дифференцированный тариф на электрическую энергию - способ снижения нагрузки на электроэнергетическую систему // Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Информатика ва Энергетика муаммолари, 2019-йил, №5, 54-57 бет.
- [6]. У.Мустафоев “Худудий электр тармоқлари бошқарув раисининг мурожаати” 2020 й. 87-бет.
- [7]. Зорина, Т.Г. Устойчивое энергетическое развитие: сущность, предпосылки, критерии, принципы и методика оценки / Т.Г. Зорина // Вестник ВИЭСХ. – 2016. – № 2. С. 95-102.
- [8]. Zoryna, T.G, Mikhalevich, A.A. Energy from the Perspective of Sustainable Development / T.G. Zoryna, A.A. Mikhalevich // Energy Systems Research. – 2018. – Vol. 1. # 3. P. 47-52.
- [9]. Technology Map of the European Strategic Energy Technology Plan / European Commission, Joint Research Centre, Institute for Energy and Transport. 2011.

УЎТ 631.317

FAOL TUPROQQA ISHLOV BERUVCHI MASHINALARINING TAKOMILLASHGAN ISHCHI ORGANINI ISHLAB CHIQUISH

Sh.U. Ishmuradov, R.B. Abdumajidov

Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti
[\(Qabul qilindi 15.01.2022 y.\)](#)

The article presents the results of research on the development of an improved construction of the resource-increasing resource of the finished working body(knives)of milling machines with an active working body that processes soil.

Keywords: *horizontal, vertical, milling cutter, knife, bolted connections, power shaft, improved, working body, resource, active, construction, tillage.*

В статье представлены результаты исследований по разработке усовершенствованной конструкции для увеличения ресурса законченных(изношенных) рабочих органов(ножей) активных рабочих органов фрез.

Ключевые слова: *горизонталь, вертикаль, фреза, нож, болтовые соединения ВОМ, усовершенствованный, рабочий орган, ресурс, активный, конструкция, обработка почвы.*

Maqolada tuproqqa ishlov beruvchi faol ish organli frezalarning resursi tugagan(yeyilgan) ishchi organ(pichoq)larining resursini oshirishning takomillashgan konstruksiyasini ishlab chiqish bo'yicha olib borilgan tadqiqotlarning natijalari keltirilgan.

Kalit so'zlar: gorizontal, vertical, freza, pichoq, boltli birikmalar QOV, takomillashgan, ishchi organ, resurs, faol, konstruksiya, tuproqqa ishlov berish.


Respublikamiz qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishida resurslarni tejash, mehnat va energiya sarfini kamaytirish, qishloq xo'jalik ekinlarini ilg'or texnologiyalar asosida etishtirish va ularni amalga oshirishda qo'llaniladigan yuqori unumli mashinalar ishlab chiqarish, mavjudlaridan foydalanish samaradorligini oshirish yuzasidan keng qamrovli chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Ushbu vazifalarni amalga oshirish uchun jumladan tuproqni ekishga tayyorlashda qo'llaniladigan mashina va qurilmalarni texnik va texnologik jihatdan modernizatsiyalash, ish organlarining resursini jahonning ilg'or korxonalarida ishlab chiqilayotgan ish organlar resursi darajasiga etkazish hisobiga ekinlardan yuqori hosil olish va ularning tannarxini pasaytirish muhim masalalardan biri hisoblanadi.

Tuproqqa ishlov berishda qo'llaniladigan mashinalar ishchi organlarining konstruksiyasini takomillashtirish va ishlash muddatini oshirishga V.P.Goryachkin, G.N.Sineokov, Ye.P.Ogryzkov, M.M.Xrushov, M.M.Severnev, M.M.Tenenbaum, A.Sh.Rabinovich, V.N.Tkachev, A.I.Selivanov, V.I.Kazarsev va boshqalar, Respublikamizda G.M.Rudakov, R.I.Baymetov, A.X.Xadjiev, V.A.Sergienko, M.Murodov, A.Tuxtakuziev, S.N.Shamshetov, M.V.Vaxobov, K.K.Nuriev, M.T.Madazimov va boshqa tadqiqotchi olimlar katta ilmiy va amaliy hissa qo'shganlar.

Ular tomonidan olib borilgan tadqiqotlar asosida ishchi organlarning turli konstruksiyalari yaratilgan va mavjudlari takomillashtirilgan, natijada tez eyiladigan ishchi organlarning ishga yaroqliligi va umrboqiyiligi sezilarli darjada ortgan. Ammo ushbu tadqiqotlarning ko'plari Markaziy Osiyoning sug'oriladigan erlari uchun mo'ljallanmagan yoki konstruksiyalarning maqbul parametrlarini asoslash bilan cheklanilgan. Bugungi kunda Respublikamizda qishloq xo'jalik mashinalarini ishlab chiqaradigan korxonalar ilmiy asoslanmagan material va konstruksiyaga ega bo'lgan ishchi organlar ishlab chiqarayotganligi ushbu muammoni yanada murakkablashtirmoqda [1-2].

Gorizontal o'qdagi freza barabani gorizontal yoki vertikal joylashgan o'q atrofida aylanadi. U traktorning quvvat olish vali (QOV) dan majburan aylanma harakatga keltiriladi. Frezaning aylanish tezligini keragicha o'zgartirib, tuproqni sifatli maydalashga erishiladi. U bilan erga $a = 25$ sm chuqurlikkacha ishlov berish mumkin.

Gorizontal frezaning namunaviy tuzilishi 1- rasmda keltirilgan. Uning ishchi qismi: uchi bukilgan pichoq 2 lar disk 3 larga o'rnatilib, barabanni tashkil qiladi. Disk 3 lar barabanni aylantiradigan val 1 ga erkin kiydirilgan bo'lib, ularni bir-biridan ajratib turadigan friksion disk 4 lar esa mazkur valga shponka yordamida mahkamlangan. Disk 3 va 4 larni bir-biriga siqilib turish darajasini maxsus prujina yordamida o'zgartirish mumkin. Demak, harakat val 1 dan pichog'li disk 3 ga friksion disk 4 ning ishqalanish kuchi hisobiga uzatiladi.



1-rasm. Tuproq frezasi. a – freza barabani; b – texnologik ish jarayoni; 1 – val; 2–pichoqlar; 3 va 4– disklar; 5–osish ustuni; 6 va 7– reduktorlar; 8– g'ilof; 9–panjara; 10– chuqurlikni sozlagich; 11 – tayanch g'ildiragi.

Agar biron diskdagi pichoq to'siqqa uchrab qolsa, diskni toyishi hisobiga vaqtincha aylanmasdan qoladi, pichoqlar sinishdan saqlanadi. Pichoq to'siqdan o'tgandan so'ng, disk yana aylanib ketadi.


Freza pichog'ining tezligi katta bo'lganligi sababli, u tuproq qirindisini katta tezlikda uzoqqa irg'itadi. Irg'itilgan tuproqni kerakli

joyga yotqizish maqsadida freza barabani maxsus g'ilof 8 bilan yopiladi. G'ilofning pastki cheti xaskash 9 bilan tugagan bo'lib, pichoqlar irg'itayotgan tuproq xaskash 9 ga urilib, qo'shimcha maydalanadi. Traktor QOV idan barabanga harakat 6 va 7 reduktorlar orqali uzatiladi.

Ish jarayonida freza ramasi ikkita g'ildirak 11 ga tayanib, ishlov berish chuqurligi a ni bir me'yorda ta'minlab turadi. a ni sozlash uchun g'ildirak holatini (balandligi) ramaga nisbatan vintli mexanizm 10 yordamida o'zgartiriladi.

Freza pichoqlari bukilgan va bukilmagan chopqi, iskanasimon ko'rinishda bo'ladi (2- rasm) [3].

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda shuni takidlash lozimki, faol ishchi organli tuproqqa ishlov berish mashinalari ishchi qismlari, ya'ni pichoqlari eng tez eyilib ishdan chiqadigan ishchi organi hisoblanadi. Shuning uchun ishlash jarayonida ular tez-tez yangisiga almashtirib




2-rasm. Freza pichoqlari. a – yassi pichoq; b – egilgan pichoq; d – prujinasimon ilgaksimon pichoq; e – iskanasimon pichoq.

turiladi va shu sababli tuproqqa ishlov berishda faol ish organli ehtiyot qismlarga bo'lgan talab yuqori hisoblanadi. Respublikamiz qishloq xo'jalik mahsulotlarini etishtirishda paxta, g'alla va boshqa ekinlarni etishtirishda qo'llaniladigan tuproqqa ishlov berish mashinalarining faol ish organlarini mahalliy xom ashyolardan foydalangan holda tejankor, samarali va fermerbop usul va takomillashgan konstruksiyasi ishlab chiqish hozirgi kunning dolzarb muammolaridan biridir [4].

Shuni ta'kidlash lozimki, tuproqqa ishlov beruvchi faol ish organlariga ega bo'lgan mashinalarning sarf-xarajatlar sarfini kamaytirishda ularning pichoqlari eyilgan qismi(asos) 1 ni, maxsus qo'shimcha qisim 2 ga boltli birikma 3,4,5 lar yordamida mahkamlash va resursini qayta tiklash orqali qishloq xo'jaligi mahsulotlarini etishtirishda sarf-xarajatlarning kamayishiga, iqtisodiy samaradorlikni ortishiga olib keladi (3-rasm).

Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti tadqiqotchilari shu sohada ilmiy izlanishlar olib bormoqdalar. Tajribalarimizda tuproqqa ishlov beruvchi faol ish organ(pichoq)larining resursi tugagan ishchi qismlarini qayta ta'mirlab, ularga maxsus qo'shimcha qisimlarni boltli birikmalar bilan o'rnatish orqali, ularning resurslarini qayta tiklash orqali import miqdorini kamaytirishga qaratilgan. Izlanishlar shuni ko'rsatdiki, ishqalanish natijasida eyilgan faol(freza) ishchi qismlariga maxsus qo'shimcha qisimning konstruksiyasi ishlab chiqilib uning tajriba nusxasi ishlab chiqildi (4-rasm).



3-rasm. Takomillashgan faol ishchi organni qisimlarga ajratilgan holatining umumiy ko'rinishi. 1-asos; 2-maxsus qo'shimcha qisim; 3-bolt; 4-purjinali shayba; 5-gayka.



4-rasm. Takomillashgan faol ishchi organining umumiy ko'rinishi.

Xulosa

Respublikamiz va xorijda qo'llanilayotgan va ishlab chiqilgan tik tekislikda harakatlanuvchi faol ishchi organli mashinalarining resursi tugagan(yeyilgan) ishchi organlariga taklif etilgan maxsus takomillashgan qo'shimcha qisimlarni boltli birikmalar bilan mahkamlash orqali tuproqqa ishlov berishda qo'llaniladigan faol ishchi organli mashinalar ishchi qisimlarining resursini oshirishning samarali, tejamkor, fermerbob usul bo'lib xizmat qiladi.

Adabiyotlar

- [1]. Косимов К.З., Муйдинов А.Ш., Мадазимов М.Т., Хошимов Х.Х. Перспективы восстановления изношенных деталей машин наплавкой композиционных порошковых материалов. // БГАУ научный журнал "ВЕСТНИК". – № 3 (43). – Башкортостан, 2017. – Б. 54-56.
- [2]. Фархшатов М.Н., Муйдинов А.Ш., Мадазимов М.Т. Перспективы сотрудничества с республикой Узбекистан в области восстановления изношенных деталей сельскохозяйственных машин. // ТРУДЫ ГОСНИТИ – Том 130. – Москва, 2018. – С. 163-167.
- [3]. M.Shoumarova, T.Abdillatev Qishloq xo'jaligi mashinalari. – T.: "O'qituvchi", 2009. – 504 b.
- [4]. Ишмурадов Ш.У., Абдумажидов Р.Б. Тупроққа ишлов бериш машиналари фаол иш органларини қайта тиклашнинг тежамкор, самарали усулини ишлаб чиқиш // Инновационные пути решения актуальных проблем развития пищевой и нефтегазохимической промышленности: Материалы Международной научно-практической конференции. – Бухоро, 2020. – ст. 492-495.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЭЛЕКТРОКОНТАКТНОГО НАГРЕВА ДЛЯ НАНЕСЕНИЯ ПОКРЫТИЙ ИЗ КОМПОЗИТНЫХ И ПОРОШКОВЫХ МАТЕРИАЛОВ

З.Л. Алимбабаева

*Филиал РГУ нефти и газа (НИУ) имени И.М.Губкина в г. Ташкенте
г.Ташкент, Дурмон йўли -34, E-mail:alimbabaevazulxumor@gmail.com
(Получена 6.05.2022 г.)*

Some technological aspects of applying conductive powder compositions to metal products using roller electrodes are presented in the article. It has been observed that alternating electric current makes this ferrimagnetic metal powder difficult.

Key words: *electrocontact sintering, surface hardening, metal strength, fracture, basic mechanisms, phase hardening.*

Приведены некоторые технологические аспекты нанесения токопроводящих порошковых композиций на металлические изделия с использованием роликовых электродов. Было отмечено, что переменный электрический ток затрудняет этот ферромагнитных металлических порошков.

Ключевые слова: *электроконтактного спекания, поверхностного упрочнения, прочности металлов, разрушения, основных механизмов, фазовый наклеп.*

Rolikli elektrodlar yordamida metall mahsulotlarga Supero'tkazuvchilar kukunli kompozitsiyalarni qo'llashning ba'zi texnologik jihatlari keltirilgan. O'zgaruvchan elektr toki bu ferrimagnit metall kukunini qiyinlashtirishi kuzatilgan.

Kalit so'zlar: *elektrokontaktli sinterlash, sirtni qotirish, metall mustahkamligi, sinish, asosiy mexanizmlar, fazali qotish.*

Существует более сотни методов поверхностного упрочнения обработки металлов и сплавов, с помощью которых удается в той или иной степени повышать работоспособность деталей узлов трения и инструментов. Технология поверхностного упрочнения совершенствуется всё более ускоряющейся темпами, чему в немалой степени способствует развитая теоретическое представление о поверхности прочности металлов. В частности, концепция «Структурная приспособляемости» материалов при трении и правильное понимание основных механизмов этого явления - активации и пассивации - позволяют сознательно управлять поверхностной прочностью и разрушением материалов.

По назначению все методы упрочнения поверхностей трения можно разбить на две группы. К первой относятся те из них, которые позволяют получать поверхность со свойствами, обеспечивающими возможность оптимальной перестройки и дополнительного упрочнения в условиях эксплуатации. Это механические и фазовый наклеп, некоторые виды химико-термической обработки.

Все они расширяют диапазон процессов нормального трения и изнашивания вторую группу составляют методы создания первичной структуры с максимально возможной стабильностью по отношению к химическим и механическим воздействиям.

В то же время существует ещё одна разновидность нанесения покрытий, это электроконтактное нанесение твёрдосплавных покрытий, которые являются одним из более универсальных методов целенаправленной модификации свойств поверхностных слоёв материалов.

- [5]. Ubaydullayev M.M. G'ozada defoliatsiya o'tkazishning maqbul me'yor va muddatlari. Monografiya. Farg'ona - AL - FERGANUS - 4.11.2021. <https://zenodo.org/record/5722721#.YbIuRNJBzIU>
- [6]. Aluminum-based composition materials for processing aluminum scrap J.M. Usmonov, S.M. Shakirov, M.M. Ubaydullayev, S.O. Parmonov. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal 11 (8), 590-595
- [7]. Ubaydullayev M.M., Ne'matova F.J., Marufjonov A. Determination of efficiency of defoliation in medium-fiber cotton varieties. Galaxy international interdisciplinary research journal (giirj). Volume 9, Issue 11, November, 2021. SJIF Impact Factor: 7.472 <https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/453>
- [8]. Ubaydullaev, M. M., Askarov, Kh. Kh., & Mirzaikromov, M. A. (2021). Effectiveness of new defoliant. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (104), 789-792. <http://t-science.org/axivDOI/2021/12-104/PDF/12-104-84.pdf>
- [9]. Убайдуллаев, М. М. Хорижий ва маҳаллий дефолиантларнинг самарадорлигини аниқлаш. Международный научно-образовательный электронный журнал «Образование и наука в XXI веке». Выпуск №18 (том 2) (сентябрь, 2021). 889-893 бетлар. https://www.mpcareer.ru/files/ugd/a62191_13c5eb1ba7de4b1dacbe6f4eea018c02.pdf
- [10]. 11. Sh.T. Ubaydullaeva, M.M. Ubaydullaev. Study of the effect of defoliant on cotton plants. Fergana, 2021. №10 pr-47-50. <http://t.me/ilmiyishlar>. https://telemetr.io/uk/channels/1305170500-ilmiy_ishlar_konfrensiyalar/posts/

ЗАМОНАВИЙ МЕДИА МАЙДОН МУҲИТИДА ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

А.А. Холмурзаев

Фаргона политехника институти, abdirasul60@gmail.com, xolmurzaev.abdirasul@ferpi.uz
(Қабул қилинди 19.05.2022 й.)

The article describes the concepts of "independent learning" and "independent work", which are considered important in the process of training mature specialists. In studies conducted on them, various opinions and opinions have been given on the interdependence of these two concepts. The necessity of a systematic organization of self-study with the use of modern media content is emphasized in the given article.

Keywords: independent learning, independent education, productive, reproductive, media environment.

В статье рассказывается о понятиях "самостоятельное обучение" и "самостоятельная работа", которые считаются важными в процессе подготовки зрелых специалистов. В исследованиях, проведенных по ним, были даны различные мнения и мнения о взаимозависимости этих двух концепций. Подчеркивается необходимость системной организации самостоятельного обучения с использованием современного медиаконтента.

Ключевые слова: самостоятельное обучение, самостоятельное образование, продуктив, репродуктив, медиа среда.

Мақолада замонавий ўқитиш жараёнида етук мутахассислар тайёрлаш жараёнида муҳим саналган "мустақил таълим" ва "мустақил иш" тушунчалари ҳақида сўз юритилган. Улар юзасидан олиб борилган тадқиқотлар, турли қарашлар ва бу икки тушунчанинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисида фикрлар берилган. Замонавий медиа контентдан фойдаланиб мустақил таълим олишни тизимли ташкил этиш зарурлиги таъкидланади.

Калим сўзлар: мустақил иш, мустақил таълим, продуктив, репродуктив, медиа муҳит.


Замонавий педагогик адабиётларда "мустақил иш" атамаси аниқ таъриф ва изоҳ етарли даражада эмас. Турли тадқиқотларда иборанинг контекстига қараб, уни турли йўллар билан белгилайдилар, кўпчилик тадқиқотларда иборага унинг мазмунини очиш учун зарур бўлган изоҳни беришга ҳаракат қилинмаган. "Мустақил иш" тушунчаси талқинидаги ноаниқлик, бизнинг фикримизча, бу тушунча ҳақидаги умумий назарий тасаввуримизни чалкаштиради, натижада талабаларнинг мустақил ишини қандай ташкил этиш ва бошқаришни белгилашимизга салбий таъсир кўрсатади.

Олий таълимда "мустақил иш" талаба олдида турган вазифаларни ҳал қилиш йўллари ва воситаларини танлашда мустақиллик ғояси билан боғлиқ деган тушунча мавжуд ва

шунинг учун у "университет ўқитувчиларининг раҳбарлиги ва ёрдамисиз ўрганиш" деб ҳисобланади [1,с.91]. "Билимларни мустақил ўрганиш университет талабаси фаолиятининг энг характерли кўриниши ҳисобланади. Мустақил иши – бу талабаларнинг ўз-ўзини тарбиялаши, таълим жараёни билан параллел равишда, у билан органик боғлиқ алоқада бўладиган жараён" [1, с.92].

Аммо "мустақил таълим" тушунчасининг моҳиятини тушунишда яна бир ёндашув мавжуд. "Ўқитувчилар томонидан талабанинг мустақил фаолиятига ёндашувнинг камайиши, яъни мустақил фаолият ўқитувчи раҳбарлигига муҳтож эмас деган фикр билан ташкил этилиши талабанинг ақлий ва амалий фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, унинг ижодий ривожланишини, мантикий қобилиятларини тарбияланишини ва булғуси мутахассиснинг энг муҳим сифатлари қаторида бўлган “мустақил бўлиш” қобилиятини шаклланмай қолишига олиб келади [1, с.103].

Мустақил ишлар бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлаш тизимида алоҳида ўрин тутади, талабалар ўқув фаолиятининг барча таркибий қисмларини камраб олади, маълум контекстларда уни ўқитишнинг шакли, усули ва воситаси сифатида қараш мумкин. Самарали ташкил этилган мустақил ишларсиз замонавий мутахассисни самарали тайёрлаш



Шакл 1.

мумкин эмас. Бу узлуксиз таълимнинг энг кўп қиррали ва мослашувчан шакли. Бироқ, унинг вазибалари мустақил иш вазибаларидан анча кенгдир. Улар университетда илмий ишлар доирасидан анча ташқарига чиқадилар. Мустақил ишлардан фарқли равишда ўз-ўзини тарбиялаш нафақат университетда ўқиш давомида янги билимларни ўзлаштириш, чуқурлаштириш ва ўзлаштириш шакли, балки битирувдан сўнг ёш мутахассисларни узлуксиз ўқитиш шакли ҳамдир [3,4,5,6,7,8,9]. Бинобарин, "ўз-ўзини ривожлантириш" ва "мустақил иш" тушунчалари эквивалент эмас. Бу тушунчаларни аниқлаш уларни ўқув жараёнида амалга ошириш воситалари, шакллари ва усуллари танлашда чалкашликка олиб келади. Бизнинг фикримизча, мустақил ишни фақат ўз-ўзини тарбиялашнинг кенгроқ мақсадларни кўзловчи ажралмас қисми сифатида тушуниш лозим.

Сўнгги тадқиқотларда "мустақил иш" ва "ўз-ўзини тарбиялаш" тушунчаларини аралаштириб юбориш масаласига эътибор қаратилди. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда бўлажак мутахассислар ўртасида ўз-ўзини тарбиялаш кўникмаларини шакллантириш масалалари анча долзарб бўлиб қолди. Янги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, фаннинг жадал ривожланиши, илмий назариялар "яшаш цикли"нинг қисқариши, билимларнинг тез "эскириши" замонавий мутахассислардан доимий такомиллашиб, янги билимлар олишни талаб қилади. Бу ҳолда замонавий мутахассисни тасаввур қилишнинг иложи йўқ. Педагогикада илгари олинган билимларни доимий равишда янгилашнинг бундай тизими, одатда, ўз-ўзини тарбиялаш деб аталади.

Мустақил иш талабанинг касбий фаолиятида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, у ўқитувчи томонидан ташкил этилади ва бошқарилади, кейинги дарсга тайёргарлик кўриш ёки муайян алгоритмга мувофиқ баъзи вазибаларни ҳал қилиш кўникмаларини амалда қўллаш учун уй вазибаси билан аниқланмайди. Топшириқ фақат унинг элементи бўлиши мумкин. Мустақил ишлар ўқитувчининг аудиторияда самарали ташкил этилган ўқув фаолиятининг натижаси бўлиб, уни кенгайтириш, чуқурлаштириш, аудиториядан ташқари давом эттиришга ундайди. Ўқитувчи учун бу нафақат уларнинг иш режасини англаш ва амалга оширишни эмас, балки талабаларнинг фанни ўзлаштиришнинг муайян схемаси сифатида касбга тайёрлаш таълим вазибаларини ҳал қилиш қобилиятини шакллантириш истагини ҳам англатади.

Педагогик назарияда ўқув фаолиятининг икки тури мавжуд: репродуктив ва продуктив. Ҳар бир фаолият тури икки даражада амалга оширилади. Репродуктив - танишиш

(тан олиш) ва қайта ишлаш даражаларида, продуктив - қўллаш ва яратиш даражаларида намоён бўлади. Даражаларнинг ҳар бири муайян хусусиятларга эга.

Танишиш даражаси билим ва фаолият усуллариининг ўзлаштирилишининг пастки даражаси эканлиги билан тавсифланади, бироқ олдинги тажрибага асосланиб талабалар ўрганиш объектини ўрганишлари мумкин.

Қайта ишлаш даражаси билим ва фаолият усуллариини нисбатан паст даражада ўзлаштириши билан ҳам тавсифланади, бироқ бу даражада ўқувчилар олдиндан ўрганилган ҳаракатларни намуна бўйича ва типик вазиятда қўллашлари мумкин.

Қўлланиш даражаси билимларни анча юқори даражада ўзлаштириш ва фаолият йўллариини шакллантириш билан тавсифланади. Ушбу даражадаги талабалар ўз билимларини ноодатий вазиятларда, ностандарт вазифаларни ҳал қилишда қўллашлари мумкин.

Ижодкорлик даражаси билимларни юқори даражада ўзлаштириши ва турли ҳаракат усуллариини эгаллаши билан ажралиб туради. Бу даражадаги талабалар билимларни фақат ностандарт эмас, балки ижодий, тадқиқий вазиятлар - топшириқларда ҳам қўллайдилар.

2019-2020 ўқув йилидан бошлаб пандемия сабабли ўқув жараёни online тарзда ташкил этилди. Масофада туриб ўқув жараёнини ташкил этилишида талабаларнинг мустақил ишлай олиш кўникмаларининг етарли даража эмаслиги яққол намоён бўлди. Профессор-ўқитувчилар томонидан ҳам шу муаммолар қийнади. ZOOM видеоконференция дастури воситада ташкил этилган маъруза ва амалий машғулотларда интернет тармоғидаги видео контентдан кенг фойдаланилди. Бироқ улардан тизимли фойдаланишда, жараёнда талаба ва ўқитувчининг ҳамкорликда иштирокини таъминлашда етарли методик кўрсатмалардан фойдаланилмади.

Юқоридаги муаммоларнинг чуқур тадқиқ қилиш эса замонавий медиа контентдан тизимли фойдаланиш бўйича зарур тавсияларни тайёрлаш имконини беради.

Олий таълимда мустақил иш таълим жараёнида мустақил фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос педагогик воситасидир, деган фикр мавжуд [3].

Илмий-методик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, замонавий АКТни педагогик жараёнга таълим муҳити сифатида жорий этиш икки ёндашувни очиб беради. Биринчиси, педагогик жараённинг анъанавий шаклини сақлаб, электрон ўқув нашрлари шаклида турли хил педагогик дастурларга асосланган ўқитиш усуллари ва воситаларини ўзгартиришни ўз ичига олади. Иккинчи ёндашув педагогик жараённинг ташкилий шакли – анъанавийдан масофавий таълимга ўзгариши билан боғлиқ. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда анъанавий машғулотларда масофавий ўқитишнинг турли шакллари, усуллари ва воситаларидан фойдаланадиган бундай машғулотлар кенг қўлланилмоқда.

Фарғона политехника институтида ўтказилган тажриба шуни кўрсатдики, талабаларнинг замонавий медиа муҳитида ташкил этилган мустақил ишлари мустақил таълим ва когнитив фаолият учун кўпроқ имкониятлар яратади. Ўқув ҳамда когнитив фаолиятнинг мазмуни, унинг технологик таркибий қисмларини тўлдиришда мотивацион компонентни юқори даражада сақлашга имкон беради. Ушбу факт замонавий медиа муҳитида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш методологиясининг асосини ташкил этди, бу ўз-ўзини ўрганишнинг шакл, усул ва воситаларидан фойдаланишни ўз ичига олади. Жумладан, замонавий медиа муҳитида содир бўладиган педагогик алоқа ўқув ва билимни бошқариш воситаси сифатида ўзига хос хусусиятларининг муҳим жиҳатларини очиб берди. Мотивацион, инфорацион ва баҳоловчи-амалий компонентларни ўз ичига олган замонавий медиа муҳитига мослаштирилган мустақил таълим ва когнитив фаолият модели шундай самарали воситалар қаторидан ўрин олади.

Тадқиқот босқичма-босқич амалга оширилди. Дастлаб, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг биринчи босқичи замонавий медиа муҳитида ахборот олишни, уни излаб топишни ташкил этиш билан боғлиқдир. Талабага мавзу доирасидаги интернетда мавжу маълумотларнинг манзиллари берилди ва улар материалларни мустақил равишда қидириб топадилар.

Мустақил ишларни ташкил этишнинг навбатдаги босқичи - бу топилган маълумотларнинг ишончилиги, тўлиқлиги, долзарблигини асослашни ўз ичига олган ахборот таълим манбаларидан материалларни мустақил равишда баҳолаш.

Талабалар интернетда топилган маълумотларни қандай топиш, қайта ишлаш ва танқидий баҳолашни ўргангандан сўнг, биз талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг кейинги босқичига ўтишни таклиф қилишимиз мумкин. Бу босқич талабаларнинг мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, масофавий мулоқотларда иштирок этишлари, дискуссиялар қилишларидир. Бажарган ишлари, қилган хулосаларини ўртага ташлаб, уларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилишларидир.

Сўнгги босқичда талаба берилган топшириқни бажаради ва тегишли равишда ўқитувчига текшириш ва баҳолаш учун юборади.

Адабиётлар

- [1]. Никандров Н.Д. Педагогика высшей школы. - Л. : Педагогика, 1990. -437 с.
- [2]. Беспалько В. Образование и обучение с участием компьютеров (педагогика третьего тысячелетия) / В.П.Беспалько. - М. : Академия, 2002. - 352 с.
- [3]. Андреев В. Педагогика творческого саморазвития. – Книга 2. – Казань: Изд-во Казанского Университета, 1998. – 318 с.
- [4]. Kholmurzaev, A. A., & Tokhirov, I. K. (2021). The active participation of students in the formation of the educational process is a key to efficiency. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(4), 435-439.
- [5]. Kholmurzaev, A. A., & Polotov, K. K. (2020). METHODS OF USING MEDIA EDUCATION IN THE LEARNING PROCESS. *Theoretical & Applied Science*, (5), 205-208.
- [6]. Холмурзаев, А. А., Мадаминов, Ж. З., Рахронов, Д. М., & Расулжонов, И. Р. (2019). Методика развития профессиональной компетентности информационно-технических средств будущих учителей черчения. *Актуальная наука*, (4), 112-115.
- [7]. Kholmurzaev, A. A., Alijonov, O. I., & Madaminov, J. Z. (2020). Effective tools and solutions for teaching "Drawing-geometry and engineering graphics". *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 58-61.
- [8]. Усманов, Д. А., Умарова, М. О., Абдуллаева, Д. Т., & Ботиров, А. А. У. (2019). Исследование эффективности очистки хлопка-сырца от мелких сорных примесей. *Проблемы современной науки и образования*, (11-1 (144)).
- [9]. Холмурзаев, А. А., Алижонов, О. И., Мадаминов, Ж. З., & Каримов, Р. Х. (2019). Эффективные средства создания обучающих программ по предмету «Начертательная геометрия». *Проблемы современной науки и образования*, (12-1 (145)).
- [10]. Абдуллаева, Д. Т., Каримов, Р. Х., & Умарова, М. О. (2021). Мактаб таълим тизимида чизмачилик фанини ривожлантириш ва билим бериш жараёнини такомиллаштириш. *Scientific progress*, 2(1), 323-327.

OLIV O'QUV YURTLARIDA SHIZMA GEOMETRIYA VA MUHANDISLIK GRAFIKASI FANIDA TALABALARNI TEST TOPSHIRIQLARIGA JALB QILISH VA TEST SINOVLARINI O'TKAZISH

I.H. Toxirov

*Farg'ona politexnika institute, islombek.toxirov1993@gmail.com
(Qabul qilindi 19.02.2022 y.)*

The article describes the existing problems and their solutions, as well as the theoretical foundations in the development and organization of test tasks for independent study by students of the direction "Descriptive Geometry and Engineering", assessment of students with test tasks and the formation of knowledge, skills and abilities. and abilities.

Keywords: coal, adsorbent, sulfurization, acid activation, granulation, local raw materials

В статье описаны существующие проблемы и их решения, а также теоретические основы в разработке и организации тестовых заданий для самостоятельного изучения студентами направления «Начертательная геометрия и инженерия», оценивания учащихся тестовыми заданиями и формирования знаний, умений и навыков. и способности.

Ключевые слова: *тест, тестирование, методология, достоверность, надежность, тестовый контроль, самостоятельная работа*

Мақоллада “Chizma geometriya va muhandislik” fanlaridan talabalar mustaqil bilim olishlari uchun test topshiriqlarini tuzish, tashkil etish, talabalarning test topshiriqlari bilan baholash hamda bilim, ko'nikma, malakalarini shakllantirishda mavjud muammolar hamda ularning yechimlari va nazariy asoslari yoritilgan.

Tayanch so'zlar: *test, test nazorati, motivatsiya, metodologiya, haqiqiylik, ishonchlilik, mustaqil ta'lim*

Hozirgi kunda davlat, jamiyat, fan va ishlab chiqarishning hozirgi rivojlanish darajasi mutaxassislarini yetuk malakali kadrlar tayyorlash jarayonida talabalarning mustaqil ishlarni tashkil etishga bo'lgan talablarni belgilab turibdi. Oliy ta'lim tizimida test ko'rinishidagi didaktik materiallarni o'quv jarayoniga tadbiq etish masalalari tobora takomillashib bormoqda.

Test topshiriqlarini tayyorlash bilan shug'ullanadigan mutaxassislar o'rtasidagi yuqori darajadagi raqobat, test topshiriqlarni ishlab chiqish bo'yicha intellektual qobiliyatni shakllantirishda oliy o'quv muassalarining imkoniyatlarni aniqlash dolzarbligini ko'rsatdi. Ta'limning turli shakllaridan kelib chiqib, test topshiriqlarni tayyorlashning yangi sharti sifatida oliy ta'lim ustuvorligini belgilaydigan ishlar zarur. Shunga ko'ra, mutaxassislariga bo'lgan talabni va tobora yangi va texnologik jihatdan rivojlangan axborot vositalari va multimedia mahsulotlarni global rivojlanish bilan belgilaydi. Axborot texnologiyalariga asoslangan innovatsion usullarni joriy etish, amaliy bilimlarni va talabalarga shaxsiga yo'naltirilgan yondashuvni texnik oliy ta'lim muassalarida o'qitish amaliyotining dolzarb bo'lib qoldi. Yuqorida keltirilgan dolzarb muammolarning yechimlari maqolada keltirib o'tilgan

OTM muassasalari talabalarning ta'lim olish jarayonida mustaqil test topshiriqlarini bajarishda inson omilisiz o'tkazish va test jarayonlarining tashkil etishda hamda ularning baholash jarayonlariga oid juda ko'p tadqiqotchilar o'zlarining tadqiqotlarida ushbu yuzaga kelgan muammolarning yechimlarini ilmiy asoslab keltirib o'tishgan. I.E.Aleksandrovnaning [1] test jarayonlarini tashkil etish va o'tkazish bo'yichqa ilmiy tadqiqot natijalari hamda tavsiyalarini keltirib o'tishimiz mumkin. Uning tadqiqotlarida talablar test jarayonlarini bajarishda asosan axborot kommunikatsiya texnologiyalariga bog'langanligi va testlarning faqatgina oddiy test turlaridan (faqatgina bitta tog'ri javobli) turidan foydalangan holda talabalarga yetkazish masalalari keltirib o'tilgan. Albatta ushbu usullarning o'ziga yarasha kamchilik hamda muammolari mavjud. Keyingi mavjud bo'lgan muammolar ustida

E.A.Ilina tadqiqotlarida qisman to'xtalib o'tgan [2]. Uning ilmiy qarashlarida test materiallarini loyihalash, pedagogik nazorat natijalarini statistik qayta ishlash; vaqtni minimallashtirish talaba uchun ta'lim olish jarayonida foydasi katta ekanligini yoritib o'tgan.

Yuqorida keltirib o'tilgan ilmiy tadqiqot olib borgan taqqidochilarning tadqiqotlari natijalaridan shunday xulosa kelib chiqadiki, test jarayonlarini tashkil etishda albatta pedagogning pedagogik mahorati, hamda axborot kommunikatsiya texnologiyalarini mukammal bilishi kompetentligi hamda talabalarning baholash sinov jarayonlarini o'tkazishda test turlarini sodda hamda tushunarli tarzda, baholash jarayonlarida inson omili ishtiroksiz shaffof tashkil etish maqsadga muvofiqligi ko'rsatadi. “Chizma geometriya va muhandislik grafikasi” fanini o'qitish jarayonida talabalar fanni mukammal o'zlashtirishlari boshqa fanlarga nisbatan qiyinroq bo'ladi. Bunga sabab, talabalar fanni mukammal bilishlari uchun birinchi navbatda fazoviy tasavvur hamda amaliy bilimlarga ega bo'lishlari kerak bo'ladi. Shuni e'tiborga olgan holda talabalar fanni o'zlashtirishda turli xil didaktik jarayonlar, metodlar hamda pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda dars mashg'ulotlarini tashkil etish bu zamonaviy pedagogning eng asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi. Lekin shunday bo'lsada, talabalarning bilim olishlari hamda fanlardan baholanishda faqatgina pedagog dars mashg'ulotlarini mukammal tashkil etish bilan cheklanib qolmaydi ya'ni talabarning ham fanga bo'lgan qiziqishlari hamda o'zlashtirishlariga ham bog'liq subyektiv omil bo'lib hisoblanadi.

Talabalar test topshiriqlarini bajarishda ikkita majburiy komponent mavjud:

1. Test topshiriqlarni talabalarga mustaqil ishlashlari uchun berilsa, talabalar fanni mukammal o'zlashtirib olgan bilimlarni shakllantirish.
2. Shakllantirish darajasini tekshirish, ya'ni talabalarni bilim, ko'nikmalarini nazorat qilish.

“Chizma geometriya va muhandislik grafikasi” fanini mustahkamlashda eng samarali nazorat vositalaridan amaliy topshiriqlarni bajarish, mustaqil ta'lim va albatta test topshiriqlarini bajarish hisoblanadi. “Chizma geometriya va muhandislik grafikasi” fanini mustahkamlashda test sinovlari usuliga to'xtalib o'tsak. Sinovlar nafaqat nazoratning amaliy shakli, balki talabalarni test usuli bilan fanga bo'lgan qiziqishlarni oshirish chizmalarini o'zlashtirish darajasini, olgan bilimni mustahkamlash ko'rsatkichidir. “Chizma geometriya va muhandislik grafikasi” fanida amaliy nazorat shakllari o'tkazishda inson omili ishtirok etiladi. Bundan tashqari eng asosiysi sinov natijalarni tekshirish uchun ko'p vaqt talab etiladi. Fanlardan o'tkaziladigan test sinovlarning amaliy nazorat ishidan asosiy farqi shundaki, test har doim o'zlashtirish darajasini o'lchovni o'z ichiga oladi. Sinovlarni baholash amaliy nazorat ishlarini baholashdan ko'ra ko'proq ob'ektivlik va mustaqillikka ega va albatta sinov aniq afzalliklarga ega. Tadqiqodlarimiz shuni ko'rsatdiku test sinovlarini o'tkazishning afzalliklarini keltirib o'tsak:

Hozirgi vaqtda test sinov turlaring juda ko'p ko'rinishlari mavjud ammo mutaxassislik hamda grafik fanlarni o'qitishda talabalar bilan ishlaydigan professor-o'qituvchilar uchun ma'ruza materiallarning o'ziga xosligi tufayli talabalar bilimini mustahkamlash uchun mustaqil ravishda test topshiriqlarini oddiy va murakkab test turlariga ya'ni talabalarni o'zlashtirish darajasiga qarab tuzish kerak. Shuning uchun o'qituvchi test topshiriqlarini tayyorlashda bir qator omillarga etibor berish kerak bo'ladi ya'ni ular quyidagilar:

- test tuzish metodologiyasiga;
- fazoviy tasavur hamda amaliy bilimi va ko'nikmalarini shakllantirish asoslariga
- bilim ko'nikma va malakalarni amalda qo'llashga
- test topshiriqlarini tayyorlashga qo'yiladigan talablarni bilishga ega bo'lishi kerak.

Test topshiriqlarini tuzishga qo'yiladigan talablar mavjud:

Test topshiriqlari – test tuzish jarayonida testologiya qoidalari va qonunlariga muvofiq tuzilishi va quyidagi xususiyatlarga ega bo'lishi kerak: haqiqiyliги, ishonchliligi va amaliyligi.

Haqiqiylik bu – tuzilgan test topshiriqlari orqali talabalarda ko'nikma va qobiliyatlarni samarali nazorat qilish.

Test ishonchliligi – test topshiriqlarini bir xil sharoitda sinov davomida uning natijalari barqarorligi bilan tavsiflanadi.

Amaliylik – test ko'rsatmalarining mavjudligi va mustahkamligi va o'quvchilarning tushunish uchun topshiriqlarning mazmuni.

Talablar asosida professor-o'qituvchilar test topshiriqlarini tuzish orqali turli xil reja asosida sinovlar o'tkazish maqsadga muvofiq deb hisoblanadi.

Bundan tashqari “Chizma geometriya va muhandislik grafikasi” fanidan o'tkaziladigan testlarning turli tasniflari mavjud:

- chizma geometriyani bilish darajasini aniqlashga yordam beradigan kirish testlari;
- fan nuqtai nazardan o'quvchi talabaning ma'lum bir bo'limini o'zlashtirish ko'rsatkichlarini aniqlashga qaratilgan yutuqlar testlari;
- kurs yakunida o'tkaziladigan va o'quv maqsadlarini amalga oshirishni tekshirishga qaratilgan yakuniy testlar.

Test sinovlari mavzulari talabaga tanish bo'lgan va o'zlashtirgan mavzularga asoslangan bo'lishi kerak. Mavzularni tanlash muayyan kurs talabalarini tayyorlash darajasiga bog'liq bo'lishi kerak. Bugungi kunga kelib, OTM muassasalariga kredit modul tizimini joriy qilinishi talabalarining o'qituvchi bilan auditoriya soatlarini sezilarli darajada qisqartirishga olib keldi. Natijada, o'quv dasturining ko'plab bo'limlari talabalar tomonidan mustaqil o'rganish uchun belgilanadi. Bu tizimda test sinovlarini boshqarish va ularni rivojlantirish masalalarini dolzarblashadi. Talabalarining mustaqil ishlariga nisbatan avtomatlashtirilgan o'qitish tizimlari

ishlab chiqiladi. “Chizma geometriya va muhandislik grafikasi” fanida mustaqil amaliyot ta’lim jarayoni o’zlashtirishning eng muhim tarkibiy qismidir. Talabalar test topshirig‘ini mustaqil ishlashidan maqsad; olgan bilimlari mustahkamlash, erishgan natijalari bo’yicha rag‘batlantirish, hamda o’zlashtirish samaradorligini oshirish va o’qituvchi tomonidan talabalar bilimni baholash tizimni faollashtiradi. Talabalarda esa fanlarni o’zlashtirishda reja asosida berilgan test nazoratining topshiriqlarini topshirilishning muqarrarligni, majburiyiligi talabada tomonidan motivatsiya kuchini uyg‘otadi.

Xulosa: Xulosa qismida shuni aytish joizki, OTM da talabalarga “Chizma geometriya va muhandislik grafikasi” fanini o’zlashtirishda test topshiriqlari mavzularini o’quv yili boshida talabalarga berib, ularni test sinovlari vaqtigacha tayyorgarlik ko’rish va o’z ustida mustaqil ishlash imkoniyatini oshirish kerak. Talaba mustaqil ishlash natijasida fazoviy tasavvur hamda amaliy bilimlarni egalashlariga va test topshiriqlarni mustaqil ishlashlari orqali avtomatik tarzda inson omilisiz nazorat qilish va baholash o’z samarasini beradi. Ushbu natijalarga erishish uchun iSpring Quiz Maker 9 hamda Multimedia Builder dasturlari orqali test topshiriqlarni tuzish eng samarali usul ekanligini talabalarda qo’llab fan bo’yicha olgan bilimlarini mustahkamlashga hamda fanga bo’lgan qiziqishlarini oshirish mumkin. Maqsadimiz raqabatbardosh yetuk kadrlar tayyorlash ekan, buning natijasida kelgusi faoliyatida loyihalash jarayonlarida talabalarda fazoviy tasavvur mavjudligi natijasida keyingi fanlarni o’zlashtirishda uzviylikni saqlab qolish imkoniyatini yaratish kerak.

Adabiyotlar

- [1]. Xolmurzayev, A.A., & Toxirov, I.X. (2021). Talabalarning o’quv jarayonini shakllantirishda kompyuterli o’qitish texnologiyalarini o’rni. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1 (11), 283-288.
- [2]. Kholmurzaev, A. A., & Tokhirov, I. K. (2021). The active participation of students in the formation of the educational process is a key to efficiency. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(4), 435-439.
- [3]. Арзиев, С. С., & Тохиров, И. Х. Ў. (2021). Фазовий фикрлашнинг бўлажак муҳандис ва архитекторлар ижодий фаолиятида тутган ўрни. *Scientific progress*, 2(2), 438-442.
- [4]. Kholmurzaev, A. A., & Polotov, K. K. (2020). Methods of using media education in the learning process. *Theoretical & Applied Science*, (5), 205-208.
- [5]. Polotov, K. K. (2020). Features of teaching engineering and computer graphics. *Theoretical & Applied Science*, (6), 573-576.

1. “Фарғона политехника институти Илмий – техника журнали” (“Научно – технический журнал ФерПИ”, “Scientific – Technical Journal FerPI”) саҳифаларида фундаментал ва техника фанлари соҳасида янги илмий натижаларга эга бўлган ва 50 % дан ортиқ қисми илгари эълон қилинмаган ўзбек, рус, инглиз тилларида тайёрланган мақола ва қисқа хабарлар қуйидаги бўлимлар бўйича чоп этилади: **физика-математика фанлари; механика; қурилиш; энергетика, электротехника, электрон қурилмалар ва ахборот технологиялари; кимёвий технология ва экология; ижтимоий-иқтисодий фанлар; қисқа хабарлар.**

2. Мақола стандарт A4 ўлчамдаги оқ қоғознинг бир томонида чапдан 30 мм, ўнгдан 15 мм, юқоридан ва пастдан 20 мм кенгликда жой қолдириб, **Times New Roman** шрифтида, **12 pt** ўлчамда, қаторлар ораси **бир оралиқ** билан ёзилади ва икки нусхада тақдим қилинади. Мақолалар ҳажми чизмаларсиз **саккиз саҳифадан**, қисқа хабарлар эса **уч саҳифадан** ошмаслиги ва иккинчи нусхасида барча муаллифлар фамилияси, исми ва шарифларини кўрсатиб имзо чекишлари лозим.

3. Мақолага қуйидагилар илова қилинади: иш бажарилган **ташкilot йўлланмаси**; ўзбекча, русча ва инглизча **аннотациялар** (бир хил мазмунда ва 5-6 қатордан ошмаслиги зарур), **таянч сўзлар, мақола номлари; эксперт хулосаси; муаллифлар тўғрисида маълумот** (иш жойи, лавозими, телефони, e-mail). Муаллифлар орасида фан доктори бўлмаган тақдирда, шу соҳа ихтисослиги бўйича **фан докторининг тавсияси** тақдим этилади.

4. Формулалар компьютерда Word формулалар муҳаррирининг Math Type версиясида ёзилади. Чизмалар ва диаграммалар стандарт қоидаларга риоя қилинган ҳолда 10×10 см дан катта бўлмаган ўлчамда тайёрланиши, ёзувлар имкони борича сонлар ёки ҳарфлар кўринишида берилиши ва улар мақола саҳифасида ёки чизмага иловада тушунтирилиши лозим. Мақолада чизмалар сони **4 тагача**, қисқа хабарларда эса **2 тагача** рухсат этилади.

5. Мурожаат қилинган адабиётлар рўйхати мақола охирида қуйидаги тартибда келтирилади: муаллифнинг фамилияси, исми, шарифи, китоб (журнал)нинг номи, нашриёт (китоблар учун) йили, журнал номери, саҳифа (журнал учун). Мақола саҳифаларида адабиётларга илова рақам билан тартибли равишда квадрат қавс ичида (масалан [7] кўринишида) берилади.

6. Мақолани тайёрлашга ўта синчковлик ва ўткир диққат билан ёндошиш тавсия этилади. У илмий ва грамматик жиҳатдан юқори даражада талабчанлик билан илмий мақола мақомида таҳрирланган бўлиши лозим: саёз мазмундаги, ғализ ва узундан-узоқ жумлаларни ишлатмаслик; мақоланинг илмий йўналишига, шу куннинг ечилмаган ва долзарб муаммоларига баҳо берилиши; ишнинг асосий мақсади, қўйиладиган масалалар ва уларни ечиш услублари, олинган янги илмий натижалар ва уларнинг таҳлили ҳамда аниқ хулосалар қатъий кетма-кетликда раво тилда баён қилиниши лозим.

7. Таҳририят зарурат бўлганда тақдим этилган мақола ва қисқа хабарларни таҳрир қилиш ҳуқуқига эга. Улар сўзсиз таҳририят аъзоларига ёки бошқа тегишли мутахассисларга тақризга берилади.

8. Агар мақола муаллифга қайта ишлаш учун қайтарилса, мақоланинг охириги кўриниши олинган кундан бошлаб мақола таҳририятга тушган ҳисобланади.

Журнални чоп этишда doc. MS Word 97 (2003) таҳририда ишловчи дастурлардан фойдаланилади.

Мақолаларини ўз вақтида чоп этилишини истаган муаллифлар таҳририятга ана шу дастурдан фойдаланган ҳолда компьютерда терилган электрон вариантини тақдим этишлари мақсадга мувофиқдир.

9. **Журналнинг электрон вариантларини ФерПИ веб-сайти <http://www.ferpi.uz> (faoliyat→ilmiy faoliyat→ilmiy jurnal) дан топиш мумкин.**

Кўрсатилган қоидалар асосида тайёрланмаган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди.

К СВЕДЕНИЮ АВТОРОВ !

1. На страницах «Научно-технического журнала ФерПИ» публикуются статьи и краткие сообщения в области фундаментальных и технических наук, содержащие новые или более 50 % ранее не опубликованные научные результаты, на узбекском, русском или английском языках по следующим разделам: **фундаментальные науки; механика; строительство; энергетика, электротехника, электронные устройства и информационные технологии; химическая технология и экология; социально-экономические науки; краткие сообщения.**

2. Статья представляется в двух экземплярах на белой бумаге стандартного формата А4 с полями: слева 30 мм, сверху и внизу по 20 мм, справа 1,5 мм; шрифт Times New Roman 12 pt, междустрочное расстояние один интервал. Общий объем статьи не должен превышать восьми страниц, не считая рисунков, кратких сообщений же не более трёх страниц. Второй экземпляр статьи представляется с подписями всех авторов.

3. К статье прилагаются: **направление учреждения**, в котором выполнена работа; **экспертное заключение** (для авторов из Республики Узбекистан); на узбекском, русском и английском языках **аннотация** (из 5-6 строк одинакового содержания), **ключевые слова, название статьи; сведения об авторах** (место работы, должность, телефон, e-mail). В случае отсутствия среди авторов доктора наук представляется рекомендация доктора наук в области этой специальности.

4. Для написания формул в тексте необходимо пользоваться редактором Word Math Type. Формулы нумеруются в сквозном порядке. Для обозначения физических, математических и химических величин, включая индексы, применяются исключительно латинские и греческие буквы. Нельзя обозначать различные величины одной и той же буквой. Подготовленные рисунки и диаграммы должны соответствовать стандартным требованиям и не превышать размеры более чем 10x10 см, надписи, индексы или буквенные обозначения, желательно указать и пояснить на страницах статьи или в приложениях к рисункам.

5. Список литературы представляется в конце статьи в следующем порядке: Ф.И.О. авторов, название книги (журнала), год издания (для книг), номер журнала, страницы (для журналов). На страницах статьи ссылки на цитируемую литературу представляются в порядке упоминания арабской цифрой в квадратных скобках, например: [1].

6. Внимательно относитесь к стилю своей статьи, который должен отвечать требованиям высокой степени редактирования, как в отношении научности, так и грамматики. Избегайте длинных фраз поверхностного содержания. Для лучшего восприятия большой статьи читателями рекомендуется разбить текст на разделы: например, 1. Введение, 2. Методика эксперимента, 3. Экспериментальные результаты, 4. Заключение. Следует обязательно указать основную цель работы, постановку задач, актуальность и современность проблемы, методы и способы решения, полученные новые научные результаты и их анализ, а также конкретные выводы.

7. Представленные в редакцию статьи направляются для рецензирования членам редакции или другим соответствующим специалистам. Определяются, соответствует ли статья тематике журнала, есть ли в ней четко сформулированные новые научные результаты, достаточно ли надёжно обоснованы выводы, понятно ли изложен материал. При необходимости статья может быть отредактирована.

8. В случае возврата статьи авторам для доработки срок её поступления в редакцию, считается со дня поступления последнего её варианта.

При печати материалов журнала применяется текстовый редактор doc.MS Word 97 (2003). Для своевременного опубликования статьи, авторам необходимо представить электронный вариант статьи, набранный на компьютере с использованием указанной программы.

9. Электронные версии журнала доступны на веб-сайте ФерПИ <http://www.ferpi.uz> (faoliyat→ilmiy faoliyat→ilmiy jurnal).

Статьи, не оформленные согласно вышеуказанным правилам, редакцией не принимаются.

INFORMATION TO THE AUTHORS !

1. On pages “Scientific – Technical Journal Fer.PI” are published articles and short messages in the field of the fundamental and technical science, containing new or more than 50% earlier not published scientific results, in Uzbek, Russian or English languages according to the following sections: fundamental sciences; mechanics; construction; power, electrical equipment, electronic devices and information technologies; chemical technology and ecology; social and economic sciences; short messages.

2. Article is submitted in duplicate on white paper of the standard A4 format with fields: at the left 30 mm, above and below on 20 mm, on the right 1,5 mm; Times New Roman 12 pt font, interlinear distance one interval. The total amount of article shouldn't exceed eight pages, apart from drawings, the short messages, no more than three pages. The second copy of article is submitted with signatures of all authors.

3. To article are applied: the direction of establishment in which work is performed; the expert opinion (for authors from the Republic of Uzbekistan); in Uzbek, Russian and English languages the summary (from 5-6 lines of the identical contents), key words, article name; data on authors (work place, position, phone, e-mail). In case of absence among authors of the doctor of science the recommendation of the doctor of science in the field of this specialty is submitted.

4. For writing of formulas in the text the Word Math Type editors need to use. Formulas are numbered in a through order. For designation of physical, mathematical and chemical quantities, including indexes, exclusively Latin and Greek letters are applied. It is impossible to designate various sizes the same letter the Prepared drawings and charts have to conform to standard requirements and not exceed the sizes more than 10x10 cm, inscriptions, indexes or alphabetic references, it is desirable to specify and explain on pages of article or in annexes to drawings.

5. The list of references is submitted at the end of article in the following order: First name, middle initial, last name authors, the name of the book (journal), year of the edition (for books), the issue of the journal, pages (for Journal). On pages of article of the link to quoted literature are represented as a mention in the Arab figure in square brackets, for example: [1].

6. Consider to the style of the article attentively which has to meet the requirements of high extent of editing as concerning scientific character, and grammar. Avoid long phrases of the superficial contents. For the best perception of big article readers recommend to break the text into sections: for example, 1. Introduction, 2. Experiment technique, 3. Experimental results, 4. Conclusion. It is necessary to specify surely a main objective of work, statement of tasks, relevance and the present of a problem, methods and ways of the decision, the received new scientific results and their analysis, and also concrete conclusions.

7. Articles presented to edition go for reviewing to members of edition or other corresponding experts. Are defined, whether there corresponds article to journal subject, whether there are accurately formulated according to new scientific results in it, whether it is enough reliably valid conclusions, whether the material is clearly stated. If necessary article can be edited.

8. In case of article return to authors for completion, the term of its receipt in edition, is considered from the date of receipt of its last option.

At the press of materials of the journal the text editor of doc.MS Word 97 (2003) is applied. For timely publication of article, authors need to present the electronic version of article gathered on the computer with use of the specified program.

9. The electronic version of the journal is available on the FarPI website, <http://www.ferpi.uz> (faoliyat→ilmiy faoliyat→ilmiy jurnal).

ФарПИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ
ТАХРИРИЯТИ:

Масъул муҳаррир
Мусахҳиҳ
Мусахҳиҳ
Компьютерда саҳифаловчи

Н.Х. Юлдашев
А.Ш. Нигматуллина
Д.Н. Марайимова
С.Э. Йўлдашева

Таҳририят манзили:
150107. Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86 уй.
Телефон: 241-13-54.
Факс: 241-12-06.
Бизнинг сайт: <http://www.ferpi.uz>
E-mail: jurnalferpi@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан
Оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиб,
2020 йил 6 августда № 1081 рақамли гувоҳнома олинди.

Босишга рухсат этилди: 27.08.2022 й.
Бичими: А4. Гарнитура Times New Roman.
Босма табоғи: 15,25. Адади 100 нусха. Буюртма № 3.
Баҳоси шартнома асосида.
«Dadaхон Nur Print» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Фарғона шаҳар Б. Марғилоний кўчаси 62-уй.
Лиц: №22-2891 21.11.2012 йил.